

ЛАО  
ШУ

# Мушуклар салтанати



РУМОН

*Бахтиёр ОМОН таржимаси*

Тошкент  
«Езувчи» нашрияти

И (Кит)  
Л 20

Сўзбоши муаллифи — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Неъмат Аминов

Тақризчи — филология фанлари номзоди

Раҳмон Қўчқоров

**Лао Шэ.**

Мушуклар салтанати: Рўмон / Б. Омон тарж.; Сўзбоши муаллифи Н. Аминов/. — Т.: Ёзувчи, 1996. — 128 б.

Лао Шэ (1899—1966) XX аср жаҳон адабиётининг йирик сўз санъаткорларидан биридир. Унинг ажойиб халқона рўмон, қисса, драма ва эсселари алақачон кўплаб тилларга таржима қилиниб, китобхонларнинг олқишига сазовор бўлган.

«Мушуклар салтанати» (1931) башорат этувчи асар бўлиб, унда 20—30 йилларда бир неча мамлакатларга зўрма-зўраки жорий қилинган дунёқараш жамият ва одамлар ҳаётини остин-устун қилганлиги моҳирона тасвирланади. Табиий тарзда ривожланаётган жамиятга сунъий аралашилар оқибати халқнинг келажагига хавф солади. Рўмон эса айнан мана шу сунъий зўравонликдан сўнг вужудга келган «Мушуклар салтанати» ва унинг инқирози тафсилотларини ишонарли тилда ёритади.

И (Кит)

Ш 4703000000—16 39—1996  
М 362 (04)—96

ISBN 5—8255—0339—0

© Бахтиёр Омон (тарж.),  
«Ёзувчи» нашриёти, 1996 й.



## ЛАО ШЭ ФАЛСАФАСИ

(Сўзбоши ўрнида)

Шундай адиблар бўладики, улар бир пайтлар айтган гап, у ёки бу гоё йиллар ўтган сари янгилашиб боради. Асл моҳияти жиҳатидан ўша даврнинг, қолаверса, даврларнинг жорий фалсафасига айланиб, умрбоқийлик касб этади.

Улуғ хитой халқи адабиётининг талантили намоюдаси Лао Шэ ҳам ана шундай файласуф ёзувчилардандир. У айтмоқчи бўлган гап нафақат хитой халқи, балки бутун жаҳон халқлари тақдири билан вобастадир.

Лао Шэ 1899 йилда таваллуд топган. Асли келиб чиқиши ман-журлардан. Ҳар қандай улкан адиб сингари унинг шахсий ҳаёти ҳам қисматнинг аччиқ-чучук «ўйин»ларидан иборатдир. Лао Шэ айрим маълумотларга қараганда 1966 йилда вафот этган.

Лао Шэ ўз ижодини асримизнинг йигирманчи йилларида бошлаган. Уша йиллари у Англияда хитой тили ва адабиётидан дарс беради. Ғарб адабиётининг улкан намояндалари Диккенс, Конрад, Твен, Уэллсларнинг ижодлари билан яқиндан танишади. Ушаларнинг йўлидан бориб, миллий анъаналар руҳида бир қатор асарлар яратади. Ҳажвий-руҳий рўмончилик мактабига яратишга ҳаракат қилади. Масалан, «Донишманд Чжао дейдики...» «Мухтарам Чжай фалсафаси», «Ота-бола Малар» сингари асарларида ўз ватанидаги қашшоқ ҳаётни рангин бўёқларда тасвирлайди. Бу асарларда мақтанчоқ зодагонлар, ҳийлагар сутхўрлар, маҳмадона талабалар, энг асосийси — ёлгончи, риёкор давлат раҳбарлари устидан кулади.

Асардан асарга ёзувчининг сатирик таланти, унинг аччиқ, айни пайтда фойдали кулгиси камол топиб боради. Унинг 1929 йилда босилиб чиққан «Кичик Понинг туғилган куни» деган қиссаси болаларга бағишланган бўлиб, шумтака бир ўғил бола уйқудан уйғониб турса, ўзини ғалати мамлакатда кўради. Бу мамлакатда шўхлик учун жазолаш ўрнига, уни рағбатлантиришар, водопровод жўмрақларидан сув ўрнига сут ва чой оқиб турар, ўйинчоқлар ранг-баранг ва беҳисоб экан...

Уйқудаги болалар мамлакатни қаҳрамони Маймунлар мамлакатига тушиб қолади. Бу ерда унинг синфдоши Қал Чжан ҳукмдорлик қиларкан.

Хуллас, Лао Шэ рўмонлари, қисса ва ҳикояларида ҳаёлий, руҳий ва ҳажвий йўналиш ғарбнинг реалистик ва донишманд Шарқнинг мумтоз адабиёти анъаналари билан уйғунлашиб янгича бир аҳамият касб этади.

1949 йилда Хитой инқилоби ғалаба қозонгач Лао Шэ ўз ватанига қайтади. Шу йилларда у «Аждар мўйлови», «Чойхона», «Сотувчи хоним» сингари комедияларини ёзиб саҳнага қўйдиради. Бу пьесаларидаги ҳақиқат учун уни анча нари-бери обориб келадилар. Ноҳақ танқидга учрайди.

Лао Шэнинг Сизнинг эйтиборингизга ҳавола этилаётган «Мушуклар салтанати» сатирик рўмони 30-йиллар бошида ёзилган. Муаллифнинг эфирогича, бу асарда машҳур саргузашт ёзувчи Г. Уэллснинг «Ойдаги дастлабки одамлар» рўмони анъаналарини давом эттирган. Бироқ «Мушуклар салтанати»да кўтарилган ғоя ўзининг ижтимоий далзарблиги, мавзунинг эскирмаслиги, Миррих-деги ҳаётнинг заминий илдизларини очиб бериши жиҳатидан Уэллс асарларидан тубдан фарқ қилади. «Мушуклар салтанати» рўмонида ўша йилларда бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалган, тўғриси зўрма-зўраки жорий қилинган «марксча-ленинча материалистик дунёқараш» ҳажв қилинади. Масалан, ўша йиллари «Одам маймундан пайдо бўлган» деган ақида материалистик фалсафанинг асосини ташкил этарди. Ана шу ҳийлагар маймунлар Ерда фаолият кўрсатсалар, Лао Шэнинг рўмонида худди ўшандоқ ҳийлагар Мушуклар Миррих сайёрасида ҳаёт кечирадилар. Асар қаҳрамони тилидан Мушукона ҳаёт тарзи, давлат тизими, ҳарбийлар орасидаги интизомсизлик, фандаги кўр-кўрона ёдлаш, ўша пайтда эндигина ер юзида илдиз отаётган нашавандлик иллатлари устидан қаттиқ кулади.

Миррих сайёрасида кенг жорий қилинаётган «изм-изм»лар, «ния», «тия», «всензм» қўшимчалари билан туговчи «таълимот»лар аёвсиз фош қилинади.

Асарда бирорта ҳам шарқона ном йўқ. Балки «Қатта Чаён», «Қичик Чаён», «Қатта шунқор», «Бароқбоев» сингари қаҳрамонлар фаолият кўрсатиб, Мушуклар салтанати мисолида ўша даврдаги Хитой ҳаёти моҳирона чиқиб берилади. Чунончи, рўмондаги кутубхона лавҳасида, муаллиф башорати, йигирма-ўттиз йилдан сўнг Хитойда рўй берган «маданий инқилоб» ўша пайтдаёқ қаламга олинган.

Айни ана шу хил лавҳалар битилгандан ўттиз-ўттиз беш йилча кейин Хитойда фаолият кўрсатган хуэнбэйчлар Лао Шэни қаттиқ қоралаб, унинг асарларини йўқотишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, Лао Шэ асарларини энди йўқотиб бўлмас эди. Чунки, бу асарларни вақтинча Хитойда йўқотсалар-да, жаҳон кутубхоналаридан йўқотиб бўлмас эди...

«Мушуклар салтанати» рўмонининг яна бир аҳамияти шундаки, ҳозирда бутун жаҳонда асосий муаммо ҳисобланган гиёҳвандликка қарши аёвсиз ўт очилган. «Наркобизнес» деб аталмиш иллат башариятнинг асл душмани эканлиги фожияли лавҳаларда фош этилади. Ҳа, Лао Шэ — башорат қилувчи адиб, ажойиб сўз санъаткори эди!

Энди асар таржимаси ҳақида икки оғиз. Иқтидорли таржимон Бахтиёр Омон бундан олдин ҳам Лао Шэ асарларига қўл урган. Икки йилча аввал унинг таржимасида ёзувчининг «Ҳилол», «Ойим-қиз» ҳикоялари «Бева аёл қиссаси» номи билан чоп этилган эди. Бу китобча эл орасида жуда тез тарқалди. Таржима тили содда, бой ва ўқимишли. Бахтиёр мумтоз ўзбек, форс, рус адабиётидан яхши хабардор йигит. «Мушуклар салтанати» рўмони унинг таржимасида чиққан биринчи йирик асардир.

Бу қизиқарли асар ҳажвиёт ва саргузашт мухлисларини яна бир бор хурсанд қилишига ишонамиз.

**НЕЪМАТ АМИНОВ,**  
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси.*



# 1

Сайёралараро кемамиз ҳалокатга йўлиқди.

Ун беш кун уни моҳирона бошқарган эски мактабдош дўстимдан ном-нишон қолмади. Узим тирик қолганга ўхшайман чамамда. У ёғини сеҳргарлар билишару, лекин мен нима ҳодиса содир бўлганини ҳануз англаб етолганим йўқ.

Биз Миррих юлдузига қараб учган эдик. Дўстимнинг ҳисоб-китобига кўра, юлдузлар ҳудудига аллақачон кириб улгурган эдик. Модомики, бу гап чин бўлса, дўстим бамайлихотир ётаверсин. Миррих юлдузига қўнган биринчи хитойлик деган бахтга муяссар бўлгач, ўлсанг алам қилмайди.

Миррих сайёраси деганлари шумикан ўзи? Қўлимда далил-исбот бўлмагач, нима ҳам дердим. Камина қадимги араб ёзувини қанчалик билсам, фалакиёт илмига ҳам шунчалик фаҳим етарди. Дўстим тирик қолганида, жонимга ора кирарди-да.

Она юртимга қайтиш душворга ўхшаб қолди. Аҳволим танг — эғнимда увадаси чиққан кийим, қорним ноғора чалади. Ё, раб, мени қай пучмоқларга келтириб ташладинг? Нотаниш, бегона бу мазгилнинг тилини билмасам... Миррихда ақлли мавжудотлар яшашига ишонгим келмайди. Чор атроф мавҳумот жимжитлик, ўй суриб, мулоҳаза юритгандан фойда йўқ. Миррихга илк қадам қўйганим ягона юпанч эди, холос.

Энди бу гапларни оғзимни тўлдириб айтаяпман. Ушанда маймун йиғлагудек алфозда эдим, ерга қайт-

масам, қисматим не кечади, деб ич-этимни ердим. Кеманинг қолган-қутган парчаларини тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлаганда ҳам гарангсиб ўтираверганман.

Тирик қолганимга минг қатла шукр. Энди дўстимнинг суякларини йиғиб кўмишим керак. Аслида кема ҳам менга қадрдон, ахир, у мени олис сайёрага етказиб қўйди. Аҳмоққа омад кулиб боқади, деганлари шу-да. Бегона сайёрада ёлғиз ўзим қандай яшайман?

Дўстимга гўр қазир эканман, тинимсиз йиғлардим. Рухим чўкиб синиқиб қолган эдим. Қайғуга ботганимдан бу юмуш ҳам аниқ эсимдан чиқаёзибди. Сукунат ва жимжитлик одамни ютиб юборай дейди. Отэм билан онам қабри тепасига борганимда ана шундай оғир ҳолатни бошимдан кечирганман. Теваракка хомуш боқар эканман, аъзойи баданим ёмғир томчиларидан узилаётган япроқлар каби дир-дир титрарди. Тунд, илиқ ҳавони кўлимда тутгим келарди. Ниҳоят, қуёш нур сочдию, кулранг осмон қумушранг тусга айланди... Хитойнинг шимолий ноҳияларида ҳам иссиқ дамларда булутлар сузиб юрганида шундай манзарани кузатиш мумкин. Зулмат ўз қаърига тортаётган сайёранинг бу оғир ҳавоси пишлоқхонада милтиллаб турган ёгчироқ шуъласига ўхшарди. Ана, ҳу олисда ёввойи каптарнинг ғадир-будир бўйинини эслатувчи тоғлар кўзга ташланади.

«Қоронгу, нурсиз мамлакат экан», деб қўйдим ичимда. Ўзи, мамлакатнинг дараги бормикан? Майсазор демасангиз, теварак-атрофда на дарахт, на уй, на далани кўрасиз. Тупроғи унумдор, ҳосилдор бу заминга экин экилмаслигини кўриб, ҳайрон қолдим.

Қалхатсимон оқдумли қушлар бошим узра айлана бошлади. Ғамгин рутубатли оламни нурга чулғашга қурблари етмаса-да, қушлар айни заминнинг ҳоқими эди гўё.

Қалхатлар пастлаб учишди. «Дўстим жасадини кўзлашяпти-ёв». Кўмишим зарурлиги яна эсимга тушиб, қўлга илингулик нарса излаб кетдим. Кема синиқлари асқотиб қолармикан? Лекин улгуролмадим — қушлар галаси қичқирганча ёпирилишди. Ўзимни ҳимоя қилиш илинжида темир парчасига ёпишдим. Шунда қушлардан бири ерга кўнди ва афт-ангоримни кўрибоқ орқасига қайтди. Бошқа баҳайбат қушлар эса кўрқа-писадўстим жасади ёнига ўрнашдилар. Мен жон ҳолатда кема синиқларидан бир парчасини узишга уриндим,

кафтларим ачишиб қонаган бўлди. Шунда ҳужумга ўтдим — қушларни ҳайдадим, оёғига тепдим. Барибир, бир каттакон калхат дўстим жасади устига бориб кўнди...

Хайрият, тўппончам эсимга тушиб қолди. Уни дарҳол пайпаслаб топдим ва донг қотдим. Ажабо, ўн қадамча нарида шундоқ рўпарамда — мушук-одамлар саф тортиб туришар эди.

## 2

Тўппончамни чиқарсаммикан, деган фикр миямни банд этганди. Ҳарчанд ўзимни босишга уринмайин, ҳаяжон босди. Шунда ҳам тўппончага тегмадим, тақдирга тан бердим. Пешонада борини кўраман! Мен Миррих салтанатига ўз ихтиёрим билан келганман, бунақа мушук-одамлар етти ухлаб тушимга кирмаган. Қани, булар нима каромат кўрсатар экан, қўйиб берай-чи, деб таскин бердим ўзимга. Балким улар дунёдаги энг раҳмдил, бағри кенг махлуқлардир. Қуролга ёпишиб нима қилдим. Бамаъни фикрдан ўзим дадил тортдим, ҳаяжоним босилди. Орага оғир сукунат тушди. Майли, ҳар қандай вазиятда ҳам олдин ҳужумга ўтмасликка онт ичдим.

Урнимдан жилмаганимни кўрган мушуклар худди сигирга ташлангандек эҳтиёткорона икки одим ташлашди-да, гўшт парчасини тумшуқларига илганча осмонга кўтарилишди. Кўзимни юмиб олдим. Уша зумдаёқ мени маҳкам ушлаб олишди. Мушук-одамларнинг бу қадар абжирлигини билмаган эканман. Ҳатто қидам шарпаларини ҳам сезмай қолдим.

Тўппончани чўнтагимдан чиқарсаммикан? Хўп майли. кўрайлик-чи, буёғи қандай тугаркин? Қаршилиқ қилмасам-да, бу ғалати махлуқлар қўлимни баттар сиқишарди. «Булар раҳмдил, шафқатли одамга ўхшамайди». Уларнинг, айниқса, туйғуларим ва гуруримни камситишгани жаҳлимни чиқарди. Чарм тасмадек таранг, юмшоқ бармоқлар қўлингни сиқиб турса, жуда алам қиларкан. Уриниш бефойда эди. Қутулишга уринсам, ўткир бармоқларини янаям суқишади. Мушук — одамлар бандини роса қисувга олиб, қийноққа тутар экан. Мен «сиёсий куч» — тўппончамни ишлатмаганим учун ўзимни койидим. Эҳ, биттагина ўқ узсам, тумтарақай қочиб кетишарди. Бироқ пушаймондан энди

наф йўқ. Гасаввуримга сиғдиролмаган бу олам ўлим шарпаси кезиб юрган қоронғу қудуққа айланди-қолди...

Кўзимни секин очдим. Махлуқлар елкамдан маҳкам босиб турганча ниманидир кутишар эди. Бундай ачинарли ҳолат ғазабимни келтирди. «Ўлжа тушган эканман, устимдан кулмай, мени ўлдир а қолинглар» деб ҳайқиргим келди.

— Бу азобнинг охири бормикан?— дедим беихтиёр шивирлаб.

Бирдан фикрим ўзгарди. Улар тилимни билншмайди-ку. Мушукларнинг панжалари борган сари мени қисиб борарди. Бояги сўзларимни тушунишмади. Майли, билганини қилишсин. Арқон билан боғлаб ташлашса, юмшоқ, илиқ, товуқмия махлуқлардан озор тонган қалбим ва танам ором олармиди?

Осмонда қанот ёзиб учаётган калхатлар сони кўпайиб қолди. Ичимга ваҳима тушди. Қўрқдим.

Елкамга миниб олган мушукларнинг мақсади нима экан? Ўтмас пичоқда сўйгандан ёмони йўқ. Мен дўстим жасадини талаган, топтаган шафқатсиз махлуқлар тўдаси қошида турардим. Шундоқ аянчли кунда қушларни айблаб бўлмасди. Марҳум дўстимга ҳавасим келди. «Сенинг ўлигингни тез гумдон қилишди. Азоб ва қийноқларга маҳкум оғайнингдан сен бахтлироқ экансан».

Мен мушук-одамларнинг одати ва феъл-атворини билмасам-да, улар Миррихдаги энг қонхўр махлуқлардир, деган қарорга келдим. Бзфуржа ўлдирини жаллодга ҳузур бағишлайди, дейишади. Бундай кўргиликдан кўра, тирноқларим ичига игна, ё бурнимга керосин — агар булар Миррихда топилса — тиқишса, кошки эди.

Мен йиғлай бошладим. Албатта, қўркувдан эмас, юртимни соғинган эдим. Зулму қийноқ, улаксахўр калхатларнинг бўлмаган буюк Хитой, сенинг жаннатмакон тупроғингга қайтиш бахтига муяссар бўлармиканман?!

Хаёлга ботибман, мушук мўйловли махлуқлар оғимдан кўтаришганда сергак тортдим. Уларнинг товущини эшитмадим, лекин елкамдаги иссиқ нафасларини сездим. Вужудимда илон ўрмалагандай бўлди.

Аллақайёқдан узоқ сукунатдан кейинги садога ўхшаган ғалати овозлар эшитилди. Бу овоз қулоқларим остида ҳамон жаранглайди. Бу — оғимга кишан солишганининг дарағи эди. Қайси жиноятим эвазига,



мени нима қилишади — булар ҳақида ўйлашнинг мавриди эмас эди. Мушуклар жамиятида ҳис-туйғу ва гидрокдан нишона бормикан?

Мени кишанлаб ташлашди. Жиққа терга ботган икки панжа елкамдан босиб турарди.

Инсон ким бўлишидан қатъи назар, ўзига ортиқча бино қўяди, ўзгаларнинг кучини ҳисобга олмайди. Айни дамгача мушукларнинг нималарга қодирлигини билмас эдим. Елкам оша қадалиб турган нарса панжалар эмас, ўткир пичоқлар эди гўё. «Бу сайёрадан тезроқ жўнаб қолиш керак!» дедим ўзимга. Шу фикр хаёлимдан ўтмасдан мушук-одамлар мени тепкилай кетишди. Гангиб кетдим, илгакдек юмшоқ панжаларида илиб олишди. Энди чириллаш эшитилди: улар мени майна қилиб қулишаётган эди.

Борадиган манзилимиз узоқ эди. Югуришга мажолим етмаслигини билиб, мени ўз ҳолимга ташлаб қўйишди. Қўлим банд бўлгани учун жиққа ҳўл пешонамни артолмас эдим. Қаддимни букканча зўр-базўр қадам босардим: тўхтар, югурар, йиқилар, гоҳо базўр биланглар, гоҳ судралар эдим.

Сал юрганимиздан кейин қушларнинг чуғур-чуғури қулоғимга чалинди. Қалхатлар жанг майдонидагидек саф тортиб, ўлжага ташланишган эди... Дўстим жасадини вақтида қўмолмаганим учун ўзимни кечиролмасдим.

Мени қаёққа элтишаётганини билмасдим. Қочиш ё йўлни эслаб қолиш мақсадида кўзимни очдим. Ярадор аскар янглиғ лол-караҳт эдим, аъзойи баданимни тер босганди. Ҳаёт-мамотим устимда турган панжаларга боғлиқ бўлса-да, руҳим тетик эди.

Биз беҳудуд қоронғулик ичра йўл босардик. Анча вақт ўтгач, кўзимни очдим — атроф ёришгандек бўлди. Бошим лўқиллаб оғрирди. Кучимни йиғиб, боғлоғлиқ оёқларимни пайпасладиму манзарадан лол қолдим: мен қайиқ ичида ётардим. Қачон, қандай қилиб бу ерга келтиришди? Оёқларим пайлари увишганидан билдимки, кўпдан буён қайиқда ўтирибман.

Бошимни қимирлатиб кўришга уриндим. Не бахтки, елкамга миниб олган махлуқлар ғойиб бўлишган эди. Бошим тепасида қумуш ўркачли осмон, пастда эса қайиқларга урилаётган тўлқинлару тўқ кулранг кўлни кўрдим.

Энди мен хавфдан кўрқмасдим. Жазирама иссиқ, очлик, ташналик, оғриқ азоби — ҳеч бири чарчоқ ўрнини босолмас эди. Бир ярим ой сайёралараро кемада учиб ҳазилакам гап эмас-да. Бўйнимга ташланган сиртмоқ ётишимга халақит берарди. Сўнгги кучимни йиғиб, ёнбошимга ағдарилдим. Балким охириги сонияда ширин тушлар кўрарман...

Бир вақт кўзимни очсам, кулбага ўхшамаган, эшик-роми бўлмаган бир бурчакда ётибман. Унинг ери майсазорга, томи кумушранг осмонга алмашган эди. Қўлларимни ечиб, белимга тасмасимон қалин арқон боғлашибди. Арқоннинг иккинчи учи девор нарёғида турибди. Тўппончам чўнтагимда эди. Улар мени нима қилишмоқчи? Тўлов олишадими? Балким баҳайбат махлуқни тутдик, энди уни қўлга ўргатиб, ҳайвонот боғида томоша қилдирамиз ёки ветврачга кўрсатамиз, деб ўйлашаётгандир. Ўйлаб топган бу аҳмоқона гапларга ўзимнинг кулгим қистади. Ақлдан озиб қолибман, шекилли.

Лабим қақраган, қорним оч эди. Улар нега тўппончамни тортиб олишмабди? Аммо ҳозир таскину тасалли берувчи кароматли тўппончам ҳам ташналигимни қондиrolмас эди. Атрофга кўз югуртириб, бурчакда ётган тош кўзачани кўрдим. Ичида сув бормикан? Олдига бориб кўриш керак. Оёқларим ечилмагани боис сакрашга мажбур эдим. Кучли оғриққа қарамай, ўрнимдан туришга уриндим, лекин оёқларим ўзимга бўйсунмади.

Мен ётган «қудуқ» унчалик кенг эмас, чалқанчасига ётсам, кўзага озгина масофа қоларди. Бунинг устига, белимдаги арқон сакрашга имкон бермасди. Ёнбошимга ағанаб кўнғиз каби оёқларим ёрдамида олдинга силжисам, нима қиларкан? Ҳа, бўлади! Оёғимни кўзага теккизиш учун таранг тортилган арқонни кўкраккача кўтардим. Гарчи арқон баданимни қаттиқ сиқиб турса-да, эътибор бермасдан эмаклашда давом этиб то кўзагача етиб олдим.

Аммо кўзани олишга оёғимдаги кишанлар халақит берди. Ётиб осмонни томоша қилишдан бошқа чора қолмади. Тўппончани пайпаслаб чўнтагимдан чиқардим-да, кўримлироқ бирон нарса қидирдим. Тўппончанинг ялтироқ учини чаккамга тирадим: бармоғимни

теккизсам бўлди, ташналик азобидан қутуламан. Бироқ бир ажойиб фикр мени тўхтатиб қолди. Дарҳол ёнбошга ўгирилдим у арқонга қарата икки-уч марта ўқ уздим. Арқон бир зумда узилиб тушди, қўл ва тишларимни ишга солиб, озод бўлдим. Хурсандлигимдан кишанни унутаёзиб сакраган эканман, ағдарилиб тушдим. Кўза ичида нимадир ялтирагандай бўлди. Сувмиқан ишқилиб? Уйлашга фурсат йўқ. Кўза жуда оғир эди. Эгилдим. О, бу оби ҳаёт эмасми! Шу онда лабимга теккан томчилар нектардан ҳам тотлироқ эди. «Машаққат тортган кишини албатта мукофот кутади!» — бу оддийгина ҳақиқатга ўшанда ишондим.

Сув кўп бўлмаганидан бир томчи ҳам қолдирмадим. Аммо жуда енгил тортдим. Халоскорим кўзачани қучоқлар эканман, қайтишимда уни Ерга олиб кетишни дилимга тугиб қўйдим. Бирдан ваҳимага тушдим: Ерга қайта олармиканман?

Қушлар галаси бошим узра қийқирганча яна айлана бошлашди: Узимга келиб, бошимни кўтарганимда, қуёш уфққа бош қўяётган эди. Мовий осмон, ёрқинроқ ва баландроқ кўтарилган, деворлар қизғишсимон ранга бўялган эди гўё. «Ҳадемай, қоронғу тушади. Хўш, унда ҳолим не кечади?»

Ердаги режалар бу гўшага тўғри келмас экан. Рақибларимни ҳали билмасдим. Машҳур Робинзон Крузо олдида бундай қийноқлару азоблар кўндаланг турмагандир. У ўзи эркин ҳаракат қилар ва ўзи бир қарорга келарди. Мен эса ватандошларим тасаввурига сиздиролмаган мушук-одамлар чангалидан тезроқ қутулишим лозим.

Бошим қотиб қолди. Нима қилсам экан? Яхшиси, аввал кишанларни ечиб ташлаган маъқул. Уйлаганимдек у темирдан эмас, қўрғошиндан экан. Тўппончамни тортиб олишмагани сабабини англадим: Миррихда темир бўлмаганлигидан нотаниш бу буюмга тегишмаган эди. Кишанларни текшириб кўрсам, жуда қаттиқ экан — сиздиролмадим. Нимадан ясалган экан-а? Энди қутулиш истаги менда баттар кучайди. Тўппонча кўндоғида кишанни туширгандим, у бирдан жаранглаб кетди. Кўзачани сиздириб, учли бўлагида арралашга (уни Ерга олиб кетишни унутгандим) аҳд қилдим. Мушук-одамлар дарагини эшитмасин, деб эҳтиёткорлик билан ишладим. Булар гаранг ва бепарвороқ экан: тўппончадан арқонга ўқ узганимда, кўзани сиздирганимда ҳам се-

вишмади. Кўзанинг бир бўлагини синдириб, ишга шўн-  
ғидим. Бироқ қанчалик уринмайин, қаттиқ металлдан  
ясалган кишанни кесолмадим. Жоним қийналгач, ақл-  
хушимни йўқотганча чўнтакларим, оёқ кийимим ва  
сочларимга ёпишдим. Шунда тасодифан чўнтагимда  
турган гугурт қутисига қўлим тегди. Қашанда бўлма-  
сам, бу қайдан илашиб қолди? Дарвоқе, эсладим —  
бир танишим учиш олдидан гугуртни чўнтагимга со-  
лаётиб: «Сайёралараро кема учун гугурт оғирлик қил-  
майди», деб ҳазиллашиб қўйганди. Бу воқеа узоқ йил-  
лар бурун рўй бергандек эди гўё. Икки ҳафталик «саё-  
ҳат» хотирамга таъсир қилибди.

Мен гугуртни қўлимда ўйнай бошладим. Айтарли  
умид қолмагандан кейин ҳузурбахш хотираларни эс-  
лайди одам.

Атрофга жимжитлик чўкди. Очликдан силлам қу-  
риган эди. Мен бирон егулик топиш илинжида гугурт-  
ни ёқдим. Гугурт чўпи ўчгач, иккинчисини ёқдим ва  
уни ихтиёрсиз, аҳмоқона ҳолда кишанга тегиздим. Бе-  
хосдан «пиши» этди-ю кишандан ном-нишон қолмади.  
Ён-атрофни тўс-тўполон босиб кетди. Шовқиндан юра-  
гим ёрилаёзди.

Во ажаб, мушуклар кимё илмидан хабардор экан-  
ку. Буни асло кутмаган эдим.

#### 4

Тақдиринг олдида ожиз қолганингда кишанларни  
йўқотсанг ҳам фойдаси йўқ экан. Энди мушуклар қу-  
дугини тарк этиш керак. Тўппонча ва гугуртни чўнта-  
гимга яширдиму арқонга тирмашиб, деворга чиқдим.  
Атроф туманли ҳавога тўлгандек эди. Четроқдан юриб  
бориб, пастга сакрадим. Қаёққа бораман? Бирдан бо-  
тирлигим кўзиб кетди. На уй-ҳовли, на машъала, на  
одам зотидан дарак бор эди. Анча узоқда (балким  
яқин ўртададир — масофани аниқлай олмадим) қуқуқ  
ўрмон кўрингандай бўлди. Уша ёққа йўл олсаммикан?  
Ким билади, у жойда қайси ҳайвонлар мени кутиб  
ўтирибди экан.

Кўкдаги юлдузларга боқдим: шафақсимон самода  
саноқли юлдузлар кўринди. Ташналик ва очлик мени  
яна қийнай бошлади. Битта-яримта ҳайвон ё қуш дуч  
келганида ҳам тунги овга рағбатим йўқ-да. Ҳаво  
ёқимли, илиқ, кечаю кундуз енгилроқ кийимда юрса

ҳам бўлади. «Қамоқхонам» деворига суюнган кўйи ҳеч нарсани ўйламасликка тиришдим. Икки кўзим юлдузларда эди. Арзимаган ўйлар, ёлғизлик азобидан беихтиёр йиғлаб юборгим келди.

Мени уйқу босди, аммо бу ерда ухлаш жуда хавфли эди. Бурнимни тортганча ётарканман, қўрқув аралаш ўрнимдан сакраб турдим: олдимдан қора шарпа ўтганини сезгандим. «Менимча, бу галлюцинация<sup>1</sup>,— деган ўйда, ўзимни тинчлантирдим. Шарпа эндиги галёнимдан сакраб ўтганида кўзимни очишга мажбур бўлдим. Сочларим бирдан диккайиб кетди, дағ-дағ қалтирадим. Миррихда кўланкаларни тутиб бериш кафиллигини олмаган эдим-ку?! Йўқ, ухламайман, етар.

Анча вақтгача бўлак нарса кўзимга кўринмади. Бармоқларим орасида тешикча қолдириб, кўзимни қисиб ётавердим. Уша заҳоти қоронғулик қаърига чўмилдим.

Мен қоронғуликдан қўрқмасдим, сезишимча, бу шарпа эмас, мушуксимон одам эди. У ўткир нигоҳи-ла кўзларимни очиб-ёпганимни кузатиб турган экан мен ёнги тин олиб, мамнунлик билан уни кута бошладим. Агар менга яқинлашса, амаллаб бир ёқлик қиламан. Тўппончам борлиги учун ҳозир ўзимни кучли сезардим.

Бу ерда вақтнинг қадр-қиммати билинмайди. Номаълум махлуқ менга яқин келгунча бир аср ўтгандек туюлди гўё. Ҳар бир қадам ташлашига чорак соат кетарди. Олдин ўнг, кейин чап оёғида одим ташлар, букилар, қаддини ростлар, ўгирилиб гавдасини орқага ташлар эди у. Янглишмасам, мушук тунда сичқонларни овлаш машқини болаларига ана шундай ўргатади..

Ўрнимдан қимирласам ё кўзимни очсам, тамом, ёнига сакрайди. Шу сабабдан бармоқларим орасидан кузатиб туравердим. Англашимча, у ёмонликни раво кўрмайди, қайтага мендан ҳуркади. Мушук ёлғиз келган эди. Унга ҳужум қилиш ниятим йўқлигини қандай билдирсам экан. Яхшиси, жилмайман, шунда бир-биримиздан қочмаймиз.

Мушук-одамнинг иссиқ нафасини сеза бошладим. У эстафета байроқчасини қабул қилишга шайланган абжир югурувчи каби ён тарафга эгилиб, икки марта панжасини юзимга теккизди. Бошимни зўрға қимирлатган эдим, панжасини тортиб, қимир этмай туравер-

<sup>1</sup> Галлюцинация — мавҳум нарсанинг бехосдан кўриниб қолиши (Тарж.).

ди. Мен яна салом-алик қилдим, кейин қўлимни кўтариб, бўм-бўш кафтимни кўрсатдим. Ишорамга тушунди чоғи, бошини ликиллатганча ўрнидан турди. Мен имо-ишора билан чақирдим, у қочиб кетмаслигини билдириб жавоб қайтарди. Шу тахлит биз ярим соатча «гаплашдик». Бошимизни ликиллатдик, лабимизни чўздик, бурнимизни силкитдик — қўйинг-чи, зиён-заҳмат етказмаслигимизни уқтиришга уриндик. Агар узоқроқда янги кўланка пайдо бўлмаганида, худо билади, суҳбат бир ҳафтага чўзилармиди. Танишим шарпа товушини сезгани ҳамон панжаларини силкитганча ён тарафга сакради. Мен ортидан эргашдим. Очлик ва ташналикдан кўзларимга ёш қалқиган эди. Танишимни йўқотишни ҳеч истамасдим.

Мушук-одамлар ортимиздан тушган чоғи, у қаддини анча тезлатди. Орқасидан сал югургандан кейин нақ юрагим қинидан чиқаёзди. Ўзимни лоҳас сездим. Шунда орқаворотдан қаттиқ чийиллашни эшитдим. Афтидан, улар бизни ўраб олишган эди. Аммо югуришга ҳолим қолмаган эди.

Сўнги кучимни йиғиб, чўнтагимдан тўппончани чиқардим у тусмоллаб унга ўқ уздим. Ўқ овозини ўзим эшитмадим, чунки ўша ондаёқ йиқилиб, ҳушдан кетган эдим.

Кўзимни очганимда нотаниш бир хонада ётардим. Булутли осмон, қизғиш шафақ... Замин... сайёралараро кема... қон халқоби... арқон... кўзача... оҳ! Мен яна кўзларимни юмиб олдим.

Орадан бир неча кун ўтгач, янги танишим мени уйига судраб келтирганини билдим. Бир бошдан айтиб бермаганида бу ерга қандай тушганимни асло билолмасдим. Миррих тупроғи шунақанги юмшоқ, оромижон эканки, йиқилганимда бирон жойим кўкармабди, лат емабди. Бизни таъқиб этувчилар ўқ овозидан чўчиб, орқа-олдига қарамай қочишибди. Қарангки, ўн икки патрон сифгулик мўъжаз тўппончам туфайли доврўғим бутун Миррих сайёрасига таралди.

## 5

Уйқум яхши, бўлмағур пашшалар бўлмаса, донг қотиб ўхлайвераман. Дарвоқе, ўша ҳашоратнинг нималигини билолмадим. Улар жимитдек бўлиб, яшил капалакларга ўхшаб кетишарди. Аммо бу чиройли нусхалар

пашшаларимиздай бадфеъл эмас экан. Миррихда улар беҳисоб — қўл узатсанг, яшил гулбаргдай гуж бўлиб учиб ўтишади.

Мен тун бўйи ерда ётганим учун ўрнимдан жунжикиб турардим. Мушук-одамлар диван-каравотни билмайдиганга ўхшайди. Бир қўлимда пашшаларни ҳайдаб, бир қўлимда баданимни қашиганча хобгоҳимни кўздан кечирдим. Очиги, кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Юз-қўлимни ювиш учун тоғорани излаб тополмадим. Лойдан қурилган деворларига ақалли оро берилмаган эди. Кулба ён атрофи ўралган. Деворлардан бирида қарийб бир метр баландликдаги тирқиш бўлиб, у эшик, дераза вазифасини ўтарди.

Бахтимга, тўппончам ёнимда эди. Уни яшириб, боёги тирқишдан ташқари чиқдим. Кулбам ўрмонда жойлашган экан. Дарахт япроқлари қуюқлигидан офтоб ерга тушмасди.

Мен тевааракка нигоҳ ташлаб биронта сой ё анҳорни изладим. Атроф дарахт, шох-шаббага тўла, оёқ ости зах, ботқоқ ва... даф бўл-а!! — дарахт тагида бир мушук-одам ўтирарди. У мени кўрган заҳоти шох-шаббалар орасига кириб кетди. Унинг бу қилигидан аччиғим чиқди. Меҳмонни шундай кутиб олишадими? На кутиб олиш, на овқат, на ичимликдан дарак бор. Бадбўй бир чолдеворни бериб қўйишди, холос. Ахир, мен ҳалиги қочоқнинг меҳмони эдим. Шул сабаб «хўжайин»имнинг кетидан дарахтга чиқдим. Қалин шохлардан бирини ушлаб, қаттиқ силкита бошладим. Мушук-одам ғалати товушда тўхташимни илтимос қилди. Кейин эса калтак еган мушукдек шумшайиб, пастга тушди.

Мен бармоғим билан оғзимни кўрсатиб, лабимни чапиллатганча унга оч қолганимни тушунтирдим. У дарахтга имо қилди. Меваларни ейишимни маслаҳат бераяпти, шекилли. Лекин шохларда мева кўринмасди. Ҳайрон бўлганимни кўрган бир мушук-одам шоша-пиша дарахтга тирмашдию, баргларни тишида тишлаганча, ерга сакради.

Тўнғизлар овқати менга ёқмаганини кўрган мушук-одам юзи буришиб кетди. Бироқ нега аччиғи чиққанлигини тушунолмадим. Ахир, норозилигимнинг асл сабабини билмайди-ку.

Итоат қилишдан ўзга чора қолмади. Лекин баргларни ўзи узатсин-да. Шунга айтсам, гарангсиб қолли. Ҳазабим шубҳага алмашди: шу яқин ўртада биронта

аёл турганмикин. Миррихда эркак ва аёл имо-ишора орқали гаплашишади<sup>1</sup>.

Майли, ҳозир жанжал кўтариш мавриди эмас. Ноилож, ўзим истамаган ҳолда барглари олдим. Унинг бир бўлагини чайнарканман, хуштаъму ширалилигига лол қолдим. Оғзимдан шарбат оқаётганини кўрган мушук-одамлар худди томчиларни тутиб оладигандек сапчиб тушишди. «Жуда қимматли нарсага ўхшайди» деб ўйладим ичимда. Атроф қуюқ ўрмон бўлишига қарамай, бояги барғи қўлга олганимда нега хижолат чекишди. Улай агар, бари галати эди...

Икки дона барғи чайнаганимдан кейин бошим айланди. Хуштаъм шарбат аъзон баданимга тарқагач, вужудимда оғир сархушлик пайдо бўлди. Уйқум келса-да, ухламадим, чунки нашадан кишини сармаст этувчи томчилар оқарди. Бемажолликдан дарахтга суяндим ва кўзимни юмиб олиб, бошимни силкитавердим. Сархушлик тарқаган бўлса-да, аъзон баданим яйрар, томирларим, суякларим ҳузурланиб куларди. Очлик ва ташналикни бутунлай унутдим, ҳатто ювинишни ҳам эсдан чиқардим.

Ўрмон сал ёришгандай бўлди. Рутубатли осмон, беҳаловат иссиқ ўрнини ёқимли манзара эгаллади: яшил ўрмон шоирга илҳом бергувчи кўркамликка, бадҳазм ҳидлар эса қовун пишигидаги таъмга алмашди. Бу абадий ҳузур-ҳаловат дамлари эмас, балки ширакайфлик ҳолати эди. Мен Миррихнинг мовий осмонида балиқдай сузардим.

Ерга чўккалаб ўтирдим. Олдин бундай ўтиришни хоҳламасдим, энди билсам, бу турган-битгани роҳати-жон экан. «Боқувчим»га синчков назар ташладим. Уни хуш кўрмаганим бир лаҳзада йўқолди. Кўзимга иссиқ кўриниб кетди.

Рўпарамдаги одам орқа оёғидан кийинадиган катта мушукка ўхшамасди. Лекин кийимлари йўқ эди. Мен кулиб туриб кўйлагим ва ботинкамни ечдим: иссиқ ҳавода ортиқча даҳмазани кўтариб нима қилдим. Тўппон-

---

<sup>1</sup> Хитой ахлоқида шундай қоида бор. Масалан, қадимги файласуф Мэи Цзи (эр. олдин III аср) «Агар эркак ва аёл бир-бирига яқин келмай гаплашса, урф-маросимга мос тушади» деган эди.



ча ва гугуртни йўқотсам, кишанлаб ташлашмасин, деб шимимни атай қолдирдим.

Танишим ярим яланғоч ҳолда ёнимда турарди. Унинг гавдаси ингичка, қўл-оёқлари калта, бўйни ҳаракатчан, юзи япалоқ бўлиб, пастроқда ўрнашган йирик кўзлари тагидаги кенг лабини бошидагидай юнг босган эди. Бурни ва оғзи чўқчаникига ўхшайди, қулоқчалари диккайган. Басавлат гавдаси (афтидан, унда тик туриш қулай) кулранг нозик юнг билан қопланган эди. Қорнининг саккиз жойида эмчаги — қора нуқталарни кўрдим. Мушук-одамларнинг ички аъзолари тузилишини ҳали-бери билмайман.

Янги танишимнинг қадами секинлашди. Бу эпчил мушукнинг асл мақсадини ҳали билолганим йўқ. Мен билган ягона нарса унинг ўта гумондорлиги эди. Қўл-оёғида у баравар чопарди. Сезиш органи бошқа туйғу аъзоларига қараганда ривожланган, шекилли, дам пайпаслаб кўрар, дам тегинар, бир сўз билан айтганда, худди ҳовлиқма чумолига ўхшарди у.

Нега у мени бу ёқларга етаклаб келиб, япроқлар билан сийлади — буни сўраб олишни истардим. Бироқ қандай қилиб? Уларнинг тилини билмайман-ку.

## 6

Тахминан, уч ойлар яшагач, мушуклар тилида гаплашишни ҳам ўрганиб олдим. Малайзия тилини ярим йилда ўргансанг, мушуклар тилини ундан ҳам тезроқ ўрганишинг мумкин экан. Уларда тўрт юз-беш юз сўз бойлиги бўлиб, у ёқ-бу ёққа ўтганинда, оғзингга сиққан гапни айтаверасан. Айрим фикрларингни тушунтиролмасанг, хафа бўлма, мушук-одамлар бунинг осон йўлини топишган. Гаплашишмайди, вассалом.

Мушук-одамлар наботот дунёсини соддагина шундай аташади: катта наша дарахти, кичик наша дарахти, айлана наша дарахти, ўткир наша дарахти, денгиз ости наша дарахти... У ёғини сўрасангиз, булар бошқа-бошқа ўсимликлардир.

Гапларида сифат, равиш ва оймошни кам ишлатишади. Тиллари соддалигидан феълларни имо-ишора билан англатишади, нуқул отлар ~~туркуми орқали сўз~~ лашадилар. Ҳатто ёзувлари бор ~~буларнинг~~ улкан мажмуаси бўлиб, кичикроқ ~~миқдордаги~~ хоналарга етгулик белгилардан ~~иборатдир.~~ Албатта,

уни ўрганиш анча мушкул иш. Оддий мушук-одамлар бундай белгилардан йигирматачасини билишади, холос.

Катта Чаён — янги дўстимни шундай аташадн — белгилардан минорачалар ясай олар, ҳатто шеър тўкйиверар эди. Чиройли сўзларни қофиясиз, мазмунсиз бўлса-да, бир қаторга тизсанг мушукларга мос шеър бўлади: дейлик, бебаҳо қоғоз, бебаҳо гул, бебаҳо тоғ, бебаҳо мушук, бебаҳо ҳайвон... Катта Чаённинг «Тарихни ўқиш пайтида кечган туйғулар» шеъри худди шундай яратилган. Билсангиз, мушук-одамларнинг цивилизация тарихи йигирма минг йилни қамраб олар экан.

Мен сўзлашишни ўргангач, анча-мунча нарсани тушуниб етдим. Катта Чаён Мушуклар салтанатида муҳим шахслардан бири экан. У йирик мулкдор бўлишидан ташқари, сиёсий арбоб, шоир ва ҳарбий саркарда эди. Беҳисоб нашазорлар унга қарарди. Наша япроғи мушук-одамларнинг тансиқ таоми саналиб, у наша дарахти дунёга келиши тарихига бориб тақалар эди. Тарихий зарварақларда (мушук-одамларнинг китоби узунлиги ярим метр, эни икки сантиметрча келиб, ҳар бири ўртасида ўн бештача тош плитага ҳарфлар кесиб қўйилган) ёзилишича, бундан беш юз йил муқаддам мушуклар деҳқончилик қилиб, жуда фақир яшашар экан. Наша ўсимлигини бу мамлакатга бир чет эллик келтирибди. Юқори мартабали жаноблар уни синаб кўргандан кейин яна япроқларни буюрибдилар. Кўп ўтмаёқ унга кўпчилик кўникибди. Эллик йил ўтгач, наша қабул қилмаган биронта фуқаро қолмабди. Негаки, ёқимли, қулай овқатни еганингдан кейин ўзингни шер янглиғ ҳис этасан. Оёқ-қўлинг ҳаракатдан тўхтайдн. Бора-бора, наша сабаб деҳқонлар серҳосил ерларини, ҳунармандлар устачилик дўконларини ташлашибди... Фуқаролар тантиқ, олифта, бекорхўжаларга айланганини кўрган ҳукумат наша япроғини ейишни таъқиқлаш ҳақида фармон чиқарди. Уша кунёқ қиролича қиролнинг юзига уч тарсаки туширди!

— Қирол бу вазиятни кўргандан кейин аччиқ кўз ёши тўкди,— дейди Катта Чаён кейинги тарихий саҳифани менга очаркан.

Шундай қилиб, ўша оқшом янги фармон чиқди: «Бугундан эътиборан, наша давлат таоми, деб эълон қилинсин!». Катта Чаённинг эътироф этишича, Мушук-

лар салтанати тарихида бунақанги шавкатли ва марҳаматли байрам бўлмаган экан.

Наша давлат таоми даражасига кўтарилгач, мушуклар цивилизацияси илгаригидан кўра, илдамлаб кетди. Негаки, наша жисмоний меҳнатга нисбатан иштиёқни сўндириб, бутун кучни руҳий фаолиятга сарфлашга имкон туғдиради. Мамлакатда шеърят ва санъат гуллаб-яшнади. Сўнгги тўрт юз йилда мушук шоирлар ажойиб асарлар яратдилар, адабий тилга нодир янгиликлар киритдилар. Дейлик, йигирма минг йиллик тарихда «бебаҳо қорин» ибораси деярли ишлатилмаган эди.

Жамиятда машҳур қарашлар, доно фикрлар ва янги оқимлар пайдо бўлди. Хуллас, уч юз йил мобайнида наша дараҳти ҳамма жойда экилди. Уни истеъмолатувчилар эса борган сари ишёқмас, танбал кимсага айланиб боравердилар. Охири, наша япроғини экадиган одам қолмади. Шунда бир куни даҳшатли сел босиб келди-ю (Қатга Чаён бу ҳақда гапирганда юзлари оқариб кетди. Мушук-одамлар сувдан жуда қўрқишадди), беҳисоб нашазорларни оқизиб кетди. Турган гапки, одамлар наша япроғидан ажралганига чидай олишмади. Тўрт ёқда қароқчилик авжига минди. Суд идоралари иши тўлиб-тошиб кетганини кўрган ҳукумат: «Нашани ўғирлаш жиноят ҳисобланмайди» деган фармон чиқаришга мажбур бўлди. Сўнгги уч юз йилда босқинчилик кўпайди, бу ёмон ҳолат эмас эди. Босқинчилик, талаш шахснинг озодлигидан далолат беради. Озодлик — мушук-одамларнинг азалий орзусидир («озодлик» сўзи мушуклар тилида хитойча мазмунни бермайди. Улар куч ишлатиш, зўрлашни озодлик, деб тушунишади. Шу сабабданми, эр-хотин бир-бирига меҳр-оқибатсиз, улар тарқоқ, айро яшайдилар. Озод одам шеригининг унга ақл ўргатиши, тегиниб ўтишини ёқтирмайди. Мушук-одамлар ўзаро муносабатларини иззат-икром билан қўл узагиш, қучоқлаш орқали эмас, жирканчли пишқириш билан ифода этадилар).

— Унда сиз не сабабдан наша дараҳтини экаяпсиз?— деб сўрадим ундан.

Мушуклар тилида бу жумла қуйидагича ифода этилади: бошингни чап томонга бурасан («унда»ни англади), бармоғинг билан суҳбатдошингни кўрсатасан («сиз» дегани), кўзингни икки марта қисасан («не сабабдан») ва икки марта «дараҳт» сўзини такрорлай-

сан (биринчи ҳолда феъл ўрнида келади). «Экаяпсан» сўзига унчалик эҳтиёж йўқлиги учун уни айтмасанг ҳам бўлаверади.

Катта Чаён оғзини юмиб олди. Мушук-одамларнинг оғзи ҳамиша очиқ бўлади, вақтинча ёпишса, демакки, нимадандир қониқиш ёки ўйга толишни билдиради. Бир зумлик сукутдан кейин у: «Наша дарахтини таниқли зотларгина экишади»,— деб жавоб берди. Булар жамиятда катта мавқега эга бўлган сиёсий арбоблар, ҳарбий амалдорлар ва бир вақтнинг ўзида помешчик саналувчи шоирлар экан. Сиёсий арбоблар учун наша япроғи қирол билан кўришишнинг ягона воситаси экан. Демак, наша япроғини қирол билан кўришиш, ҳарбийлар шунчаки тансиқ овқат, шоирлар эса куппа-кундуз куни туш кўриш, хаёлга берилиш мақсадида экишар экан. Ҳа, наша дегани жамиятда қудратли куч бўлиб, бунинг эвазига умр бўйи шоҳона яшаш, бебошлик қилиш мумкин экан. «Бебошлик қилиш» иборасини юқори мартабали кишилар ўйлаб топишган эди.

Нашазорларни қўриқлаш Катта Чаён билан помешчиклар зиммасига тушган эди. Улар аскарларга ишонмайди, чунки мушук аскарлар тарихдаги озодлик тарафдорларидай наша япроғини егач, буйруққа бўйсунмайдилар. Шунда хўжайинларини тез-тез талаб туришади. Мушук-одамлар наздида, бу айни мақсадга мувофиқ келармиш. Катта Чаён ҳам уларни маъқуллайди. Бепоен нашазорларни ким қўриқлайди дейсизми? Чет элликлар-да! Помешчик ҳар йили бир нечта чет эликни ёллайди. Қадим-қадим замонлардан буён гринголардан ҳайиқиш мушуклар табиятига сингган. Озодликни севувчи аскарлар уч кунгина қотилликсиз ўтирадилар, холос. Лекин гринголар билан урушишга уларнинг куч-қудрати етмайди. Катта Чаён оғзини тўлдириб айтишича, улар ўзаро хунрезликка кўнникишибди, шеър ёзиш қоидалари ўзгартанидек одамни ўлдириш тартиблари ҳам мамлакатда такомиллашиб бораётган эмиш.

— Қотиллик, одам ўлдириш сизларда санъат даражасига кўтарилибди-да,— дедим ўзимни аранг босиб.

Мушуклар тилида «санъат» сўзи йўқлигидан узоқ

<sup>1</sup> Гринго — келгинди, хорижлик (тарж.).

тушунтиришга тўғри келди, ҳатто хитойча сўзларни ишлатдим.

Қадим замонларда мушук-одамлар чет элликлар билан жанг қилишган, баъзан зафар қозонишган, бироқ сўнгги беш юз йилда ички низо, қирғинбарот урушлар кучайгани сабабли чет элликлардан кўрқадиган бўлиб қолишибди. Ҳатто қирол чет эллик ёрдамсиз дастурхонга биттаям нашани келтириб қўёлмас экан.

\* \* \*

Бундан уч йил муқаддам Мушуклар мамлакатига бир ҳаво кемаси келиб қўнган эди. Унинг қаёқдан ташриф буюрганини билишмаса-да, дунёда қанотсиз учадиган катта қушлар борлигини аниқ эслаб қолдилар. Кемамиз ерга қўнганда, ўз сайёраларига Миррихдан чет элликлар келишибди, деб ўйлашди.

Катта Чаён нашазорга кўриқчи топилди, деб қувониб помешчиликларни олганча биз тарафга югурди. Эски кўриқчилар ватанларига қайтганлари сабабли тезроқ янгиларини ёллаш керак эди-да.

Помешчиклар мени галма-гал ишлатишга келишиб олдилар. Чет элликни ушлаш улар учун муаммога айланган эди-да. Лекин, бошида мушукларга ўхшамаган гавдамни кўриб, сал довдираб қолишди. Аммо соддалигимни кўргач, қийинроқ хизматга қўймасдан тутиб туришга қарор қилишди. Мушуклар мамлакатининг туб аҳолисидай булар ҳам айёр, қув ва ҳар қандай хавфхатарга шай эдилар. Тўппончани ишлатганимда тирақайлаб қочишса-да, барибир панада пайт пойлаб туришар эди. Отмаганим тузук бўлган экан, акс ҳолда ҳозир овқатсиз оч қолаверардим.

Мени осонгина тутиб олгандан кейин каминага ҳурматлари йўқолди. Соддадиллигимни билгач, Катта Чаён ва ҳамтовоқлари шарт-шароитим билан қизиқишмади ҳам. Менга оз-моз овқат беришарди, холос. Жамоаг мулкидан энди Катта Чаён ихтиёрига ўтгандим. Катта Чаён бу ғалабадан боши кўкка етди.

Улар мени қайиққа боғлаб ташлагач, сувдан кўриқиб сўқмоқ йўл орқали кулбага югуришди. Худо кўрсатмасин, кўлда қайиқ ағдарилса борми, уни фақат омадсизлигимдан кўра олардим. Хайрият, кулба яқинидаги саёзликкача тинч-омон сузиб бордим.

Мушук-одамлар мени кулбага қўйгач, наша истемол қилиш учун яна тарқалдилар. Улар бундай қимматли матоҳни ёнида кўтариб юриш хавfli эканлигини билиб, уйларида сақлашар экан.

Қатта Чаённинг нашазори «қамоқхона»га яқин жойда эди. Аммо у тез қайтавермади. Наша кайфидан кейин озгина мизғиган бўлса керак. Ана, ниҳоят, остонада пайдо бўлди. «Манави санъатинг йўлда фойда берди-да!»— деди у хурсанд бўлганча тўппончани кўрсатиб. Қатта Чаён эндиликда барча номаълум нарсаларни «санъат» деб атарди.

Мен метиндек кишанларни нимадан ясашларини ундан сўрадим. Елкасини қисиб, четдан олиб, қелинганини айтди.

— Чет элда фойдали, қимматбаҳо буюмлар кўп бўлса-да, биз уларга тақлид қилмадик. Ахир, давлатимиз анча қадимийроқ-да,— мақтана кетди Қатта Чаён ва бир сонияча оғзини ёпди.— Юртингга қайтишингла бизнинг кишану занжирларимиздан ғамлаб олсанг, ҳарқалай зарар қилмайсан.

У ҳазиллашяптими, жиддий гапираяптими — билиб бўлмасди. Ҳозир унинг тунни қаерда ўтказиши мени қизиқтирарди. Урмонда бошқа кулбани кўрмагандим-да. Бироқ суҳбатдошим жавоб беришни эп кўрмай, мендан тўппончамни, яъни «санъат»ни бериб турсам, қиролга кўрсатишини илтимос қилди. Мен эркин жамиятда ҳар бир фуқаронинг сир-асрори бўлишини билганим ҳолда индамадим ва гугуртни узатаётиб, унинг оиласини суриштирдим. У бошини қимирлатиб қўйди.

— Наша терими тугасин, уйга борамиз — кўрасан,— деди у.

— Уйинг қаерда?

— Мамлакат пойтахтида. Каттакон шаҳарда қирол ва чет элликлар яшашади. Борганинга дўстларинг билан ҳам учрашасан.

— Мен Ердан учиб келдим. Миррих сайёрасида ҳеч кимни танимайман.

— Барибир, сен чет эликка кирасан. Улар, албатта, сен билан дўст тутинадилар.

Ортиқча тушунтириб ўтиришга тоқатим қолмаган эди. Яхшиси, наша теримини тамомлаб, Мушуклар мамлакати пойтахтига боришим керак. Ушанда ҳаммасини ўз кўзим билан кўраман.

Шундай қилиб, мен Катта Чаённинг нашазорида ишлаш бошладим. Кўп ўтмаёқ, хўжайиннинг феъл-атворини билиб олдим. Афтидан, биз икковимиз ҳеч қачон дўст тутинмасак керак, деб ўйлайман. У дўстлашишни истаса-да, негадир ўзини яқин тутмас, софдиллиги ҳам чекланган эди. Катта Чаён шахсий манфааги йўлида фойдаси тегадиган кишилар билангина дўст тутинар эди. Уч ойдирки, марҳум дўстимнинг қолган-қутган суякларини топиб кўмишга қўлим тегмайди, хўжайин турли баҳоналар билан рухсат бермайди. Унинг худбинлигини қаранг-ки, мен нашазорларни кўриқлаш учун Миррихга келган эмишман. Эҳ, мушук-одамлар дўстлик, оға-инилик, вафо-садоқат бобида ҳеч нарсани билишмас экан. «Улган оғайнингга намунча қайғурмасанг» деганига нима дейин. Бунинг устига, у кема ҳалокати рўй берган жойни мендан яширар ва ортимдан пойлаб юргани-юрган эди.

Тахминимча, сой ёқалаб борсам, ўша кема қолдиқларини топардим. Лекин бу гал ҳам нашазорнинг бир четида Катта Чаёнга рўбарў бўлдим. У мени бекорга бораётганимни айтиб, йиғлоқи бевага ўхшаган йиғисигилари билан амаллаб қолдиришга кўндирди. «Яна аҳмоқ қилдим»,— деб ўйлагандир ичида. Ҳа, қари тулки! Бу нашазорда мендан бошқа ҳам қандайдир жонзотлар яшарди. Аммо мен улар томонга юрадиган бўлсам, бари қочиб кетишади. Бу Катта Чаённинг нағмаси эди. Орқага қайтишдан бошқа чорам қолмади.

Мен нашани истеъмол қилмасликка сўз бердим. Буни пайқаган хўжайин мулойимона оҳангда насиҳат қила бошлади:

— Кунинг нашасиз азоб-уқубатда ўтади: томоғинг қурийдй, қорнинг тез-тез очқайди. Сув билан овқатни узоқ жойдан сенга кўтариб келиш ҳам ташвиш-да. Озиқ-овқат бизда қиммат туради. Пулга қизганмайману, ҳарқалай, ҳозирча наша барчасининг ўрнини болади. Агар уни емасанг ўласан, вассалом!

Ваъз-насиҳатдан кейин у ёлғондакам кўз ёши ҳам тўкди. Мен унинг бунақа оддий лўттибозлигига учмайман. Агар нашани еб турсам, мушук-одамлардан фарқим қолмайди-ку.

Катта Чаённинг мақсади мени ўз измига солиш! Етар, шусиз ҳам ортиқча кўнгилчанглик қилиб

юбордим. Оддий инсонлардек еб-ичиш ва озода кийиб юришга қайтаман. Нашазорда йигирма минг йил исқиртларча ҳаёт кечиргандан кўра, олтмиш йил бўлсаям мазмунли, осойишта яшаганим афзал. Мақсадимни Катта Чаёнга айтмайман, барибир ақли етмайди. Ҳали мени у мянса айниган тентак, деб ўйлаяпти, шекилли...

Қарийб уч кунлик тортишувдан сўнг ниҳоят у орқата чекинди. Номус ва адолат қондаларига биноан, тўппончамни унинг олдига қўйиб, ўз шартимни айтдим.

— Агар нашани ейишга мажбур этсанг, мана шу тўппончамда сени ўлдираман. Бирини танла!

Катта Чаён тўппончани кўргач, ўтакаси ёрилаёзди ва лоп этиб ўзини чеккага олди. У отиш қуролидан қаттиқ қўрқарди. Ахийри муроасага келдик: эрталаб битта наша япроғини есам кифоя экан.

— Биттагина барг соғлигингга фойдали. Нўхотдек кивасини есанг, ҳаводан заҳарланмайсан,— ялинди у.

Тўппончани чўнтагимга солиб қўйиб, унга бақам и ўтирдим. Хўжайин овқат беришга ваъда берди, аммо сув масаласи қийинроқ экан. Сойдан кўзада сув гашишга тўғри келаркан. Кўзани кўтариб у ёқ-бу ёққа югуриш осон дейсизми? Қайтангга, наша япроғини қабул қилсам яхши эмасми? Эҳ, ҳузур-ҳаловатини билмаган ғалати одамман-да.

У жаҳл аралаш ортидан юришимни тайинлади. Қочиб кетишимдан жуда қўрқарди-да. Шунда агар хоҳласам, бемалол қоча олишимни унга очиқ айтдим. Бу гапни эшитган заҳоти ранги қув ўчди ва ўн дақиқача оғзини юмиб олди. Ўлиб қолмасин, деб қўрқиб кетдим.

— Бирга боришингнинг ҳожати йўқ, қўрқма, сўзимга ишон, қочмайман,— дея тинчлантирдим уни.

— Қасам бу — болаларча овунтириш! — бошини чайқаб қўйди у.

Катта Чаёнинг бу олифтанамо гапларидан энсам қотди ва ўзимни тутолмай, унга ёпишдим. Мендан буни кутмаган эди. Бирнеча соч толасию терисидан ажраган бечорагина анча ергача қочиб борди ва тўхтаб оларкан, қасам қадим замонлардан буён мушук-одамлар мамлакатида урф бўлгани, аммо сўнгги беш юз йилла бу калима ишлатилавериш маъносини йўқотгани, ҳатто ҳазилга йўйилганини менга узоқ тушунтирди. Қасам — мушуклар тараққиётида энг машҳур ислоҳот экан. Ўзаро ҳурмат, ишонч билдириш, қасам ичиш кўпчилик-



жа маъкул кўринсада, амалий нуқтаи назардан олганда, ўзини унчалик оқламас эмиш. Уни бажариш шарт бўлмаганидан ҳатто болалар ҳам ўйлаб ўтирмай сўз бераверишар экан. Катта Чаён оғриқ жойини ушлаганча ғамгин кайфиятда шуларни айтиб берди.

— Сен қасамимга ишонасанми-йўқми, бундан қатъи назар, шахсий ишимга аралашма!— дедим қатъий оҳангда.— Мен қочмасликка сўз бераман ва ўз ваъдамнинг устидан чиқаман. Юртимга кетгим келса, бу ҳақда, албатта, сени хабардор қиламан.

— Майли. Ҳеч бўлмаганда, бирга юришимизга қарши эмасдирсан?— хавфсираб сўради у.

Мен энди ўзимни тутолмай қўлимни силкитдим:

— Бўпти, юравер.

Тушлик овқат анча мазали бўлибди. Мушук-одамлар моҳир пазанда, фақат овқатига кўп пашша тушгани чатоқ экан. Мен ошпазга ўтлардан қопқоқ ясаб, қозонни ёпиб қўйишни илтимос қилдим. Ошпаз буни ғалати тушунди, ҳатто кулгили таклиф деб айтди. Катта Чаён пўписасидан сўнг баҳслашиб ўтирмади.

Мушук-одамлар орасида исқиртлик ва ифлослик анъанага айланган экан. Қозон қопқоғи ҳар гал йўқолганда Катта Чаёндан ошпазни тартибга чақиритишни сўрардим. Кейинроқ маълум бўлишича, мен етарлича таъсир кўрсата олмаган эканман. Кунларнинг биринда улар менга овқат беришмади, эртасига пашшалар уюмига тўлган тарелкани қўйишди. Катта Чаён ва хизматкорлари ожизлигим учун устимдан кулишяпти, деб ўйладим. Қизиғи шундаки, улар қўл қовуштириб, таъзим қилишимни кутишарди. Нима қилсам экан? Куч ишлатиш вақти эмас — мен инсонга ҳурматимни сақлардим. Майли, ҳечқиси йўқ, ошпаз ҳам мендан ўз тегишини олади. Танбеҳ унга кор қилмаса нима қилай? Аламимдан йиғлагим келди: ўзаро ҳурмат, инсон қадрқиммати ҳақида оддий тасаввурга эга бўлмаган мушук-одамлар асрлар бўйи қандай яшашган экан-а.

Миррихда ягона овунчоғим эрталабки чўмилиш эди. Ҳар куни қуёш чиқмасидан бурун уйғониб, нашазор яқинидаги қўл бўйига борардим. Танага ҳузур бағишловчи қисқа сайрдан кейин қум устида ётиб, қуёш чиқишини кузатардим. Атроф кўркам ва гўзал: кўкда ним қоронғулик ичра юлдузлар чарақлайди, тўлқинларнинг қумга келиб урилиши сокинликни бузади. Қуёш бош кўтарганда қўлга тушаман. Сувнинг саёзроқ

жойидан икки юз метрча одим ташлаганимда офтоб тикка бўлади. Шунда то оч қолгунимча чўмилар, кейин офтобрўяга чиқиб исинардим. Харсанг устида йиртиқ шимим, тўппончам ва гугурт туради. Ғам-ташвишдан холи, ярим яланғоч ҳолда ётарканман, ўзимни дунёдаги энг бахтиёр, озод кишидай ҳис этардим. Қуёш қиздириб, кўл устини туман қоплагач, дилимга аллақандай илиқлик югуради. Катта Чаён бу ерларнинг ҳавоси яхши эмас, деб алдамаган экан. Бирпасдан кейин кўнглим негадир айниб, нашани тусаб қолди.

Бироқ Катта Чаёнинг айби туфайли бу сезимли машғулотим узоққа чўзилмади. Бир ҳафталардан кейин кўл бўйида ўтирганимда, узоқдан келаётган қора шарпаларга кўзим тушди.

Мен уларга эътибор бермадим. Қуёш атрофни чароғон айлагач, булутлар тўдаси тўқ-қизил гулга айланди, юлдузлар йўқолди. Бир зумда қоронғулик тўқ сарийқ, кейин кумуш рангга алмашди. Булутлар сал юра бошлаганида, тўқсарийқ рангга худди зарҳал ипда ёпиштирилгандек қора доғлар кўшилди, сўнг улардан кичикроғи қўққисдан сароб қатма-қат булутларга айланди. Кўл ҳаш-паш дегунча ёришиб, зарҳал рангга бўялди, булутлар қавати эса кичрая борди, енгилроқ қизил пардага айланди, кейин яна йўқолди. Қуёш бош кўтарди. Энди осмон кумуш, баъзи жойларда мовий тўсга кирганди.

Маҳлиё бўлганча, бу ажойиб манзарани кузатаётиб, ортимга бурилар эканман, соҳилдаги дарахтларга чиқиб олган мушук-одамларга нигоҳим тушди. Бошида ажабландим. Уларнинг биронта ишлари бордирда, деб парво қилмадим. Бироқ кўлнинг чуқурроқ жойига борганимда, мушук-одамлар соҳилга яқинроқ келишди. Сувдан бошимни кўтарганда, беихтиёр кучли қийқириқни эшитдим. Сувга такрор-такрор шўнғиб, ниҳоят қуруқликка чиққанимда оломон орқага тисарилди. Шунда чўмилишим мушук-одамларни қизиқтираётганини тушундим.

«Майли қарайверишсин», дедим ичимда,— улар яланғоч одамни томоша қилгани эмас, сузишимни кўргани келишган. Ие, олдинда Катта Чаён турибди-ку. Ана, мени кўрган заҳоти бетакаллуфларча югуриб келиб, сувга яна сакрашимни илтимос қилди. Тўрт ойлик тажрибамдан биламанки, ҳозир унга қулоқ солсам, ҳо-

лим вой бўлади. Йўқ, ҳукмдорлик кетмайди. Мен саёзликка чиқдим у тош устидаги тўппончамни олиб, ўқ уздим.

## 8

Қатта Чаённинг бунчалар кулганини кўрмаган эдим. Мен газаб отига минган сари, у қаҳ-қаҳ отиб кулар, юзлари буришиб кетарди. Кулги — мушук-одамларни жазодан қутқарувчи восита эканлигини ўшанда англадим. Мен ундан оломонни нега тўплаганини сўрадим. У бўлса, ақалли миқ этмади — олдингидай илжайиб тураверди. У билан гаплашишни ўзимга эп кўрмадим, фақат яна шундай қилгудай бўлса, қаттиқ жазолашимни айтдим.

Эртаси куни саёзликда кечагидан ҳам кўпроқ шарпалар йнғилдилар. Ҳеч нарса кўрмагандек, бамайлихотир чўмилавердим. Қатта Чаён билан ҳали гаплашиб қўяман. Мен ўзимни ювингандай тутиб, оломонни секин кузата бошладим. Қатта Чаён ортида бағбақасигача барглар шодасини осган бир мушук-одам турарди. Бу унинг хизматкори бўлса керак. Хўжайин имоси билан у оломонга яқин бораркан, қучоғидаги наша япроқлари камайиб борарди. Э, бўлди, тушундим, мен наша япроғи баҳосини кўтаришга кўмаклашаётган эканман.

Ўзим кулгуни яхши кўрсам-да, аини дамда кулишга тоқатим қолмаган эди. Мушук-одамлар чет элликнинг дўқ-лўписасидан қўрқишади, демакки, бу томошани Қатта Чаён ўйлаб топган. Унга ҳозироқ танбех бермасам, роҳатбахш машғулотимдан бенасиб қоламан. Модомики, мушук-одамлар бирга чўмилишса, қаршилиқ қилмасдим, ахир сой биргина каминага тегишли эмас. Аммо бир одам чўмилсаю, юзлаб томошани ундан нигоҳини узмай, олди-сотдисини қилиб ўтирса, бу турган-битгани қабиҳликдир!

Овсар мушуклардан бирини тутиб, Қатта Чаён томошани қандай уюштирганини билгим келди. Шу сабабдан орқага — соҳилга қараб қочдим. Сал югурганимни биламан орқамдан беҳисоб чўчқаларни сўйгандай қий-чувлар эшитилди. Қарангки, мушук-одамлар бир-бирини йиқитиб, итариб, босиб, жонлари борича изимдан қувишар эди. Соҳил бирпасда бўшади қолди.

Мен ерда ётган ярадорлардан бирини туртдим, аммо у жон таслим қилган экан. Сўнг оёғи синган мушук-

одамни тутиб олдим. Бироқ қўрқувдан дир-дир титраётган бу чалажон одамни сўроққа тутгим келмади — қўйиб юбордим. Тўполон, ур-йиқит пайти йиқилган, топталган ва шикаст еган қанчадан-қанча мушуклар оёқ остида инқиллаб ётишарди. Ҳаммасига Катта Чаён айбдор, у шуларни текин томсшага етаклаб келган. Ўзи жавобини берсин, мен дўстимнинг қолган-қутган жасадини қидираман. Илойим, бирон-бир кўнгилсиз воқеа юз бермасин-да. Агар у ёрдам беришга кўнмаса, уйига қадам босмайман. Ёлғончи, пасткаш бу махлуқлар билан сал бошқачароқ муомала қилиш керакка ўхшайди.

Мушук-одамлар қочиб қутулгандан сўнг тўппончамни чўнтакка яшириб, дарё ёқалаб кетдим. Қуёш зўрғанур сочарди. Нимадир етишмаётгандек ҳис қилдим ўзимни. Мени лаънати наша хумори тутган эди.

Ожизлигимни сездирмай, мушук-одамларни сўка кетдим. Нашазордан биронта новдасини олиб келиш ёқмади — танбаллигим қурсин! Дарҳол соҳилга қайтиб, «жанг» майдонидаги япроқларни йиғдим-да, оғзимга солиб, йўлга равона бўлдим.

Сал юрмаёқ, тепаликлар кўринди. Эсимда, кеманиз шу атрофга қулаган эди. Ҳаво иссиқ. Бояги япроқлар менга кор қилмади. Атроф чўлу биёбон, дарахтдан ном-нишон йўқ. Мен кемани топмагунча уйга қайтмасликка қарор қилдим.

Орқадан ҳайқириқ овози эшитилди. Катта Чаённинг овозини таниган бўлсам-да, ортимга бурилмай, йўлда кетавердим. Лекин у мени қувиб етди. Шу онда ёқасидан тутиб, жазосини бермоқчи эдим, аянчли аҳволига ачиндим. Бечоранинг тумшуги шишган, боши ва қорни шилинган, сувсарникига ўхшаган юнги жиққа хўл эди. Ким уни бу қадар калтаклабди экан? Рост, Катта Чаёнга раҳмим келиб кетди. Воқеани суриштиришга улгурмай, сирни ўзи очди:

— Нашаларимни ўғирлашяпти! Тезроқ борайлик.

Мен кулиб қўяқолдим, ҳатто унга ҳамдардлик билдириб ўтирмадим. Мабодо Катта Чаён қутқозишни сўраганда, ҳақиқий хитойликка хос иш тутиб, унга ёрдам берардим. Садқан сар, нашаларни ўғирлайверишин, менга нима фойда?

— Шошилайлик. Нашазоримни ўғрилар босишди! — деб яна бақирди у. Бечоранинг нашадан қимматли нарсаси йўқдай умидсиз кўзлари жовдираб турарди.

— Эрталабки комедияни нима сабабдан уюштирганини айтиб берсанг, бирга бораман,— дедим мен.

Қатта Чаён ғазабдан титради, оғир хўрсиниб қўйди, ammo жавоб бериш ўрнига:

— Нашаларимни ўғирлашаяпти,— деди яна такропан.

Қулгидан ўзимни зўрға тийдим. Ҳозир жаҳли чиқиб турибди, бирон кор-қол бўлмасин бечорага. Бироқ сабабини айтмагунча, у билан юрмайман.

Ахийри, бир қарорга келдик: мен бирга борадиган, йўлда у бор гапни айтадиган бўлди.

Бу гал Қатта Чаён мени алдамади. Айтишича, томошага келганлар юқори мансабдорлар бўлиб, шаҳардан уларни атайлаб чақирибди. Уйқуни севгувчи бадавлат одамлар чет элликнинг чўмилганини ҳеч кўришмагани ва мезбон наша япроқлари билан сийлашини эшитиб, ўзлари келишибди. Бунинг эвазига ҳар бир томошабин унга ўн миллий нуфуз<sup>1</sup> тўлабди, у эса иккитадан кучли наша япроғини бепул тарқатар эди.

«Фаросатига балли-ей, худди шахсий мулкидай мени пуллик томошага қўйибди-ку!»— дедим ичимда.

У фикримни уқиб олгандай ўзини оқлашга тушди:

— Миллий нуфуз барибир зўр нарса-да. Бизда унинг қадри жуда баланд. Бировларнинг миллий нуфузини қўлга киритиш бизда ишбилармонликка киради. Гарчи сен билан бу масалада маслаҳатлашмаган бўлсак-да,— юмшоқ оҳангда изоҳ берди у,— сенинг бу олижаноб тadbирга қаршилик қилмаслигингни билардим. Сен сойда баҳузур чўмилаверасан, мен амалдорлардан миллий нуфуз — пулни йиғавераман. Хуллас жалом, ҳеч қайсимиз зарар кўрмаймиз. Фойдали, зарур бу тadbир ёмон ўтмади,— деб ўйлайман.

— Мени қувиш чоғида оёқ тагида қолиб ўлганлар хуни учун ким жавоб беради?

— Буни ўйлама, арзимаган гап,— деди у қўлини силтаб.— Бировни ўлдирган одамга дарҳол наша япроғини тутқазишади. Билсанг, қонунлар, яъни тошга битилган белгилар ким кимни ўлдирган-ўлдирмаганини текшириш билан шуғулланмайди. Наша япроғини қўлга киритиш учун кураш тўхтамайди, лекин уни чет

---

<sup>1</sup> Миллий нуфуз — мушуклар давлатининг асосий пул бирлиги (тарж.).

элликлардан тортиб олмайдилар. Қонунларимиз чет элликларга тадбиқ қилинмайди. Гоҳо чет эллик бўлмаганимга ачиниб кетаман. Бу ерда — қишлоқда бировни ўлдирсанг, унга жазо берилмайди, уни ўнқир-чўнқирга ташлаб кетаверасан, калхатларга ем бўлсин! Шаҳарда эса суд идорасига кириб хабар берасан. Шунда судья соддалигинг ва ростгўйлигинг учун сенга ташаккур билдиради.

Мен ҳайратдан лол қолдим. «Эҳ, бечора мушук-одамлар-а! Шуюм яшашу адолат бўлди-ми? Меҳр-мурувват дегани қайда қолди?»

— Ахир, ўлган ҳалиги икки киши бадавлат одамлар экан. Уларнинг қариндошлари келиб сендан қасос олишмайди-ми?

— Қасос олишади! Нашазоримга ўшаларнинг одамлари киришди-да. Сенинг босган ҳар бир қадамингдан огоҳ бўлиш учун орқангдан айғоқчилар қўйишган. Сал чеккароққа чиқдингми, бас, нашазорга ёпирилишади. Қани, тез бўл, шошилайлик.

— Сизларда одамдан кўра, наша қадрлироқ экан-да?

— Э, ўликларни гапириб нима қиласан. Наша тирик жонга ҳаводек зарур бўлиб тургандан сўнг... Югур, кетдик!

Мушук-одамларнинг таъмагир ва худбинлиги ақлимни киргизди. Хўжайиндан озгина миллий нуфуз пул сўраб олиш фикри уйғонди менда. Қунларнинг бирида юртимга кетиб қолсам — Катта Чаён билан барибир дўст тутинмаймиз — унда нимани тановул қиламан? Ахир, мен туфайли ишлаб топилган пуллар (миллий нуфуз)нинг бир қисмига эгалик қилишга ҳаққим бор-ку. Темирни қизигида босиш керак. «Ўликларни эслама, сен роҳатижон наша япроғидан кўпроқ истеъмол қиладиган амалдорларни овлаш ҳақида ўйла», дедими у. Доно гап!

Нашазорга яқин қолганида хўжайинни тўхтатдим:

— Айт-чи, қанча пул ишладинг?

Катта Чаён бу саволни кутмаган экан, шошганидан кўзлари чақчайиб кетди.

— Эллик дона миллий нуфуз топдим, холос. Унинг ҳам иккитаси қалбаки чиқди. Қани, оғайни, тезроқ етиб бориб, ўғриларни қувайлик.

Мен шартта бурилиб, орқамга қайтдим.

— Кечирасан, юз миллий нуфуз ишлаб олдим,— деганча у мени қувиб етди.

Тўхтаб ўтирмадим. Ҳиял ўтмай, у рақамни мингтага етказди.

— Беш юзтасини менга берасан. Қўнмасанг, ўзинг биласан,— дедим жиддий туриб

Қатта Чаён тезроқ шошилмаса, буд-шудидан ажралиб қолишини англаб, шартимга ноилож кўнди.

— Майли,— дедим унга,— агар яна мендан яширинча пул ишлашингни эшитсам, нашазорингга ўт қўяман.

У хушомадгўйларча бошини ликиллашиб қўйди.

Биз етиб келганимизда, нашазор тамоман бўшаб қолганди. Талончилар қоровули яқинлашганимизни уларга етказганга ўхшайди.

Бироқ йигирма-ўттизта дарахт учига қадар шилинган эди.

## 9

Хўжайиннинг нашазори тароватли эди. Тўқ-яшил, тилларанг-қизил тарам-тарам япроқлар тўлишиб нўхатдек бўлганди. Баргларга ёпишган ширали доғлар худди гулзорни эслатади. Айниқса, барглар устига қуёш нурлари қўнганда улар янада ёруғроқ, кўркамроқ тусга айланади. Бу ажойиб манзарадан кўзлар ҳеч вақт толиқмайди, балки йиллар ўтган сайин ранглари-ни йўқотаёзган эски картинадек қувнайди.

Нашазор эрталабдан то шомгача томошабинлар билан тирбанд. Уларни томошабин дейишга ҳам тилинг бормайди, чунки бепарво кўзлари қачон қараманг, юмилган бўлади. Сассиқ бурни, керишган тишлари орасидан сўлақлари оқиб ётади. Аммо ҳар гал шамол эсганда ёлғиз бўйинлари чўзилиб қолади, гўё. Барглар ерга тушса томошабинлар унинг ҳидидан маст бўлиб, кўзлари каттаради, лаблари чўчаяди, иштиёқдан энтикадилар. Ана шунақа сонияларда Қатта Чаён иштиёқчи зўрлардан ҳам абжирроқ чиқади — чаққонгина думалаб, япроқларни қўлига тутиб олади.

Қатта Чаён баҳайбат нашазорини қўриқлаш учун беш юзта аскарни ушлаб турарди. Улар бир чақирим нарироқда яшар эдилар. Наша япроғини қўриқлаш Мушуклар мамлакатида шарафли вазифадир. Аскарлар қўлидан ҳеч вақо келмаслигини аҳоли яхши бил-

**са-да**, уларни ёллашмаса, генераллар хафа бўлишарди. Хўжайиннинг айёрлигини қарангки, чалғитиш, наша бермаслик учун у «қўшини»ни узоқроқда сақларди. Борди-ю қаттиқ шамол эсгудек бўлса, хўжайин уларни ярим чақиримга кўчирар эди. Мабодо унинг ёнида бўлсам, аскарлар хўжайинга қарши қўзғолон кўтаришарди. Мушуклар мамлакатида: «Чет эллик аксирса, мушук-аскардан юзтаси йиқилади» деб бежиз айтмайдилар.

Катта Чаён қўшинини йигирма генерал бошқарар эди. Ақлли, ишончли, адолатпеша бўлган бу генераллар баъзан хўжайинни боғлаб ташлаб, нашазорни талон-тарож қилишарди. Эндиликда мен туфайли улар вазифаларини сидқидилдан бажариб келишар эди.

Хўжайиннинг ташвишлари етиб-ортарди: генералларни пойлаш, шамол йўналишини кузатиш, аскарларни йўлга солиш, мушукларни назорат қилиш... Катта Чаён ерда ётган ўттизтача баргни териб оғзига солди. Айтишларича, қирқта баргни егандан кейин уч кунгача ухламайсан, тўртинчи кун эса ўласан. Керагича есанг, ўзингни яхши ҳис этасан, иш қилгинг келмайди, кўп есанг — тоғорани заҳарга тўлдирасану ўласан. Катта Чаён қўрқоқ, ҳовлиқма киши эди, баргларни истеъмол қилиш чекланганини яхши билса-да, ўзини тутолмас эди.

У тушлик овқатимни камайтирди, чунки озроқ еганинда кечаси хушёр ва тинч ухлайсан. Ёлғиз ўзим брутун нашазорни қўриқлардим. Одам қанчалик кўп ишласа, ўшанчалик азобланишга маҳкум — мушукларнинг мантиғи шундай. Мен хўрликка чидолмай, косамни синдириб ташладим. Бундан ҳайиқиб эвазига ажабтовур тушлик билан сийлашди. Шундан кейин виждоним қийналса-да, мушук-одамларга муомаламни ўзгартирдим.

Бир неча кундан бери тинимсиз шамол эсади. Миррих сайёрасида одатда енгил шабада эсарди, холос. Эндигина гуллаган наша-поялар шамол зўрлигидан титраб, тўкила бошлади. Бундан хабар топган Катта Чаён генералларни тўплаб нашазор ўртасида ёғочдан уйча қурдирди. Бу — қоровулхона минораси эди.

Мушуклар мамлакатида икки мавсум бўлиб, йилнинг ярми бежавотир мавсум, иккинчи ярми эса — ёғинли мавсум, деб аталади.



Эрталабки кўрқинчли овоздан чўчиб уйғондим. Кулбадан чиқсам, Катта Чаён генералларни сафга тизиб ўтирибди. Қулоғида қизил пат-қалам, қўлида — узун таёқ. Генераллар қўлида мусиқа асбобига ўхшаган нимадир бор. Хўжайин таёқчасини ерга туширганда генераллар чолғуларини кўтаришди, у қўлини кўтарган эди, мусиқа янгради. Бир генерал чалди, бири тепинди — хуллас калом, йигирма асбоб баланд-паст, ёқимсиз овозлар чиқара бошлади. Ҳофизларнинг кўзи ёғмирлар, танаси тебранар, оғзи ҳавони тутгудай эди гўё. Иккита генерал чарчади шекилли, ҳарсиллаб ерга йиқилди, аммо шунда ҳам чалаверди. Мушуклар мамлакатида узоқ чалинган, шовқин-суронли мусиқа жуда қадрланар экан.

Бонг чалувчи асбобларини кўтарган генераллар тиним билмасдан пала-партиш ишлашар эди. Ҳар гал чалишганида асбоблар дод дегудек чинқирар, ундай шовқиндан кейин ўлишга рози эди улар. Хуллас, фаройиб концерт уч соатга чўзилди. Катта Чаён таёқчасини силкитгандагина мусиқа тугади ва овози бўғилган, толиққан генераллар чўккалаб ўтиришди.

Катта Чаён тантанали оҳангда қулоғидан патқаламини олиб, ёнимга келди.

— Мана, мусиқамиз поёнига етди, — деди у. — Энди сендан муқаддас ашулага жўр бўлган ҳолда тангримиз номидан наша терими бошланганини эълон қилишингни сўрайман.

Бошида ҳеч нарсани тушунмадим, мусиқа эсанкиратиб, гунг қилиб қўйган эди мени. Кулгим қистаса-да, сал ўтмай ўзимга келиб, Катта Чаёнга эргашдим. Ниҳоят у қўлидаги қаламини қулоғимга қистириб, минора тепасига чиқди ва ибодатга қўл очди. Яна мусиқа садолари жаранглади. Сўнгра у пастга тушиб, мени минорага чорлади. Беихтиёр болалигим ёдимга тушиб, ёғоч тўсишлардан чаққонгина кўтарилдим. Катта Чаён таёғини силкитган эди, бояги генераллар бирпасда очик майдонни эгаллашди, таёқ кўтарган бир қанча аскарлар уларга қўшилишди. Хўжайин минора томонни кўрсатди, аскарлар менга честь бергандай таёқларни кўтариб қўйишди...

Катта Чаён ҳосил терими чоғида кимки барғни яширса ёки еса тангри вакили, яъни мен қўл ғазаби-ла уни йўқотишимни маълум қилди. «Қўл ғазаби» манови чолғу асбоблари орқали етказилар экан. Кузатувчи

генераллар ўғирликни сезгани ҳамон чолғуларини ишга солар ва хўжайин мендан «қўл ғазабим»ни ишлатишни сўрар эмиш.

Аскарларни икки гуруҳга бўлишди: бири дарахтга чиқиб, баргларни юлади, бири тахлаб қўяди. Хўжайин «Тангрининг элчиси нафаси теккан заҳоти тошдай қотасиз» деб аскарларни қўрқитгани учунми, аскарлар индамайгина ишга шўнғиб кетдилар.

Қатта Чаён ўттизтача барг егандан кейин ғалтакдай зир югурар, ўткир таёғи эса аскарлар боши узра ўйнарди. Айтишларича, наша терими вақтида помешчик камида бир аскарни ўлдириб, дарахт тагига кўмар экан. Шунда мўл ҳосил бўлар эмиш. Агарда помешчик қўлида чет эллик соқчи бўлмаса — бунақасидан худо асрасин — аскарлар хўжайинни гумдон қилиб, нашазорни шилиб, ҳатто шох-бутоқларидан таёқ ясашдан ҳам қайтишмайди. Нашапоя таёғи билан қуролланган қўшин Мушуклар давлатида энг қўрқинчли қўшин саналади.

Минора тепасида қафасдаги тўтидай ўтириб, ўзимни сал овунтирдим. Мушуклар одатини бузгим келмади. Маҳаллий аҳолини ўрганишим кулгили бўлса-да, барча тадбирларида иштирок этишим даркор. Оҳ, қандайдир майин шабада эсиб, баданимга илиқлик югурди. Қуёш тафти ўтиб кетмасин учун хўжайиндан қозон ёпқични келтириб, шляпа ўрнида бошимга кийгизишни сўрадим.

Мушук-одамлар қулоғидаги қалам ва таёқлари билан аскарлардан ажралиб туришади. Булар гарчи устунлик бермаса-да, хўжайинни сеҳрлаб турар, аини дамда қийноққа соларди.

Аскарлар уйқудан уйғонган жулдурвоқилардек нашазорга олайиб кўз тикишар эди. Баногоҳ, барглар тагида ётган милтиқ қўндоқларини кўриб қолдим. Сал ўтмай, нашазор четига аскарлар келиб қолишди.

Асли мушук-одамлар унчалик уддабурон эмас экан. Агар улар нашани буткул йўқотиб, дунёвий ишлар билан шуғулланганида борми... Балким, ўзим ана шу оғир, шарафли ишни зиммамга олсаммикан? Қатта Чаённи ҳайдаб бу халққа ҳам помешчик, ҳам генерал бўлсам... Эҳ, булар пуч, хомхаёл орзулардир. Ҳали бу ердаги ҳаётим нима билан тугашини билмайман.

Қутилмаганда Қатта Чаён бир аскарнинг бошига таёқ билан туширди. Дарахтлар каллаклангани учун

пастдаги бу манзарани аниқ-таниқ кўришга улгурдим. Балангликдан сакраб оёғимни синдириб бўлса-да, таёқ зарбасини қайтаришга ва хўжайинни жазолашга чоғландим. Афсуски сал кечикдим: Аскар ерда ўлиб ётарди. Катта Чаён уни кўмишни буюрган эди.

Мушуклар психологиясини қарангки, ерга сакраганимда аскарлар тангрининг қўл ғазабига дучор бўлдик, деб дарахтдан ташлаб кўпларига шикаст етибди. Атроф оҳу ноаларга тўлган эди. Мен қиё боқмадим ва хўжайинни маҳкам ушладим. У пастга тушганимни ишонч белгиси сифатида қабул қилибди. Этагидан силтаганимда у ҳайрон қолди.

— Нега аскарни ўлдирдинг?— деб бақирдим унга.

— У наша поясини ғажиб ташлади-ку.

— Шунга ўлдириш шартмиди?

Мушук-одамларни инсофга чақириш фойдасизлигини эслаб, аскарларга ишора қилдим:

— Қани, боғланглар уни!

Улар менга ҳайрон боқишди. Афтидан, нима ҳодиса содир бўлаётганини англаб етишмаган эди.

— Катта Чаённи боғланглар!— дедим, аммо ҳеч ким буйруғимни бажармади.

Юрагим зил кетди. Агар шу аскарларга бош бўлсам... тамом деяверинг. Бу бефаҳмлар хўжайинни ёқтиришлари туфайли эмас, менинг ҳақлигимни англаб етмаганликларидан ёрдам қўлини чўзмас эдилар. Ҳатто ўлган ўртоқлари учун қасос олишни хаёлларига ҳам келтиришмас эди. Во дариғ!

Қийин аҳволда қолдим. Катта Чаённи бўшатиб юборсам, кейинроқ у мендан жирканади. Лекин қилган гуноҳи учун уни ўлдириб ҳам бўлмасди. Мушуклар мамлакатида ҳали у менга кўп асқотади. Ярамас ҳайвоний нуқсонлари бўлишига қарамай, қўрқоқ, ифлос, жангари мушук-одамлардан кўра, унинг фойдаси кўпроқ тегадиганга ўхшайди.

Шундоқ бўлгач, мен муғомбирлик йўлига ўтдим.

— Айбингни бўйнингга оласанми ёки нашазорингни талашга рухсат берайинми?— сўрадим ундан.

Талончиликни эшитган аскарлар бирдан жонланиб, қўлларини баргларга чўзишди. Қўққисдан хўжайинни икки марта тепгандим, бирдан ҳаммаси жимиб қолди. Катта Чаён кўзлари хонасидан чиққудай менга олайиб қаради. Мени ёмон кўрганини пайқадим: ахир, тангри элчиси арзимаган қилғилиги учун аскарлар олдида уни

жазолаб ўтирибди-да. У мен билан жанжаллашишга ҳадди сизмади.

Ундан ёлланган аскарларга қанча ҳақ тўлаётганини сўрадим. Бор-йўғи икки дона наша барги беришини эшитибоқ аскарлар жуфтакни ростлаб қолишди.

Буларнинг муносабати ва ғамгин, асабий турқи-тароватига ишим йўқ, мени юз миллий нуфуз оладиган ўлган аскар оиласи қизиқтирарди.

Хўжайин таклифимга кўнди, бироқ жабрдийданинг турар жойини ҳеч ким билмас экан. Мушук-одамлар ўзгалар хусусида ахборот беришни ёмон кўрадилар. Мен буни кейинроқ тушундим. Ушанда тажрибасизлигим туфайли юз миллий нуфуз Катта Чаён чўнтагига қолди.

## 10

Наша терими тугагач ҳаво совиди. Осмонда қора булутлар пайдо бўлди. Ёғинли мавсумда помешчиклар нашаларини сотиш учун шаҳарга йўл олишар эди. Гарчи Катта Чаён ўшанда мендан қаттиқ ранжиган бўлса-да, ўзини мамнун кўрсатар эди. Чунки каминасиз йўлга чиқиш унга таҳликали, хавфли эди. Мен унга ҳақиқий ҳамроҳ эдим.

Қуритилган баргларни каттакон қопларга жойлаштирдик. Икки аскар қопларни навбатма-навбат бошларида кўтариб кетдилар. Олдинда хўжайинни кўтаришган эди: тўрт аскар боши ва қорни, икки аскар оёғи, бир аскар бўйнидан тутиб боришарди. Бундай кўчиб юриш Мушуклар давлатида одат тусига кирган энг шарафли усуллардан эди. Ҳаммолларнинг икки тарафида йиғирма чоғлик генераллар мусиқа чалиб кетишарди. Бордию аскарлар интизомга бўйсунмаса, дейлик наша ҳидлаш учун қопга бармоғини суқса, генераллар ғалати мусиқа товушлари орқали хўжайинни хабардор қилишарди. Ҳа, Мушуклар давлатида ҳар қандай буюм фойда келтириши жоиз, бу санъатга ҳам тегишли бўлиб, мусиқачилар худди ҳозиргидай исковуч каби хизматдадир.

Мен гуруҳнинг ўртасида борардим. Катта Чаён менга етти ҳаммол ажратди, аммо бундай мурувватини рад этдим. Ўзбошимчалигим учун у мени уришиб берди: таомилга биноан императорни йиғирма бир, князни — ўн беш, аслзодаларни етти ҳаммол кўтариб юрармиш. Хўжайин буюк кишиларнинг сўзларидан иқтибослар

келтириб, қадимий одатни бузмаслигимни узоқ тушунтирди. Ҳатто у: «Пиёда юрган аслзода ота-боболари номига доғ туширади!» деб хитоб қилди. «Бошлари устида кўтаришмаса, аждодларим иснодга қолмас» дея раъйини қайтардим. Бечора йиғлашига бир баҳя қолди. У менга бир байтни ўқиб берди:

*Қимки наша япроғини еса,  
бўлар доим аслзода.*

— Аслзодаларинг билан даф бўл!— деб ашуласини тўхтатдим. Афсуски, биронта илмоқли шеър ўзимнинг ёдимга келмади.

Қатта Чаён хўрсиниб қўйди, аммо сўкинишга тили бормади.

Мушук-одамларни сафга тизиш икки соатга чўзилди. Қатта Чаён сочини тўғрилар, сакрар, аскарлар эса тўполон кўтарарди. Қатта Чаён калтак ишлатмагани ва унга ёрдам бермаганидан улар талтайиб кетишган эди... Фойдаси бўлмагач, иложсиз йўлга тушдик.

Осмонда оқ думли калхатлар пайдо бўлди. Қатта Чаён дарҳол ерга сакраб сафар кечиктирилганини маълум қилди. Мен ғазабланиб, тўппончамни чиқардим:

— Йўлга туш, йўқса ҳозир сени ўлдираман!

Унинг ранги бўздек оқарди, оғиз жуфтладию, лекин сўз қотмади. Баҳслашиш мавриди эмаслигини тушунган эди. Яна уни мушукларнинг бошига — тахтиравонга чиққунча кутиб, сўнг йўл босдик. Ночор ҳаммолларнинг қалтис ҳаракатидан дам-бадам у ерга тушар, хуллас, ўз авлодлари удумини бинойидек бажарарди.

Йўлда кетаётиб, дарахт пўстлоқлари, харсанг тошлар, эски деворларга йирик ҳарфларда шарафловчи сўзлар битилганини кузатдим: «Қатта Чаённи муборакбод этамиз!» «Қатта Чаён озиқ-овқат дастурини бажариш учун бутун куч-ғайратини аямайди!», «Қатта Чаён асқарлари адолат таёғини баланд сақлашади», «Жаноби олийлари шарафига мўл ҳосил етиштирамиз...» Бу сўзлар махсус котиб томонидан чиройли дастхатда ёзилган бўлиб, йўлда руҳий лаззат олиш учун хўжайин уларни олдиндан юборувди.

Қишлоқларни айланиб ўтар эканмиз, кулбалар олдида ёғочларга суянганча кўзларини қисиб ўтирган одамларни кўрдик. Уларнинг бизга ҳатто қайрилиб қарамагани мени ажаблантирди. Аскарлардан кўрқинса, нега бекинишмайди ва кўзларини юмиб олишади? Пешонасига танғиган оқ матога «Қатта Чаённи олқиш-

лаймиз!» деган сўзлар ёзилибди. Қишлоқ одамлари кўзини юмиб, Қатта Чаён шарафига бошларини эгиб кўйишди.

Афтидан, бу қишлоқ хўжайинининг тасарруфида эди. Жулдурвоқи, юпун, меҳнатдан ҳориган, турқ-таровати аянчли бу кимсаларнинг ҳолини кўриб, Қатта Чаёни баттар ёмон кўрдим.

Мушуклар шаҳрига ярим кунда етардик, аскарлар билан юриш азоб экан. Аслида улар чаққон, абжир бўлсаям, аскарликда уқувсизга айланишади. Кўчиш — фронтда жуда хавfli иш дейдилар. Бошқача қилиб айтганда, олдинга юрганда уларнинг қобилияти йўқолади, чекинганда эса оёқларини қўлга олиб югуришади. Душман билан олишувда кўпинча шундай ҳол юз беради-да.

Вақт пешиндан оғиб қолди. Осмонда булутлар сузиб юрса-да, қуёш нур сочарди. Аскарлар бамайлихотир, секин қадам ташлар, аъзои-баданлари чарчоқдан шалаббо бўлиб кетганди. Бунақанги нўноқ армиядан Худонинг ўзи асрасин...

Узоқдан нашазор кўринган эди, Қатта Чаён ўша ёққа юрди. Аскарларга раҳми келди, дам беради, деб ўйлагандим, йўқ, хато қилибман. Нашазорга яқинлашганда, мендан у «Таласа бўладими?» деб сўради. «Наша япроғи ҳозир арзимаган гап», — деб ишонтирди мени. — Муҳими, армияни жанг санъатига ўргатиш».

Ҳамроҳларимга қарадим. Улар буйруқни кутишарди. «Босқинчилик — аскарларнинг севимли машғулоти экан-да» деб қўйдим ичимда.

Аскарлар Қатта Чаён ва мени барибир ёмон кўришади. Тўппончамдан ажралсам, эртами-индин мениям ўлдиришади. Олижаноблигим, уларга қайишишимни ким билиб ўтирибди. Сўнгги пайтларда мушукларга хос психология баданимга сингиб борар, ботирлик ва мардлик ўрнини келишувчанлик касали эгаллаётган эди.

Индамай турганимни кўрган хўжайин мени операцияга бошлади. Бу галги жавобим ҳам тайёр эди: «Ўзларинг таланглар, мени аралаштирманглар», дедим.

Аскарлар каттароқ ўлжанинг ҳидини олишган эди. Буйруқни кутишга улгурмаёқ, таёқларни кўтарганча, нашазорга ёпирилишди. Қатта Чаёни ҳеч қачон бундай дадил ҳолда кўрмагандим: кўзи шерникидек, юнги диккайган, қўлидаги таёғи осмонга сапчийди.

Улар нашазор қоровулларини айёрлик билан йўқотишни кўзлашган эди. Шарпани сезмагач, хўжайин қаҳ-

қах отиб кулди, аскарлар ҳам унга құшилиб, нашазорга ёпирилдилар.

Бир пайт нашазор ичкарисидан қийқириқ товушлари эшитилди. Катта Чаённинг кўзлари пирпиради, құрқоқ аскарлар таёқларини ташлаб орқага тисарилдилар.

— У ёқда чет эллик бор, чет эллик!— дея бошларини чангаллаб қолишди.

Хўжайнига бу гап шубҳали туюлды.

— Чет эллик дейсизми? Йўғ-э, нашазорда чет эллик нима қилсин?

Хўжайин лақиллаб турганда ўрмондан мушук-аскарлару оқсочли икки мавжудот чиқиб келди. «Анави иккитаси хорижлик бўлса керак», деб ўйладим ичимда, улар кимёвий усулда қандайдир темир тайёрлашади... Агар Катта Чаён жангга даъват қилса, нима бўларкин. Ялтироқ таёқларимиз нимага қодирлигини ҳали билмайман. Гарчи талончиликни мен ўйлаб топмаган бўлсам-да, барибир хўжайин тарафиди эдим, чунки унинг мағлубияти обрўйимга путур етказар эди.

— Уларни дарҳол тут,— дея шивирлади Катта Чаён.

Ўйлашнинг мавриди эмас эди. Мен тўппончани қўлга олиб, олдинга югурдим. Буни кутмаган малласоч махлуқотлар (улар ҳам мушукларга ўхшаб кетарди), таққа тўхташди. Катта Чаён хавф йўқолганини билиб, ёнимга келди ва:

— Қани, музокарани бошла!— деди орқамга биқиниб.

Довдираб қолдим. Ие, нега у мени муштлашувга даъват қилмаётир? Малласоч билан нима ҳақда гаплашаман? Кўп куч-ғайрат ишлатиш ўрнига озгина сарфласангиз, одам ўзини йўқотиб қўяркан. Шу пайт рақиблардан бири хўжайинга яқин келиб деди:

— Ҳар биримизга иккитадан олти той наша япроғи товон тўлайсиз.

Мен ҳайрон қолдим. Чет эллик мушук-одамлар иккита-ку. Нега у адашади?

— Қани, тезроқ ишни битир!— дея шошилтирди хўжайин.

Мен ўйлаб ўтирмай уларга розилигимизни билдирдим.

— Бўпти, сенга олти той товон тўлаймиз.

Чет эллик мушук-одамлар жилмайиб қўйишди. Хўжайин енгил хўрсинди. Мен ҳамон гарангсиб турардим. Аскарлар бирпасда тойларни келтиришди. Шунда қизиқ

ҳодиса рӯй берди: малла сочли йягит тойлардан бирини менга тутқазди. Уз рақибига-я. Улар каминани ҳам ўз ҳисобига қўшнишибди-да.

«Совға»ни олишдан бошқа чора қолмаган эди.

— Биз ҳам яқин кунларда наша теримини тугатиб, шаҳарга борамиз. Балким, учрашиб қолармиз,— дейишди чет элликлар.

— Албатта, учрашамиз,— дедим.

Малла чет элликлар аскарларга тойларни юклаб, яна нашазорга кириб кетишди.

Мушуклар шаҳрида кўплаб чет элликлар билан суҳбат қурганимдан кейин йўлдаги воқеалар сирини англаб етдим. Мушук-одамлар чет элликлар устидан ғалаба қозонишга кўзлари етмагач, Миррихга келиб қолган келгиндиларни уриштиришга қарор қилибдилар. Мамлакат қудратини мустаҳкамлаш учун билим, тадбиркорлик ва сабр-бардош керак, табиатан танбал мушукларнинг эса бунга тоқатлари йўқ. Чет элликлар гоҳида ўзаро жангга киришсалар-да, барибир сулҳ тузишади. Уларни бу манзилгоҳдан ҳайдашса, жангдаги ғалаба ҳам мағлубиятга тенг бўлади-да. Айни дамда чет элликлар мушук-одамлардан кўп фойда кўришарди. Уч той наша воқеаси бунга ёрқин мисол. Чет элликларнинг асосий машғулоти нашазорларни қўриқлаш. Улар ўғриликка кирган маҳаллий аҳолини тутиб беришга келишишган эди. Ўғри ва безориларни ушлаб берган «қоровул»ларни мушук-одамлар қаттиқ ҳурмат қилишади.

Дунёнинг турли бурчагидан келиб-кетувчилар учун бу қойда жуда қўл келарди. Келгиндиларга Миррихда яшаш мазза эди. Бу нўноқликлари учун мен мушук-одамлардан ранжидим. Буюк давлат қуришга интилиш ўрнига улар чет элликлар кўмагида авлоддошларини эзишар эди. «Эҳ, ор-номуси, ғурури ва номусидан айрилган мавжудотлар» деб баралла бақиргим келди.

Мен ўзим шоҳиди бўлган воқеалардан кейин анча вақтгача тушкун кайфиятда юрдим.

Катта Чаёнга қайтайлик. Йўлда уч той товон тўласа ҳам парвойи фалак, ўзини ғолибдек ҳис этарди у. Агар хорижликлар менга совға сифатида қолдирган наша менга керак бўлмаса, унга 30 миллий нуфуз беришини айтди. Икки той наша камида 300 миллий нуфуз туришини билсам-да, савдолашиб ўтирмадим.

Қуёш уфққа бош қўйганида узоқдан Мушуклар шаҳри кўринди.



Шаҳарга кириб келгач, ўйлаган нарсамни тополмай хангу манг қолдим. Мамлакат пойтахтининг шакл-шамойилини кўриб, тараққиёт-тўхтаган экан-да, деган хулосага келдим.

Мен мушуклар цивилизацияси билимдони эмасдим. Қишлоқда кўрган-билганларим асосида бу юртнинг маданияти шарафли эмаслигига амин бўлдим. Турган гапки, бугунки цивилизация ҳам бир куни хотима топади. Ер тарихини қизил сувда ёзишган дейишади-ку. Агар биз ўтмиш тарихимизга баҳо беришда ҳақиқатни тан олсак, фожиани ҳис қилсак, кўз ўнгимизда ўлим топаётган жамиятни чуқурроқ англаб етардик?! Улим оstonасида турган одам дунё азоб-уқубатларидан қутулганига хурсанд бўлади. Ҳалокатга маҳкум жамиятда эса сал бошқача ҳолат — охириги паллада жонланиш талвасаси сезилади, лекин барибир секин-аста, муқаррар ўла бошлайди. Баъзи одамларни қутқариш мумкин, ammo бутун шаҳарни қутқариб бўлмайди. Шум тақдир шаҳарнинг ақлли, ҳам аҳмоқ фуқароларини ўз комига тортади. Шундай пайтда озчилик бўлган доно одамлар авлодларга васият ёзиб қолдирадилар...

Мушуклар шаҳри аҳолисини кузатиб, миямдан шундай фикрлар ўтди. Узоқ ўтмай, улардан ибратли хотиралар эмас, чанг-тўзону жасадлар кули қолади назаримда.

Биз кириб келганимизда Мушуклар шаҳрида бироз жонланиш юз берди. Шаҳар ҳарбий лагерни эслатарди гўё. Кўча-кўйдан дарак йўқ. Олисида баҳайбат ташландиқ, нурсиз уйлар кўзга ташланади. Уртадаги майдонда тумонат одам. Уйлар пештоқида рақами йўқ бўлса-ям, бешинчи уйдан то ўнинчи уйгача қарийб икки чақирим юрасиз. Майдондан юрсангиз, сизни гоҳ чапга, гоҳ ўнгга иргитишади, олдинга-орқага тортишади. Сиз тасодифан манзилингизга етиб оласиз, ёки бутунлай уйингизга қайтмайсиз.

Бир замонлар Мушуклар шаҳрида пастқам танг кўчалар бўлган, деган хаёлга бордим. Чунки мушук-одамлар рўпарадаги кишига йўл беришмас экан. Кейинроқ кўчалардан дарак ҳам қолмабди. Бу туртинишдан қутқармаса-да, анча-мунча кишининг ҳаётини сақлаб қоларди. Ана, кўрдингизми, мушук-одамлар гоҳида инсонпарвар халқ. Қишлоқдан шаҳарга олти чақирим йўл

босганимиздан кейин бу ур-тўполонда Катта Чаённинг уйига етиб олармиканмиз?

Одамлар оқими баттар зичлашиб борарди. Янги йўловчилар сиқувга олавергач, икки ўртада гирдоб пайдо бўлди. Шунда орқадан бир киши кимнингдир бошига тирмашиб чиқди ва шовқин-сурон бошланди. Гирдоб чайқалди. Тартибга чақиришга ҳарчанд уринмасин, фойдаси бўлмади. Икки тараф узоқ муштлашди. Сал нарида, пастда одамлар шахмат ўйнашар ва индамай кузатишар эди. Ниҳоят, жанжал тўхтади ва иккала томон ҳеч нарса бўлмагандай шахмат ўйинига тушиб кетдилар. Биз одамлар оқимини ёриб ўтаётганимизда қайдадир тикилиб қолдик. Бўғиқ мусиқа садолари чалинди, бу, ажратишнинг белгиси эди. Ўз навбатида мушуклар тўдаси ҳам мусиқачиларга ташланди. Катта Чаён таёқ билан мушуклар бошига туширмоқчи бўлдию лекин улгуролмади. Оқим юра бошлаган эди.

Шаҳарлик мушук-одамлар қишлоқликлардан бутунлай фарқ қилади. Узоқ тарихий эволюция таъсириданми, ё савалашиб, тортишувлар натижасиданми, уларнинг аксари кал бош эди. Кейинроқ билсам, йўловчиларни аскарлар йўл очиш баҳонасида эмас, балки юқори мартабали зотлар талабига кўра, савалашар экан. Уйга тезроқ етиб бориш мақсадида мушуклар бири-бирини итарар, тепар, тишлар эди. Олд қатордагилар ўзини ҳимоя қилар, аскарлар бўлса жанжалкаш уруғдошларини бетиним савалашар эди.

Мен қизиқиш ва ўта ачиниш ила шаҳар аҳлидан кўзимни узмасдим. Ен атрофда ифлослик, бадбўй ҳидлар тўлганини кўргандан кейин рост кузатишга қизиқишим сўнди. Мушуклар саройи, шаҳар меъморчилиги ҳақидаги баландпарвоз орзу-ҳавасларимдан асар ҳам қолмади.

Шаҳар аҳолиси чет элликлардан ҳайиқар эканлар. Лекин қишлоқдагидай ҳурмат-иззат қаёқда дейсиз: бизни нуқул итаришар, туртишар эди. Янаям даҳшатлиси шуки, бармоқлар тўппонча сингари менга қадалган, қўпол товуқ бурунлар, ялтироқ кўзчалар каминани тинимсиз кузатар эди. Мана, битта кузатувчи ёнимда турибди: у оёғимга тирмашди, кўкрагимга қўлини теккизиб кўрди, юзимга тикилди. Епирай! Йўқ, бунга ортиқ чидай олмайман. Хафа бўлишимнинг яна бир бонси кузатувчи бармоқлар, бурунлар ва нигоҳларнинг ҳис-туйғудан маҳрумлиги эди.

Биз кўлмак, ўнқир-чўнқирларга келиб қолгандик.

Чўчқадек ағанаб кетиш ҳеч гап эмас эди. Мушук-одамлар кўп асрлик тарихи ичида йўллар ҳақида бош қотирмаганга ўхшайдилар. Танбал, мақтанчоқ, катта оғиз эди улар...

Ҳиёл ўтмай, Катта Чаён хонадонига етиб келдик. Мушук-одамларнинг шаҳар уйлари ҳам аянчли бўлиб, ғариб қишлоқ кулбаларидан деярли фарқ қилмас эди.

## 12

Катта Чаённинг шаҳар марказидаги уйи шип-шийдам, эшик-ромсиз тўрт девордан иборат эди. Кечқурун совуққа дош бера олармиканман?

Ана, девор устида ҳозирданоқ мушукларнинг тумшуги кўринди. Мени пойлашяпти. Хўжайин бир бақирган эди, дарҳол кўздан ғойиб бўлишди. Салдан кейин яна кўпайишиб, той-той нашаларни таший бошлашди. Бу пайтда оқшом чўкиб, атрофга сукунат чўмган эди.

Катта Чаён итоаткорона таъзим бажо келтириб, нашаларни қўриқлашимни илтимос қилди. Мен кема ҳалокати пайтида синдирган фонаримни эсладим. Ҳозир фонар бўлганида Мушуклар шаҳрини бир томоша қилардим-да. Барибир, бу ерда ҳам яхши ухлолмасам керак. Менинг индамаганимни кўрган Катта Чаён боши осмонга етди ва аскарларга жавоб бериб, ўзи арқонга осилиб, қўшнинг уйига ўтди.

Елғиз қолдим. Шамол эсди. Салқин куз оқшоми эди. Осмонда юлдузлар ёрқинроқ нур соча бошлади. Фақат сассиқ зовур ҳидигина сокинлик бағрида баҳузур ором олишга халақит берарди. Ҳидни сезмаслик учун нашани оғзимга солиб, кўрган-кечирганларимни эслаб кетдим.

Нашаларни асраш фикри-ёди ухлашга халақит берарди. Вазифамни бажаришга киришган чоғимда кимдир биқинимга тепгандай бўлди. Урнимдан сакраб туриб, кўзимни очсам, икки мушук-одам олдимда ўтирибди. Учар одамлар қаердан келишди?

Икки «меҳмон» оддий мушуклардан эмаслигини кўнглим сезди. Шунинг учун тўппончани қўлга олмадим.

— Утиринглар, — дедим. Уша пайтда биладиган ягона мушукча юмшоқ сўзим шу эди.

Ўтиришди. Бу мени баттар ажаблантирди. Миррихдаги бир-неча ойлик ҳаётини тажрибам мобайнида имо-

ишорали белгиларимни илк марта тўғри қабул қилишгани эди.

— Биз чет элликмиз, — деди барваста гавдали киши. — Нега бу ҳақда сенга очиқ айтаётганимизни англагандирсан?

Мен бош ирғадим.

— Ахир, ўзинг ҳам чет элдансан-ку, — дея гап қўшди озгин киши.

Улар суҳбатдошга ҳурмат сақлаб, самимий оҳангда гаплашар эдилар. Мунофиқ, ёлгончи ва ўзбилармон Катта Чаённинг суҳбатидан фарқ бор эди.

— Мен Ердан келганман, — дедим.

— О! — дея ҳайратланиб қўл чўзишди улар. — Ўзга сайёралар билан алоқа боғлаш азалий орзуимиз. Ерлик кишини кўриш бахтига ноил бўлганимиздан бахтиёрмиз.

Шундай дегач, ҳурмат маъносида ўринларидан туришди. Мен ўзимни худди Ердагидай ҳис қила бошладим. Улар Ер сайёраси ҳақида сўрашди. Гапириб бердим. Мен жуда содда, соф инсоний муомаладан ҳайрон эдим. Суҳбатдошларим хўжайиним Катта Чаёндан — бошқаларни қўя турайлик — ақлли, одобли бўлиб, бу менга хуш ёқарди.

Айтишларича, Порлоқ давлат билан Мушуклар давлати оралиғи етти кунлик йўл экан. Булар ҳам худди менга ўхшаб нашазорни маҳаллий бойваччалардан ҳимоя қилдишар экан. Гап орасида ўз юртлари хусусида сўзлаб бёрдилар.

— Жаноб Ерлик! — деди барваста йигит. Уларнинг ўйлаб топган энг маъқул мурожаати «жаноб» эди. — Сизга шундай таклифимиз бор: манави тойларни ҳам олинг-да, биз томонга яшашга ўтинг.

Ногаҳоний бу таклифни кутмаганим учунми, ўрнимдан туриб кетдим.

— Марҳамат, унга тушунтиргин, — деди барваста киши озгин ўртоғига, — жаноб ерлик мақсадимизни англаб етмади, чоғи.

— Кечирасиз, Сизни қўрқитиб юбордик, — кулди озгин киши. — Ўзингизни босинг, биз ўз таклифимизни айтдик, холос. Катта Чаён барибир содиқ хизматингизнинг қадрига етмайди. Наҳотки Мушуклар давлати ахлоқ қондаларини билмасангиз.

«Ие, булар мушуклар-ку» деган фикр ялт этиб ўтди хаёлимдан. У ичимдагини уқиб олди.

— Ҳа, аждодларимиз мушуклар эди сизники каби...

— Маймун эди!— дея гапини тўғрилаб қўйдим.

— Жуда тўғри. Ҳаммамиз анча бузилган ҳайвонлардан келиб чиққанмиз,— деди барваста йигит маймунмонанд афтимга синовчан тикилиб. — Аммо... кел, наша масаласига қайтайлик. Хўжайинни моллари камайса, хафа бўлмайди. Агар ўғирлашса, қолган нашаси нархи кўтарилади. Бойваччалар таланса, барибир оддий фуқаро азият чекади!

— Гапингизга қўшиламан. Лекин мен нашаларни сақлашга сўз берганман...

— Тўғри, жаноб ерлик, — деди озғин йигит. — Биз ҳам сендек тўғри ўйлардик. Мушуклар давлатида эса ҳалол, тўғри одам камситилади. Миррих сайёрасида шундай мамлакатнинг бўлиши ўта шармандалиқдир. Шу сабабдан мушук-одамларни биз доимо ўз қаторимизга қўшавермаймиз.

— Модомики шундай экан, ҳеч бўлмаганда ўзимиз ҳалол ва виждонли бўлайлик. Майли, улар ўзини ёмон тутсин, лекин биз...— дедим жаҳлим чиқиб.

— Жаноб ерлик,— суҳбатга аралашди барваста йигит. — Сени келгусида виждон азоби қийнамасин, деб қошинга келдик. Чет элликлар бир-бирини қўллаши керак эмасми, ахир.

— Балким чет элликлар бирлашиб ҳаракат қилгани сабабли Мушуклар мамлакати зайфлашиб қолгандир,— эътироз билдирдим мен.

— Гапингиз тўғри. Бироқ бизнинг Порлоқ давлатимизда ҳарбий қудрат етишмаслиги халқаро обрўйимизга путур етказмайди. Инсон ҳуқуқлари поймол этилган мамлакатни ҳурмат қилишмайди ва амалий ҳамкорлик ўрнатишмайди. Шунинг учун Мушуклар мамлакати олдида айбдормиз. Бизларни деб катта-кичик давлатлар билан жанжаллашишга тобимиз йўқ. Миррихда давлатлар беҳисоб бўлса-да, ўзаро ҳурмат, ишонч сақланган. Қимнингдир устунлиги мамлакатнинг жуғрофий қулай ўрни, ер ости бойликларига бориб тақалади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ахлоқ қоидаларига бўйсунуш фуқароларнинг маданий савиясига боғлиқ. Масалан, Катта Чаёни олайлик. Ердан учиб келган Сиздек табаррук меҳмонни уйига таклиф этдимиз? Дилкаш суҳбатлар қурдимиз? Меҳмон қилдимиз? Бу унинг қўлидан келмайди. Уни оғули наша қизиқтиради, холос. Балким гапларим иғводир...

Барваста йигит ҳақ эди. Озғин йигит гапни давом эттирди:

— Сиз Катта Чаёнга хизмат қилиб қўйдингиз. У нашаларини шаҳарда пуллаб, анча бойиб олади. Энди унинг хароба кулбасида яшашингиз шарт эмас. Бу ерга келган чет элликлар миллати ва ирқидан қатъи назар, мамлакат пойтахтининг ғарбий қисмида аҳил яшайдилар. Биз иккаламиз сиздек азиз меҳмонни кутиб олиш ва жойлаштириш учун атайин келдик. Келиб-кетувчи барча чет элликлар даҳамизни қийналмай топиб боришади. Янги меҳмонларни қарши олиш учун ҳар куни шаҳарга махсус қисмини юборамиз. Нега алоҳида даҳа қурилган, дейсизми. Чунки уерда озодаликка, ораста-ликка доимо риоя қилинади-да. Пашшага тўла мушуклар таомини едингиз-ми? Медицина хизмати... Э, қаёқда дейсиз. Биз ўз соғлигимиз ҳақида қайғурмасак бўлмайди. Сизга узоқ тушунтириб, бошингизни оғритганимиз учун узр. Хуллас, бизга ишонаверинг.

Сухбатдошларим сўзларига ишондим. Улар айтган кўпдан-кўп сабаблар ҳақида ўйлай кетдим.

Мен Мушуклар шаҳридаги мушуклар жамияти билан танишишим керак эди. Анави йигитлар юрти — Порлоқ давлат мушук-одамларниқидан кўра маданийроқ бўлса бордир. Лекин мени ҳалокатга юз тутган цивилизация кўпроқ қизиқтиради. Мен тушкун одам устидан кулиш, сўниқ кўзларига термулишдан кўра, бундай кишиларга ёрдам қўлини чўзишни истардим. Сухбатдошларим самимий йигитлар экан. Аммо улар айтганидек, бутун аҳоли — ёшу қари Катта Чаёндан андоза олганига ҳеч ақлим бовар қилмайди.

Меҳмонлар яна фикрларимни илғашди.

— Ҳозирча ҳеч нарсани ҳал қилмайлик,— деди барваста йигит охири.— Агар тезроқ биз томонга ўтсангиз, бошимиз осмонга етарди. Сиз кечқурун ўта қолинг. Шаҳарнинг ғарбидаги чет элликлар даҳасига ўтаверинг — қучоқ очиб кутиб оламиз. Жаноб Ерлик, ҳозирча хайр.

Мен йигитларнинг самимий суҳбати учун миннатдор бўлдим.

— Ташаккур. Йўлим тушса, албатта ўтаман. Фақат олдин шаҳарни ва унинг одамларини ўрганиб, кўриб олайин.

— Яхши, дўстим. Лекин овқатлардан сал эҳтиёт бў-

линг. Хўп, кўришгунча, — деб меҳмонлар хайрлашиб кетишди.

Улар кетгач яна ўйга ботдим: мушук-одамларни тарбиялаб бўлармикан? Улар қўйдайд ювош—аскарлар савалашса индашмайди, дунёни сув босса тўпигига чиқмайди. Қоронғу тушди дегунча пинакка кетишади. Бундай одамлар билан узоқ манзилга етиш мушкул. Фақат буюк раҳбар давлат тепасига келса, катта ўзгариш бўлади.

Уша кеча ухлай олмадим. Рангин, гўзал манзаралар негадир кўз олдимдан лип-лип ўтаверди. Тушимда Мушуклар шаҳри янгитдан қурилиб, боғ-роғлар барпо қилинган эмиш. Кўчалар озода, майдонларда маҳобатли ҳайкаллар қад ростлаган эмиш. Қушлар сайрайди, мусиқа садолари янграйди...

### 13

Тунги навбатчилик эвазига Катта Чаён ақалли раҳмат айтмади. Қаерда тунашимни суриштириб ўтирмади ҳам. Аммо кулбасида қолмаслигимни маълум қилди.

— Агар биз билан яшасанг, сени ҳурмат қилмай қўйишади. Ахир, чет элликсан-ку. Сен шаҳарнинг фарбий қисмидаги Чет элликлар даҳасига ўтганинг маъқул.

Қўпол муомаласини кўринг. Порлоқ мамлакатдан ташриф буюрган бояги йигитларнинг гапи тўғри чиқди.

Ғазабимни ичимга ютиб, бу ерда қолишим сабабини унга тушунтирдим. Кўнмади. Нашазорида ишлаганда ҳам у тунаш жойим билан қизиқмасди. Нашалари сақланган омборхонадан хавфсираяпти, чоғи. Ўғирлаш ниятим бўлганида, кеча тундаёқ бойликларини ўмариб кетмасмидим.

Катта Чаён бошини чайқаб қўйди: уйда хотинлар бўлар эмиш. Мантиқий баҳона топган эди, у.

Шу вақт девор устида бир қари оқ мушукнинг боши кўринди. Бу — хўжайиннинг отаси экан.

— Хонадонимизга чет элликлар керак эмас. Керак эмас!— дея бақирди у.

Кулгим қистади. Бир жиҳатдан, қовоқ бош бу қари кишига ҳурматим ошди. У кучли одамлардан ҳайиқмас, ҳатто жирканар экан. Унда одамийлик аломатлари ўғлиникидан кўра кўпроқ эди.

Кутилмаганда пайдо бўлган мушукча мени панага

тўртди. Фурсат ғанимат-да, Катта Чаён девор орқасига яширинди.

Ёш мушук-одам Катта Чаёнинг ўгли экан. Бир лаҳзада уч авлод билан танишиб олганимдан қувониб қетдим. Тажрибали кекса авлод ёшларга таъсир кўрсатиб турса-да, қарашлари эскича эди. Ўтмиш одами-да. Мушуклар давлати касаллигини ёшлар савияси ва дунёқарашига қараб аниқлаб олса бўларди. Қани, танишиб олайлик-чи.

— Сен олисдан келдингми?— сўради Кичик Чаён. Аслида йигитнинг исми бошқача бўлиб, соддароқ тилда мен уни шундай атадим.

— Ҳа, анча олис мамлакатда яшайман,— дедим. — Айт-чи, анави чол бобонг бўладими?

— Ҳа. Бобомнинг айтишича, барча кулфатлар айбдори чет элликлар эмиш. Чол сизлардан қўрқади.

— Бобонг ҳам наша истеъмол қиладими?

— Албатта-да. У чет элдан келтирилган асилини ейди...

Худди мўъжизадан қуруқ қолгандай ён-атрофимизга мушукбаччалар йиғилишди.

— Суҳбатлашгани бирон тинчроқ жой йўқми?— мурожаат қилдим танишимга.

— Қаерга бормайлик, барибир эргашишади. Яхши-си, шу ерда гаплаша қолайлик. Қулоқ солишмайди, шунчаки сени томоша қилгани келишган.

Йигитнинг тўғрисўзлиги менга ёқди. Таклифига кўндим.

— Майли. Сен отанг ҳақида гапириб бер-чи?— саволга тутдим уни.

— Отам балоғат ёшига етгунча, тўғрироғи йигирма ёшгача яхши инсон бўлган. Ёшлигида наша экишга қарши чиққан. Бобомга каттакон нашазорни мерос қилиб қолдиргач... Бойликдан ким воз кечади? Отам хотин-қизлар озодлиги учун ҳам қаттиқ курашган. Энди бўлса уйда аёлларни сақлайди. Бобомнинг таъкидича, пайти келиб мен ҳам отамдай бўларканман. Балоғат ёшида ҳар бир киши ота-боболари васиятига қулоқ солади, кейин бузилади. Отам ёшлигида чет элликларга ҳар жиҳатдан тақлид қиларкан. Уша билим-тажрибаларини мушук-одамларни эзиб ишлатишда қўлламоқда. Аммо ҳар бир ишда у шахсий манфаатини устун қўяди. Хуллас калом, бобом билан дадам бир одам.

Кичик Чаёнинг ҳикояси мени лол қолдирди. Кўзла-



римни юмиб олдим. Уз яқинлари яшаган муҳит ва ҳаёт манзарасини аниқ чизиб берган эди у. Доира атрофида чироқчалар милтиллайди, ичкарида номаълум хилват, зулмат ҳукмрон. Зулматнинг нурга кўмилиши Кичик Чаёнларнинг — имкониятини ҳали билмайман — саъй-ҳаракатга боғлиқ.

— Сен ўзинг нашадан қабул қиласанми?— сўрадим ундан.— Барча фожиаларнинг бош сабабчиси наша-да!

— Қабул қиламан, — жавоб берди у.

Доира атрофида ёниб турган чироқлардан бири ўчгандек бўлди гўё.

— Нега? Э... одобсизлигим учун мени кечир.

— Усиз курашиб бўлмайди-да.

— «Кураш» эмас, мослашиш десанг тўғрироқ бўлармиди,— жаҳлим чиқди менинг.

Кичик Чаён жимиб қолди.

— Шароитга мослашишдан ўзга чора тополмадик,— айбини бўйнига олди у. — Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларини кезиб чиқдим. Билсанг, Буюк ислоҳотларга интилиши сўнган халқлар шароитга мослашувчан бўлар экан...

— Сен ислоҳотлар қилишга қодир эмасмисан?

— Бари бефойда. Гўл, тубан, ўзгарувчан оломон; таёқ кўтариш, нашазорларни талаш, аёлларни зўрлаш билан машғул аскарлар; айёр, очкўз, номуссиз, бурнидан нарини кўролмайдиган сиёсатдонларга қарши ёлғиз кишилар қўлидан нима ҳам келарди?! Ундан кўра, бошимни омон сақлаганим дуруст эмасми.

— Барча ёшлар шундай фикрдами?

— Нима? «Ёшлар» дедингми? Бизда бундай атамалар йўқ. Тенгқурларимнинг кексалардан фарқи қолмаган. Э, э... — у сўкинди, аммо гапларини яхши уқолмадим.

— Атрофингни ўраб турган жирканч муҳит таъсир қилади-да,— кўнглини кўтардим уни. — Ёшларга совуққон бўлмайлик.

— Муҳит таъсир этади, ҳам ўзгартиради. Тенгқурларим гўдаклигидан чалажон туғилган эмасми, чаққон, зийрак бўлиш ўрнига, тегманозик, ожиз, дангаса бўлиб ўсишмоқда. Лекин иззат-нафсига тегсанг, балога қоласан.

— Сал ошириб юбординг-ов,— дедим унга.— Гапларимга хафа бўлмагину, журъатсиз одам шундай тушкун гаплар айтади. Қўлингдан иш келмагач, айбингни

тенгдошларингга тўнкаяпсан. Қора рангни кўпроқ ишлатишинг боиси шундан. Атрофга назар ташласанг, слам тароватли эканлигига ишонасан.

— Балким, гапинг тўғридир, — илжайиб қўйди Кичик Чаён.— Бу ажабтовур тадқиқотни ўзинг ўргансанг, фойдали бўлармиди. Узоқдан келган одамга жамиятнинг яхши-ёмон жиҳати яққолроқ кўзга ташланади.

Мени кузатаётган мушук-одамлар чалворимдан кўз узишмас эди. Кичик Чаёнга савол беришдан ўзимни тийдим. Томошабинлар кўплигидан хонада ҳаво етишмай қолди. Охири суҳбатдошимдан менга ётоқ топиб беришни сўрадим. Чет элликлар даҳасига боришимни маслаҳат берди, мен эса кўнмадим...

— Сенинг қизиққонлигинг ва синчковлигинг ҳадемай тугайди, — деди у. — Мушук-одамлар ҳаётини ўрганиш куч ва вақт талаб этади. Ҳақиқатан ҳам шу ерда қолишни истасанг, биронта тузукроқ жой топиб бераман. Бундай жой бор. У ерда наша йўқ.

— Муҳими, ётар жой бўлсин, қолгани арзимаган нарса, — жилмайдим мен, чет элликлар даҳасига ўтишни кейинроққа суриб.

## 14

Дўстим мени элчининг уйига жойлаштириб қўйди. Уй эгаси анча йил олдин оламдан ўтган экан. Бева кампир хорижга бориб келганидан ташқари яна бир фазилат соҳиби — нашани тановул қилмасди. Худога шукр, ўзимга яхши макон топдим. Шаҳар уйлари ички тузилишини кўриш учун деворга чиқишга уриндим. Деворга текканимни биламан, юрагим орқамга тортиб кетди: девор омонатгина қимирлаб турарди. Лойи қалбакилигидан у сочилиб кетди. Амаллаб тепага чиқиб олдим. Унинг томи йўқ эди. Ёмғир ёғганда уйдагилар нима қилишаркан? Қизиққонлигим мени шу ерда яшашга ундарди. Уй ичида, девордан бир ярим метрча нарида сўри қўйилган бўлиб, тирқишидан элчининг беваси мўралаб ўтирарди.

Кампирнинг кенг юзи ва шиддатли нигоҳидан ажабланмадим, лекин қалин упа-элиги, ёйилган оқиш сочларини кўрганимда, уни худди қовоққа ўхшатдим.

— Нарсаларингни сўри остига қўявер, шу кат сеники, пастга туша кўрма, — деди у. — Саҳарда ва қош қорайганда овқат бўлади. Яна кечикиб юрмагин. Наша

истеъмол қилмаймиз. Ижара ҳақини олдиндан тўлайсан.

Қишлоқда Қатта Чаёндан олган беш юз миллий нуфусдан тегишли қисмини унга санаб бердим. Бутун бойлигим шугина бўлиб, бу кичик уйчага мебелим бўлганда ҳам сиғмасди. Девор туйнугидан мушукларнинг кириб-чиқишлари менга унча ёқмади.

Уйни кўздан кечиришга улгурмаёқ туйнукдан кампир ва ортидан ёши кичикроқ саккиз мушукча кўринди. Улар мендан ҳайкиброқ девордан сакраб ўтишди. Бева кампир юқоридан туриб деди:

— Биз кетяпмиз, яхши қолинг. Иложим қанча, эрим вафотидан кейин бу зумрашаларни боқиш менинг елкамга тушди. На пулим, на эрим бор, саккизта махлуқни тўйғизиш ва кийинтириш лозим. Нашани биронтимиз ҳам емаймиз. Элчи эрим билан бадавлат яшардим, энди бўлса, эрталабдан кечгача бу суюқоёқлар изидан югураман.

Беванинг оғзи шалоқ экан, тезроқ жўнаб қолсин-да, ишқилиб. Мақсадимни уқиди, шекилли, у жуфтакни ростлаб қолди.

Мен хаёллар оғушига чўмдим. Ёшгина аёллар ким бўлди: элчининг қизларими ё синглисимикан? Балким канизакларидир? Ундайлар Қатта Чаёнда ҳам бор, шунинг учун мени уйига киргизмади. Сўри тагида — бева таъбири билан айтганда, саккиз «бузуқ» ни қўриқлаётган ерда — ахлатлар уюми ва қўланса ҳид анқиётганини кўриб, ҳафсалам пир бўлди. Бу уйга бекорга жойлашдим, деб ўқиндим. Лекин энди кеч, пулини тўлаб қўйдим. Ҳеч бўлмаса, пастдагиларни кузатиш имкони туғилади-ку. Уй эгаларининг бўлмаган пайтини пойлашим керак. Қаловланиб турганимда девор устида яна бева кампир кўринди.

— Тезроқ уйдан чиқиб кет! — деди у. — Ҳозирдан мўралашни бошладингми?

Мен хижолат тортганча, девордан пастга тушдим. Энди қаёққа борсам экан? Кичик Чаён билан гаплашган маъқул. Тўғри, у озгина шубҳагўй. Уни қаердан топсам экан. Ҳозир уйда йўқ, кўчадан топиш эса ғарамдан игна излаш билан баравар.

Одамлар орасидан уриниб-суриниб ўтарканман, узоқдаги уйларга кўзим тушди. Бу уйлар юқори табақа вакилларига ёки бўлмаса давлат корхоналарига тегишлига ўхшайди, негаки қолган бинолардан анча баланд-

роқ эди. Марказдан узоқлашганинг сари бинолар ғариблашиб боради — буёғи қашшоқлар бошпанаси. Буларни билгач, Мушуклар шаҳарчасида осон йўл топиб юрсанг бўлаверади.

Кутилмаганда бир тўп мушук-аёлларни оломон иргитиб юборди. Оқ юзли мушуклар тўғри мен томонга йўл олишди. Мен ўнғайсизландим. Катта Чаён билан элчининг беваси жуда хўрланган маҳаллий аёллар хоҳлаган жойда сандирақлаб юришади, дейишган эди. Енгилеёқ аёллар бўлса керак, деган тахминга бордим. Янги одам эҳтиёткорроқ бўлгани тузук. Жуфтакни ростламоқчи эдим, шу пайт Кичик Чаёнинг овозини эшитиб қолдим:

— Шаҳар билан танишишни бошлабсан-да.

Асли аёлларни қошимга у бошлаб келаётган экан. Бир лаҳзадаёқ мени қуршовга олишди.

— Биронтасини совға қилайми?— деди Кичик Чаён ҳамроҳларига қараб қўяркан.— Бу Атиргул, буниси Нашахон — лекин кайф қилувчи барглардан ҳам кучлироқ, буниси Ситорахон...

У ҳаммасининг исмини айтди, аммо дарҳол унутдим. Нашахон кўзини қисди, ўзимни йўқотиб қўйдим. У фоҳиша бўлса, обрўйим ҳақида қайғуришим, агар яхши қизлар бўлишса, хафа қилмаслик чораларини кўришим лозим. Очиғини айтганда, аёлларни унчалик хуш кўрмайман. Ўзларини бўяб-безашлари сохталик ва ёлғонликдан далолатдир. Баъзи аёллар бўянишмайди, лекин улар ҳам каттагина ёлғончи. Хуллас-калом, аёлларни узоқроқдан туриб ҳурмат қилишни афзал кўраман.

Кичик Чаён дилимдагини англади, чоғи, ҳазил-ҳузл билан қизларни ҳайдади.

— Қани энди кетинглар, биз валақлашамиз.

Қизлар хохологанча оломонга аралашиб кетишди, мен эса ҳамон қоққан қозиқдай қотиб турардим.

— Эски арбоблар канизак олишади, янгилари эса уйланишади, эски замондан тўйган, янгисидан нафратланган бугунги авлод эса на канизакни, на хотинни яхши кўради,— тушунтирди Кичик Чаён.— Яхшиси, шундоқ хурсандчилик қилганимиз афзал. Албатта, бу шаритга мослашиш, лекин ким ҳам аёлларга мослашмай туролади?

— Ҳамроҳларинг худди... га ўхшайди,— дедим қизларни қандоқ аташни билмай қийналиб.

— Хотинларнинг бари бири-бирига ўхшайди. Уларни эзиш, севиш, ҳурматини жойига қўйиш, яхши боқиш мумкин — буёғи ҳар кимнинг хоҳишига ҳавола. Аммо аёллар илло ўзгармайди. Катта бувим упа-элик суради, бувим, онам, сингилларим, жамики қизлар, ҳатто уларнинг неваралари ҳам бўяб-бежаб юришади. Хонага қама, упа-элик суради, кўчага қўйиб юбор, барибир суради.

— Яна ўз айтганингдан қолмайсан-а! — хитоб қилдим мен.

— Бу нима деганинг? Аёлларнинг ожиз жиҳатларини тан олган ҳолда, ҳурмат-эҳтиромини бажо келтирамиз. Ушаларни кўрганда эркаклар ҳар қўйга тушишади: гоҳ ёлғон гапиришади, гоҳ авлиёга, гоҳ ёввойи ҳайвонга айланишади. Аёл асли покиза, гўзал яралган, ҳусни жамоли хунук бўлса, упа-элик суради. Эркаклар ўз хунукликларини билганида борми, улар ҳам уялмай-нетмай гоҳ ҳайвонга, гоҳ авлиёга айланишни истамас, юзларига упа-элик сурган бўлардилар.

Мен у ўзининг ҳазилнамо назариясига ўзи ишонармикан, дегандай ўйланиб қолдим. Қичик Чаён гапида давом этди:

— Сен янги тонфадаги аёлларни — отам ва элчи бевасининг ашаддий душманларини кўрдинг. Отам уларни бутунлай ёмон кўрмайди, фақат ўз қизларидай сотиб юборолмагани ва канизагидай уйига қамаб қўёлмагани учун нафратланади. Уларни онамдан ё элчининг бевасидан ақллироқ деб бўлмайди. Улар дангаса, тантиқ, фаросатсиз, аммо упа-элик қўйишга келганда устаси фаранг. Бунинг устига, шўнчалик ёқимтой, латофатлики, мендай одамови ҳам хушомад қилишдан ўзини тиёлмайди.

— Нима, буларни янгича тарбиялашганми?

— Тарбиялашган дедингми? — қичқириб юборди Қичик Чаён ҳайрон бўлиб. — Бизда мактабдан ташқарида бошлаб тарбиялашади. Бобо сўкиндими — тарбия, отаси кайф қилувчи наша билан савдо қилдими — тарбия, элчининг беваси эрининг саккизта канизагини тириклайин кўмиб, адойи-тамом қилдими — тарбия, кўчадаги бадбўй зовур — тарбия. Одамларнинг бошига таёқ билан қарсиллатиб солаётган аскарлар ҳам, упа-эликни яхши биладиган аёллар ҳам «тарбия»га ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Менга тарбия ҳақида гапиришдими, бўлди, дарҳол асабийлашиб, ўнлаб кайф қилувчи барг-

ларни кавшаб ташлайман, акс ҳолда кўнглим айнийди.

— Бу ерда мактаб кўпми?

— Жудаям. Сен кўрмадингми ҳали?

— Йўқ.

— Кўриш керак. Бизда маданият муассасалари тикилиб ётибди. Уларнинг маданиятга алоқаси борми йўқми билмайману, лекин кўп,—тиржайиб қўйди. Кичик Чаён ва бирдан осмонга қаради.— Иш чатоқ, дўстим, ёмғир ёғади.

Осмонда булут сийрак бўлса-да, шамол тобора кучайиб борарди.

— Уйга кетиш пайти бўлди,— деди Кичик Чаён. Афтидан у ёмғирдан жуда қўрқарди.— Ҳаво очилиб кетганда яна шу ерда кўришамиз.

Одамлар оқими худди бўрон суриб кетгандай бир томонга чопди. Мен ҳам томи йўқ уйимга қараб югурдим. Мен шу баҳонада бутун шаҳар худди эсидан оғгандай шаҳар деворларига ўрмалаб чиқаётганини томоша қилмоқчи эдим.

Шамол баттар қутурди, осмон қоронғилашди, қипқизил чақмоқлар ергача етиб, уйлар томига теккандай бўлди гўё. Бирдан момақалди роқ қалдиради, орқасидан тухумдай-тухумдай йирик ёмғир томчилари шитирлай бошлади. Узоқда алланарса шитирлади ва ёмғир бир дақиқага тўхтади. Осмон бир оз ёришгандай бўлдию кейин бирдан шамол ғувиллади, чақмоқ чақнаб, ёмғир томчилари шовиллаб қуйилди. Осмон кўринмай кетди... Сўнг ёмғир бирдан букланиб-эгилиб қалтиради-да, ғойиб бўлди. Чақмоқ чақинидан бўлак ҳамма нарса ғойиб бўлди-қолди.

Мен бошдан-оёқ шалаббо бўлгандим. Ҳатто уйим қаердалигини мутлақо билмасдим. Қандайдир бир девор орқали қочиб, чақмоқ чақинини пойладим. Гўё осмонда баҳайбат қоп-қора махлуқнинг кўзлари порлаб тургандай туюлди, бу чақин йўлни топиб олишимга ҳалақит берарди. Э, садқаи сар, кимнинг уйи бўлса ҳам кираман, у ёғи бир гап бўлар. Деворга чиққанимдаёқ қимирлаб туришидан элчи беваси уйига тўғри келиб қолганимни сездим. Лекин худди шу сонияда ёрқин чақмоқ чақнади ва нимадир устимга тушди, девор қалтираб, қийшайиб кетди ва мен кўзларимни маҳкам юмганча аллақаяёққа, номаълум томонга ағанаб кетдим.

Ниҳоят, момақалди роқ гумбирлаши секин-аства тинди. Булар тушимдами ё ўнгимда бўлаётганини билмасдим. Кўзларимни очолмайман. Элчи уйидаги бутун тупроқ юзимга ёпишиб қолгандай эди назаримда. Ўнгим экан, мен ростдан ҳам уйғондим. Аммо на оёғимни, на қўлимни қимирлатоламан — улар тошу тупроқ билан кўмилган эди. Мени худди биров уруғ ўрнига ерга тиқиб қўйгандай ҳолатда эдим.

Қўлимни бўшатиб, кўзларимни ишқалайман. Эҳ-ҳе, элчининг уйи тупроқ уюмига айланибди-ку. Сал қаддимни кўтариб, ёрдамга чақираман. Мен ўзимнинг эмас, уй эгалари ташвишини чекардим. Тупроқ тагида қолишган бўлса-я? Ёмғир томчилаб турса-да, ҳеч ким жавоб қилмади. Мушук-одамлар сувдан қўрқибгани сабаблими, токи ҳаво очилиб кетмагунча кўриниш бермайдилар.

Мен тупроқ тагидан амаллаб чиқиб олгач, бирор жойим лат еган-емаганига эътибор бермай, жиннилардай тупроқни кавлай бошладим. Шу пайт ёмғир тўхтаб одамлар кўчага чиқишди. Мен ёрдамга чақирганим мушук-одамлар югуриб келишдию бир чеккада жимгина тураверишди. Аёлларни қутқариш кераклигини узоқ тушунтиришга тўғри келди. Мушук-одамлар яқинроқ келишди-ю, барибир тураверишди. Ялиниб-ёлвориш бефойда эканлиги эсимга тушиб, пулимни излашга тушдим. Бахтимга, у чўнтагимда турган экан.

— Кимки кавлашга ёрдам берса, биттадан миллий нуфуз олади!

Улар менга унчалик ишонишмаса-да, энди ҳовлиқиб қолишди. Тангани қўлимда ўйнатиб турардим. Бекорчилар худди ари галаларидай олға ташландилар. Ҳар бири биттадан фишт олишга уринарди, холос. Улар мени аҳмоқ қилмоқчи эди. Майли, жин чалсин ўшаларни, фақат кавлаб олишга ёрдам беришса бўлгани. Бунинг устига, уларнинг иши худди бир тўп гуручни ташиб кетаётган чумолилардай унумли бўлаётган эди. Орадан лаҳза ўтмаёқ тупроқ тагидан қандайдир овоз келди. Бу беканинг овози эди. Тупроқларни олиб ташлаб қарасам, у шундоққина тешикнинг устида ёлғизгина ўтирибди. Қолган аёллар ҳаракатсиз, сўри босиб қолганди уларни. Унга ёрдамга шошилганим, қўлларимни четга суриб ташлади.

— Тегма! Мен элчининг бевасиман. Ҳозироқ ғиштларимизни қайтариб беринглар, бўлмаса жаноби олийларига арз қиламан!

Бечоранинг кўзлари тупроққа тўлганди, бироқ очкўз юртдошлари ўрганган одатига кўра, уйини талон-тарож қилиб ғиштларни ташиб кетишаётганини англаб етганди.

Айтгандай, ғиштларни қидириш бефойда. Ҳашарчилар ҳатто тупроқни ҳам ҳовучлаб ташиб кетишган эди... «Қашшоқлик одамларни не кўйларга солмайди,— ўйладим мен.— Уйга қуп-қуруқ қайтгандан кўра, жилла бўлмаса бир ҳовуч тўпроқ билан қайтганлари афзалда!»

Элчининг беваси юз-кўзлари ва эғнидаги лойни артиб ташларкан, юзлари шилингани, чеккасида катта ғурра пайдо бўлгани, юзлари қаҳр-ғазабга тўлганини сизди. Қўққисдан у оқсоқланганча талончилардан бирига эпчиллик билан ҳақиқий мушуклардай сакраб, қулоқларини тишлаб олди. У дод солиб бақириб юборди ва қорнига муштлири билан урганча қутулишга уринди. Улар узоқ юмалашдилар. Хонимнинг кўзи ҳалок бўлган қизларидан бирига тасодифан тушди-ю, рақибини кўйиб юборди. У ўқдай отилиб, жуфтакни ростлаб қолди. Ҳашарчилар қўрқа-писа тарқалишди. Она қизининг жасадини маҳкам қучганча куйиниб-куйиниб йиғлай бошлади.

«Ие, йиғлашни ҳам биларкан-да!— дедим ичимда. Аммо юпатиб ўтирмадим, чунки ғазабга минган эди.

У тўйиб-тўйиб йиғлаб олгач, менга қараб деди:

— Ҳаммасига сен айбдорсан! Уйимни сен йиқитвординг, улар бўлса ташиб кетишди. Лекин мендан қочиб қутулолмайсизлар. Устларингдан жаноби олийларига арз қиламан, у барингизни дорга осад.

— Мен қочмоқчи эмасман, — дедим оҳиста, — аксинча, сизга ёрдам бермоқчиман.

— Сенга ишонаман, чунки чет элликсан. Мана бу ярамаслар устидан эса барибир жаноби олийларига шикоят қиламан. У буларнинг уйини тинтиб чиқсин, ақалли битта ғишт чиқса ҳам қаттиқ жазоласин. Мен элчининг бевасиман, ахир.

Хонимнинг оғзидан қон аралаш тупук сачрарди. Улай агар, хонимнинг императорга яқинлигини билмас эканман. Ақлдан озиб қолмасин, деган фикрда уни тинчита бошладим.



— Келинг, олдин уларни дафн қилайлик...

— Уларни дафн қилишни сен биласанми ҳали. Тирик бузуқилар билан овора бўлиб юрганим етар! Нима қилсанг, ўзинг қилавер.

Мен индамадим, чунки мушукларни қандай дафн қилишни билмасдим. Элчи бевасининг важоҳати даҳшатлироқ тус олди: бояги кўз ёшлари оташин алангадай қуриб қолди, кўзининг оқлари эса аллақандай ҳолатда ялтираб кетди.

— Кел, ҳеч бўлмаса, сенга арз қилайин,— дея бақирди кампир. — Мен элчининг бевасиман, наша истемол қилмайман, пулим ҳам, эрим ҳам йўқ.

Ё, товба, бева кампир ростдан ҳам ақлдан озганга ўхшайди. Энди бахтсизликнинг бош айбдори рўпарасидаги одам эканлигини эсидан чиқарган ва менга юрагини ёзаётган эди.

— Мана бу ярамасни,— дея бармоғини бигиз қилиб мурдалардан бирини кўрсатди у,— эрим олганида у ўн ёшликкина эди. Баданлари ҳали етилмаган эса-да, эрим ундан лаззат оларди. Эсимда, дастлабки ойлари қоронғи тушди дегунча, у йиғини бошлар, ота-онасини ёрдамга чақирар, қўлларимга ёпишиб, мендан кетмаслигимни сўрарди. Бироқ мен шафқатли аёл эдим, аллақаёқдаги ўн яшар ярамас қизни деб элчи билан жанжаллашишни хоҳламас эдим. Эримнинг лаззат олишига тўсқинлик қилмайман, чунки мен хотиниман. Бу галварс бўлса, хўжайин яқинлашган заҳоти овози борича болахонадор сўкина бошларди. Ҳатто у лаззат оғушига чўмиб, роҳат-фароғатга кўмилган чоғларида ҳам «Элчи-хоним, элчи хоним! Азизим, қутқаринг!» деб бақиргани-бақирган эди. Мен унга ўхшамасдим, ўз хўжамнинг роҳат-фароғатда бўлишига, ҳаёт лаззатларидан тотиб кўришига тўсқинлик қилмасдим. Иш битгандан кейин, у худди мурдадай қотиб ётарди. Эҳтимол, ўзини ўшандай кўрсатгиси келар, балки ростдан ҳам ҳушидан кетгандир— менинг бу билан сираям ишим йўқ эди. Доридармон, озиқ-овқатга тўлдириб ташлагандим, эвазига бирер марта раҳмат ҳам айтмаган. У вояга етгандан кейин шунчалар иштаҳага кириб қолдики, энди ўзи элчини ютиб юборай дерди. Эрим янги жазман топиб келганида бу ярамас энди эртадан-кечгача йиғлар, мендан ёрдам беришимни сўрарди. Мен элчининг қонуний хотини эдим-да. Магар у қиз сотиб олмас экан, ким ҳам уни ҳурмат қиларди? Шунда у қайтангга мени айб-

лаб, эримни толиқиб қолишига йўл қўяётганимни, эҳтиёт қилмаганимни юзимга солди.

Кампир оёғи остида ётган ўлик мушук бошини бир четга суриб ташлади-да, бошқасининг сочларига ёпишди.

— Бу газанда ҳам фоҳишалардан эди. Ундан фарқли ўлароқ, эрталабдан кечгача наша чекар ва эримни ҳам шунга ўргатмоқчи бўларди. Ушанда нашани истеъмол қилувчи элчини чет элга чиқаришмас эди. Эримнинг фоҳишалар билан бўлишига қарши эмасдим, лекин иш жойидан ажралиб қолишини ҳам истамасдим. Оҳ, элчининг хотини бўлиш қанчалар қийин эканлигини сен тасаввур қилолмайсан. Кундузи бу газанда кайф қилувчи кўкатларни ўғирлаб, тунда эримга бериб қўймаслигини пойлашга мажбур эдим. «Ҳа, лаънати газанда». Устига-устак, бу таннозхон қочиб кетишни доимо мўлжаллаб юрарди. Худо кўрсатмасин, элчи уйдан канизаги қочиб кетса борми, бир умрга шарманда бўлардик.

Элчи бевасининг кўзлари яна ялтираб кетди, у бошини чангаллади.

— Мана бу ярамас эса энг баттарини эди! Замонавий оймчалардан эди-да ўзиям. Элчи уйга кирар-кирмас ҳаммамизни ҳайдаб, кўпинча унигина олиб қоларди. Ха-ха-ха-ха! Қаёқда дейсан, унга эримнинг амали керак эди. Эрим канизақларни сотиб оларди, у бўлса ўз оёғи билан келганди, яна текинга. Аёллар зотини иснодга қўйди у. Эрим уни ардоқлар, ҳудди қонуний хотинидай меҳмонларга олиб борарди. Мен эримнинг қизларни сотиб олишига монельик қилмасдим, лекин бунақасини... Мен ахир, хотини эдим, оймчаннинг адабини беришим керак эди. Уч мартача ҳалиги жазманини боғлаб қўйгандим, ёмғирда қолгач, сал-пал-бўшашди, ҳовридан тушди. Эримдан уйига қўйиб юборишини илтимос қилабошлади, гўё элчи бунга алдаган эмиш...

Ҳа, элчининг хотини бўлиш жуда қийин. На кундузи, на кечқурун ҳаловат бор. Аммо эрим тез орада бошқа канизақни сотиб олди— бева кампир ўғирилиб, навбатдаги мурдани менга кўрсатди.— Унинг мен билан муносабати ёмон эмасди, ҳатто анави мегажинга қарши мен билан иттифоқ тузди. Бироқ аёлларнинг бари бир хил: эрсиз туролмайдилар. Элчи янги канизақ билан ётаркан, ўз оёғида келган ҳалиги мегажин тунбўйи уввос солиб йиғлаб чиқарди. Шунда дарҳол ёнида пайдо бўлиб: «Нима, сен қонуний хотини бўлмоқчи эдинг-

ми?» деб сўрардим.— Жаноб билан сира ажралишмай яшамоқчимидинг? Менга қара: ҳақиқий хотин эрини тўла эгаллаб олмайди, айниқса элчини. Бу сенга умр бўйи бир хотинга чидаб юрадиган аллақандай майда савдогар эмас!»

Хоним мурданинг калласидан маҳкам чангаллади-да, қарсиллатиб ерга урди, сўнг менга қараб қўйди.

— Эрим ҳаёт чоғида дам олишга вақтим бўлмасди. Қанизаклардан бирини урган, бошқасини сўккан, наригисидан хабар олган бўлиб куним ўтарди. Булар элчининг бор пулларини талон-торож қилдилар, куч-қувватини сўриб олдилар, лекин бирорта ўғил қолдиришмади. Туғишга туғишдию, аммо тирик қолмади. Биронтасида ўғил туғилиб қолдими, бўлди, қолган еттитаси у хўжайиннинг ҳурматини қозониб олмасмикан, бош канизаги бўлиб қолмасмикан, деб кечаю кундуз қулоқлари динг ётишарди. Уларга ҳавас қилмасдим, ҳалақит ҳам бермасдим. Майли, болаларини хароб қилаверишин, бу — шахсий иши. Мен элчининг қонуний хотиниман, менинг ўрним бўлакча.

Эримнинг вафотидан кейин бойлик ва ўғил ўрнига шу саккизта ярамас менга қолишди. Мен уларни қочиб кетишига ёки эрга тегиб кетишига йўл қўёлмасдим. Эрталабдан кечга қадар овозим бўғилиб қолгунча бақриб тартиб-қоидага ўргатар, ҳаёт синовларига тайёрлаб борар эдим. Аммо бирор нарса тушунишди, деб ўйлайсанми? Мутлақо! Бироқ тушкунликка тушмай ўзимнинг бу олижаноб, хайрли ишимни давом эттираверардим. Нимага умид боғлардим? Ҳеч нарсага. Фақат менинг чексиз меҳрим, эътиборим кенг жамоага ошкор бўлиши ва менга нафақа тайинлашиб, «Содиқ ва саботли хотин» деган ёзувли каттакон тахта тақдим этишларидан умидвор эдим. Бироқ афсуски... хемири ҳам беришмади. Эҳ, жаноб Ерлик, мен қадримга йиғлайман. Бояги йиғлаганларим сабаби шундан. Эътибор бергандирсан.

Бош ирғадим.

— Нимага йиғлаганимни биласанми? Сенингча, ҳаром қотган анови иблислар учунми? Ўзи шу етмай турувди. Мен ўз тақдиримга йиғладим, элчининг хотини қисмати, наша истеъмол қилмайдиган бахтиқаро, уйи қулаб кетган бечора аёл тақдирига, ўз бахтсизлигимга куйиниб йиғладим. Нимаки яратган бўлсам, ҳаммаси қулаб кетди! Мабодо жаноби олийлари ўзининг кўркам тах-

тида мени қабул қилиб: «Элчининг беваси, сенинг хизматларинг нимадан иборат?»— деб сўраб қолса, нима деб жавоб бераман. Нима, ўлган эримнинг саккизта канизагини қўриқладим, уларни ҳаром қотишига ё қочиб кетишига йўл қўймадим, дейманми? «Улар қани?»— деб савол беради. Мен фожиали равишда ҳалок бўлишганини айтиб бераман. «Жасоратингни исботловчи далилнинг борми?»— деб сўрайди яна жаноби олийлари...

Элчининг беваси бошини эгди. Мен яқинига бормоқчи эдим, яна ёпишиб қолишидан чўчидим. Тўсатдан кампир бошини кўтарди.

— Чет элга бормаган, умрида нашани оғзига олмаган, бахтиқаро элчи беваси!.. Умрида нафақа, ҳузур-ҳаловатни кўрмаган бир шўрпешона...

Кампирнинг кўзлари шамдай қотиб қолди, боши қуйи эгилди ва иккита ўлик мушук ёнига оҳиста йиқилди.

## 16

Элчи бевасининг ўлиmidан эсанкираб қолдим. Унинг ҳикоясидан Мушуклар мамлакатидаги аёллар қисмати-ни илғаб олиш қийин эмасди. Қўлларим тарихнинг мудқиш саҳифаларини варақлар, энди мен уларни ўқий олмасдим.

Чет элликлар маҳалласига беҳуда ўтмаган эканман. Яна бошпанасиз қолдим. Энди қаёққа бораман? Тупроқ тагида қолиб кетганларни кавлаб олишда ёрдам берган мушук-одамлар пул беришимни кутиб туришар эди. Улар элчининг уйидаги ғиштларни ташиб кетган бўлсалар-да, бу ваъда қилинган мукофотдан маҳрум қилмас эди. Қўлимни чўнтагимга тиқиб, ўн бешта миллий нуфуз тангасини чиқардим-да, ерга ирғитдим — ўзлари тақсимлаб олақолсин. Бошим лўқиллаб оғирди. Эҳтимол, тобим қочган бўлса керак. Хўжайинларимни қайтадан-тирилтириб бўлмайди, кампир эса қонига беланиб ётибди, кўзлари очиқ, гўё ҳозир ҳам худди эрининг канизақларини кузатаётгандай. Уларни кўмишга менда мадор йўқ эди, қўшниларга эса барибир. Мен жирканиш ва иложсизликдан дод деб юбораёздим.

Мурдалар чириб кетгунча бу ерда ўтиргим келмади. Базўр ўрнимдан турдим, маҳалла аҳлининг чет элликларга бўлган ишончини барбод қилганча оқсоқлана-оқсоқлана жўнадим. Кўча одамга тўла эди. Ёш мушук-одамлар бўр билан деворларга ёзиб юришарди. Салгина

шабада эсгач, ёзувлар аниқроқ кўрина бошлади: «Тозалик учун ҳаракат», «Ҳаммаси ювиб-тозаланган»... Бошим қаттиқ оғриб турганига қарамай, ўзимни кулгидан тияолмадим. Улар жуда эпчиллик билан ишлашарди: ёмғир шаҳарни ювиб бўлганидан кейин тозаликни жорий қилишга ҳожат бормикан? Ҳатто сассиқ зовурдаги сувлар ҳам топ-тоза бўлиб қолдику. Тозалик учун ҳаракат эмиш. Ха-ха-ха! Балки, мен эсдан оғиб қолгандирман. Шу дамда тўппончамни дарҳол чиқариб, бўлмағур шиорларни ёзганларни отиб ташлагим келди.

Кичик Чаённинг маданий муассасалар ҳақидаги ҳазилини эслаб ўша ёққа бурилдим — уларни кўриш учун эмас, балки бирорта бошпана топмоқчи эдим. Назаримда, кўчадаги уйлар бир-бирига қараб туриши керак эди, бироқ бу ерда улар орқа ўгириб турарди. Шаҳар қурилишидаги бу ғаройиб тартиб бош оғриғимни унутиб юборишга мажбур қилди. Асли тоза ҳаво ва қуёш нурини хуш кўравермайдиган мушук-одамчалар бундай қурилишга оддий ҳол, деб қарашини билардим. Уйлар орасида очиқ майдон қолмаган — хуллас, бу кўчага эмас, балки юқумли касалликлар фабрикасига ўхшаб кетарди. Бошим оғриди, юрагим ғаш бўлаверди. Мусофирликдаги касаллик азоби Хитойга қайтиб бориш имкониятидан маҳрум этарди.

Салқинроқ бир жойни топдим у ёққа. Уша ондаёқ ҳушдан кетибман. Кўзимни очганимда тоза, саранжом бир хонада ётардим. Бу менга шунчалар ғаройиб кўриндики, иссиғим баландлигидан алаҳлаяпман, деб пешонамни ушлаб кўрдим. Бироқ пешонам унча иссиқ эмасди. Баттар таажжубланиб, ухламоқчи бўлдим, чунки ўзимни беҳол сеза бошлагандим. Юмшоқ қадам товушлари эшитилганда кўзларимни сал очдим. «Э, бу кайф қилувчи баргларидан ҳам баттарроқ Нашахонку». У пешонамни ушлаб кўргач, мулойим овозда деди: — Энди анча тузуксиз.

Кўзларимни очиб юрагим дов бермади. Бу қизга нима учун кераклигимни ҳам тушуниб етмаган эдим. Шу онда хонага Кичик Чаён кириб келди. Ўзимни босиб олдим.

— Хўш, аҳволи қалай? — деб сўради дўстим.

Мен Нашахоннинг жавоб беришини кутиб ўтирмаёқ кўзимни очдим.

— Э, тузукмисан?! — хурсандчилигини яширолмади Кичик Чаён.

Синчковлигимни билдириш мақсадида дарҳол ўрнимдан турдим.

— Бу сенинг хонангми?

— Биз иккаламизники,— дея Кичик Чаён Нашахонни кўрсатди.— Мен бошиданоқ сени шу ерга жойлаштирмоқчи эдиму лекин отамдан ҳайиқдим.

У сени ўз мулки ҳисоблаб дўст бўлишимизга йўл қўймасди. Шундоқ ҳам менда чет элликларнинг одатлари кўпроқ эмиш.

— Раҳмат сизга, — дедим хонани кўздан кечири туриб.

— Эҳтимол, сен бу гўшанинг тозалигидан ҳайрон бўлаётгандирсан? Бу худди ўша отам айтган яхши чет эл одамларига мос-да.

Кичик Чаён ва Нашахон кулиб юборишди, кўнглимдан эса йигитча ростдан ҳам чет эликка ўхшайди, деган гап ўтди. Ҳатто унинг сўз бойлиги отасиникидан икки марта кўпроқ эди.

— Бу сизларнинг ўз уйлариингизми?— сўрадим ундан.

— Йўқ. Маданий муассасалардан бири. Биз уни шунчаки эгаллаб турибмиз. Аммо катта амалдорлар эгаллаб олишлари мумкин. Бу одатнинг яхши ёмонлигини ажратолмайману, ҳарқалай биз хонани покиза, тартибли сақлаймиз, акс ҳолда маданиятдан асар ҳам қолмайди-да. Хуллас, ўзинг айтганингдай, шароитга мослашяпмиз. Қани Нашахон, унга яна бояги барглардан бер-чи.

— Нима, мен уларни истеъмол қилдимми?

— Агар биз сени наша шарбати билан тўйдирмаганимизда қайтиб кўзингни очмасдинг. Бу ерда баргдан ҳамма нарса учун фойдаланишади. У ёрдам бермадими, демак, ўша одам хароб бўлади. Қайф қилувчи баргларда фақат биттагина камчилик бор: у касалларни доволайди-ю, аммо бутун мамлакатни хароб қилади!— туншунтирди Кичик Чаён ўзига хос кинояли илжайиб.

Мен шарбатдан ичгач, ростдан ҳам ўзимни бардам сеза бошладим. Энди ҳеч нарса қилгим келмасди. Бу давлат фуқаролари билан чет эллиklar алоҳида-алоҳида яшаб зўр иш қиларканлар-да. Мушуклар мамлакатининг маданий турмуш тарзи билан ҳазиллаша кўрма: яқинлашдингми, бўлди, у сени худди ёгдай ўраб олади, ёки гирдобдай комига тортади. Яхшиси, Мушуклар мамлакатига келмаслик керак, келдингми, мушукка айланиб қоласан. Камина нашани оғзимга олмоқчи

эмасдим, оқибати нима бўлди? Барибир, истеъмол қил-  
япман-ку! Шундоқ турмуш тарзи бутун Миррих сайёра-  
сини эгаллаб олган. Улар турмушида яхши жиҳатлар  
ҳам кўп бўлса-да, бироқ зулматни ёриб ўтишга ожиз-  
дирлар. Мен бир куни бу зулматни ёруғлик нурлари  
ёритишини жуда истардим. Мушук-одамларнинг ўзлари  
буни хаёлларига келтирмайдилар. Эҳтимол, Кичик Чаён  
чорасини излаётгандир. «Шахмат партияси ютқазилган,  
шунинг учун фигураларни бепарволик билан алмашти-  
риб ташлаб, ўз мағлубиятидан кулиш керак», дерди у.  
Қолган мушук-одамлар беғам, бепарво уйқуда ухлаб  
ётишарди.

Мен Кичик Чаёндан салтанатнинг сиёсати, маори-  
фи, армияси, молияси, хўжалик ва оила масалалари тўғ-  
рисида сўраб-суриштирдим...

— Сиёсат бобида кўп нарсаларга ақлим етмайди,—  
деди у. — Бу ҳақда отамдан сўраган маъқул, у мута-  
хассис. Сен айтган бошқа соҳалар менга оз-оздан та-  
ниш, лекин яхшиси, ўзинг бориб кўриб, кузатиб келган-  
дан кейин гаплашсак яхши бўлади. Маданият ҳақида  
гапиришим мумкин, чунки отам ҳамма нарсани бирдай  
кузатолмаганидан бу соҳани менга топширган. Мабодо,  
сен мактаб, музей, кутубхоналарни кўришни хоҳласанг,  
бажонидил ёрдам бераман.

Мен ўзимни кайф қилувчи ҳолатдагидай яхши се-  
зардим. Катта Чаён ва Кичик Чаён воситасида Мушук-  
лар мамлакатининг сиёсий ҳаёти ва маданияти билан  
танишишга мушарраф бўлдим. Мен бу топ-тоза хона-  
ларда қолармиканман? Ростини айтсам, Кичик Чаён  
уйини тарк этишни хоҳламасдим, ялиниб-ялпайишни  
ҳам эп кўрмасдим. Сал кутайчи, хўжайинлар нима дер-  
кин?

Кичик Чаён даставвал пойтахтда нималарни кўра-  
жагимни сўради. Мен биринчи навбатда ўз ҳаёти ҳақида  
гапириб беришини илтимос қилдим. Илжайиб қўйди. Бу  
илжайиш менга ҳам ёқимли, ҳам ёқимсиз туюлди. Аф-  
тидан, бошқа мушук-одамлардан устунлигини у аниқ  
сезар, бироқ қўлини ифлос қилишдан қўрқиб, ўзини бо-  
сиб ўтирарди. Балки, Мушуклар мамлакатада туғилга-  
нидан уялиб юрар, ўзини сассиқ алафлар орасидаги яго-  
на атиргул ҳисоблар, мен эса димоғдорликни ёқтирмас  
эдим.

— Болалигим ҳақида гапиришнинг ҳеч қизиғи йўқ,—  
сўз бошлади Кичик Чаён ёнида кўзини ундан узмаёт-

ган Нашахон ёнига ўтираркан,—Ота-онам ҳам, бобом ҳам мени жуда яхши кўришарди. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ, негаки барча боболар ўз набираларини севишади. У хаёл суриб қолди-да, бошини кўтарди, Нашахон ҳам буни такрорлади.— Айтгандай, сен билишинг лозим бўлган бир жойи бор. Аммо бу тўғрида гапириш унча ўнғай эмас: мени боққан энага фоҳиша эди. Оилаларимизда бу табиий ҳол саналади. Сен нега энди фоҳиша ёш бола билан ўралашиб юради, деб сўрарсан? Пул ишлаш учун рози бўлади-да. Бизда «Пул ҳатто шайтонни ҳам йўлдан оздиради» деб бежиз айтишмайди. Ўғил болалар учун фоҳишалар, қиз болалар учун аскарлар энг яхши тарбиячилардир. Жинс ҳақида ўсмирлигидан тасаввурга эга бўлган болалар барвақт уйланишади, эрта бола туғилади ва бу билан ўз ота-оналарини хурсанд қилишади.

Мени барча фанларга фоҳиша тарбиячимдан ташқари, бешта ўқитувчи тайёрлади. Уларнинг ҳаммаси тўнкага ўхшарди. Тарбиячилардан тўнкага ўхшамаган биттаси энагам билан қочиб кетди, қолганлари эса биринкетин бўшаб кетишди. Вояга етганимда отам мени чет элга жўнатди. Агар одам бир неча оғиз гапни чет тилда гапиролса, ҳамма нарсага ақли етади, дерди отам. Унга эса ўшандай билимли ўғил керак эди. Чет элда тўрт йил яшаган бўлсам-да, отамнинг орзуларига қарама-қарши ўлароқ, кўп нарсани била қолмадим—чет элча ғалати қилиқларни ўргандим, холос. Аммо отам мени урушмади, аввалгидай пул етказиб турди, мен эса Ситорахон, Атиргул, Нашахонлар билан кўнгилхушлик қилиб юравердим. Мен отамнинг меросхўри, маданий масалалар бўйича мухтор вакили бўлсам-да, аслини олганда бор-йўғи бир текинхўр эдим... Ёмон ишларга қўл урмайман, лекин яхши ишлар қилишга ҳам қудратим етмайди. Шароитга мослашаман. Бу нарса менга жуда ёқади,— деб кулиб қўйди Кичик Чаён, Нашахон ҳам унга қўшилиб кулди.

— Нашахон менинг дўстим,— давом этди Кичик Чаён савол беришимнинг олдини олиб,— хотинимдан ташқари, бирга яшайдиган дўстим. Бу ҳам чет элдан орттириб келган қилиқларимдан бири. Энагам олти ёшимдаёқ анча нарсага ўргатган, ўн икки ёшимда уйланганимда эса мен деярли ҳамма нарсани тушунганман. Хотинимнинг қўлидан ҳамма иш келади, айниқса туғишни яхши билади. Отам таъбири билан айтганда,



жуда аломат хотин. Менга Нашахон жуда ёқади. Отамнинг ўн иккита канизаги бор, шунинг учун ҳам бу қизни канизак қилиб олишимни буюрди. Лекин ўзи уни хуш кўрмайди. Нашахон билан яшашим ёшларимизга кучли таъсир қилади. Ўзинг биласанки, бизда эркак билан аёлнинг муомаласи фақат бузуқлик билан ўлчанади. Шу нарса ни деб уйланишади, ўйнаш орттиришади, фоҳишахоналарга боришади... Жамиятимизда биринчи ўринда кайф қилувчи барглар— наша турса, иккинчи ўринда бузуқлик туради. Ёшларга намуна бўлганимдан бери ҳаммаси хотинидан бўлак ўйнаш орттирди. Кексаларнинг эса мени кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Сабаби шуки, хотин ва ўйнашдан болалар туғилади. Чет элликлар одатига кўра, ўйнашлар учун алоҳида уй-жой қилиб бериш, пул сарфлаш керак. Агар пул етмай қолса, шу масалада ота-оналар билан жанжаллашишга тўғри келади-да. Хуллас, Нашахон иккаламиз каттагина «жиноятчи»ларга айланганмиз.

— Оиламг билан алоқани бутунлай узолмайсанми?— сўрадим мен.

— Нималар деяпсан! Пулимиз йўқ. Эркин алоқа— чет элликлар одати, лекин кексалардан пул сўрашдек миллий одатимизни инкор этаолмаймиз. Мабодо бу одатларни яраштира олмасак мослашишнинг иложи бўлмайди.

— Нега унда кексалар сизларни ўйнашларидан айирмайдилар?

— Улар нима ҳам қилолардилар? Ахир, ўзлари аёллар фақат бирга ётиш учунгина асқотади, деб ўйнаш тутадилар, шунинг учун ҳам эркин никоҳ билан курашишлари қийин. На улар, на бизнинг қўлимиздан ҳеч вақо келмайди. Кексалар ўйнашни, ёшлар эркинлигини талаб қилишади. Сиртдан қараганда фикрлар, нуқтаи-назарлар кураши кетаётгандай, аслида эса жамиятда хоҳлаган аёлинг билан яшаш учун кураш кетмоқда. Иккала ҳолатда ҳам никоҳсиз беҳисоб мушукчалар туғилади, уларни эса боқадиган ва тарбиялайдиган мард топилмайди. Боболаримиз ҳам, оталаримиз ҳам шундай қилишган, биз ҳам шундай қиляпмиз. Дунёда боқиш, тарбиялашдан кўра оғирроқ иш йўқ экан.

— Аёлларнинг ўзи бундай аҳволга қандай дош беради?

— Сен тушунтир, Нашахон. Ахир, аёлсан-ку!— илтимос қилди Кичик Чаён қиздан.

— Мен-а? Мен сени яхши кўраман, тамом вассалом, бундан бўлак айтадиган гапим йўқ. Агар фақат туғиш-нигина биладиган хотинингни олдига қайтмоқчи бўлсанг, марҳамат, боравер. Мабодо яхши кўрмаганингни билиб қолсам, қирқта кайф берувчи баргдан ейману ўзимни адоий тамом қиламан...

На мен, на Қичик Чаён ҳеч нарса демаган бўлсак-да, хона ўз-ўзидан ихтиёримда қолаверди. Эртаси кундан бошлаб тадқиқот ишимни бошладим. Аниқ бир режа йўқ эди: шунчаки кўчаларни кезиб юриб атрофни кузатардим.

Кўча охирида болалар кўринмас, уларнинг бари биз яшайдиган маданий муассасалар атрофида тўпланишар эди. Мушук одамлар ёш авлодни ўйлаб мактаблар қуришибди, тарбия ишлари билан шуғулланишибди, деб қувониб кетдим.

Мушук болалари дунёдаги энг шўх, ўйинқароқ жониворлардир. Улар кир-чир (шунчалик кир-чирки, уни баён этишнинг сира иложи йўқ), озгин, сассиқ, хунук юзига ҳуснбузар тошган, хушчақчақ болалар эди. Бир болапақирни кўрдим — бечоранинг башараси сопол кўзадай шишиб кетибди, оғзи ёрилавериб ёпилмай қолибди, юзлари қонга беланиб ётибди-ю, у бўлса бошқалар қатори кулади, ирғишлайди. Унинг аҳволини кўриб, бояги кайфиятимдан асар қолмади. Мен бундай боланинг дуруст оилада яшаши ёки мактабда яхши ўқишини тасаввур қилолмасдим. Нодонлар жамиятигига ифлос кийинган, майиб-мажруҳ, бурни бўлмаса-да, илжайиб турадиган лоқайд болаларни дунёга келтиради. Катталарнинг касри ва жазоси бу! Бу болалар улғайганида мамлакат янаям ифлосроқ, сассиқроқ, ҳам хунуқроқ ҳолга келиб қолади. Мен мушуклар мамлакати бошида ваҳима солиб турган худонинг ғазабини туйгандай бўлдим. Кўп хотинлилик, эркин алоқа, бузуқилик авжига минган, келажак ҳақида ўйламайдиган беғамлар, бепарво одамлар...

Шундай бўлса-да, ҳукм чиқаришга шошилмасдан, болалар ортидан мактабга жўнадим. У атрофи девор билан ўралган, бўш ётган каттагина майдончада жойлашган эди. Дарвозадан ичкарига кириб кетган болаларни кузата бошладим. Уқувчилар ерда эмалашар, деворларга тирмашар, расм чизишар эди. Нега муаллимлар кўринмайди? Ниҳоят узоқдан худди скелетга ўхшаган ориқ учта одам кўринди. Улар худди туғилган-

дан бери тўйиб овқат емаган одамларни эслатарди. Муаллимлар деворни ушлашиб келишар, шамол ҳар гал эсганида тўхтаб узоқ титраб туришарди. Дарвозага судралиб етишганда, талабалар шовқин-сурон солиш ва бемаъниликлардан тўхташмади. Нафасини ростлаган устозлар энди кўзларини юмиб, қулоқларини беркитиб олишди, болаларнинг шовқини баттар авжига чиққан эди. Улар болаларни ўтиришга ундашди, бироқ шогирд-баччалар бунга қанийди кўникишса?! Бир соатлик қийноқдан кейин муаллимлар: «Ташқарида чет эллик меҳмонларимиз бор» деб бақаришганди, болалар тинчиб қолишди.

Муаллимлардан бири сўз бошлади:

— Келинлар, биринчи навбатда Давлат мадҳиясини куйлаймиз.

Ҳеч кимдан нидо чиқмади. Болалар анқайиб қолишган эди.

— Келинлар, унда императорни шарафлаймиз!

Болалар боягидай жим ўтираверишди.

— Худоларга сиғинамиз!

Талабалар бирпас жим тургач, бир-бирини итариб, бақариб-чақариб сўқина бошладилар.

— Чет эллик меҳмон ташриф буюрган, ахир,— деди бошқа бир муаллим.

Болалар энди жимиб қолдилар.

— Сизлар билан директор гаплашмоқчи!— деб эълон қилди у.

Директор ўртага чиқди-да, эгилган бошларга узоқ разм солиб гап бошлади:

— Азиз ўқувчилар! Сизлар учун бугун тантанали, қувончли кун, сизлар институтни битиряпсизлар...

Эсим оғиб қолишига сал қолди. Қанақасига? Ҳали бу маскан институту, манови мишиқилар уни тугатишдими? Наҳотки булар чин бўлса?! Қани, ҳиссиётларга эрк бермай, гапга қулоқ солайлик-чи.

— Сизлар олий ўқув юртини тамомляпсизлар,— давом этди директор.— Бу куннинг қандай эса қоларли дақиқалар эканлигини унутманг. Сизлар барча билимларни ўрганиб олдиларинг. Энди давлатимизнинг энг муҳим ишлари сизнинг елкангизда бўлади. Бу буюк шараф, ўртоқлар!— директор узоқ вақт қаттиқ эснадди.— Гапим тамом.

Ўқувчилар гулдурос қарсақлар чалдилар, «студентлар» эса шовқин кўтаришди:

— Ана, чет эллик! Ана, чет эллик!

Ҳамма жимиб қолди.

Кейин ўқувчиларга сўз беришди.

Улар бир-бирига навбат бермай узоқ тортишдилар. Охири, озғин бир одам саҳнага чиқди. Дарҳол сездимки, авзойи бузуқ, чунки кўзлари бурчагида иккита каттакон ёш томчиси осилиб турарди.

— Уртоқлар, — деди ғамгин овозда у. — Бугун сизлар институтни тамомлайсизлар. Бу тантанали сонияларнинг қадрига етинглар, — унинг кўзидан ёш томчиси думалади. Билсангиз, мамлакатдаги барча ўқув юртлари — олийдир, ана шуниси диққатга сазовор ва ибратлидир! Директор ва муаллимлар тарафидан кўрсатилган меҳроқибатни ҳеч унутманглар. Сизларга устозлик қилиш биз учун катта фахр, шараф! Бироқ, алам қиладиган жойи шундаки, кеча кечқурун хотиним очликдан вафот этди, бу кўргилик... — У ўзини йўқотиб қўйди, ниҳоят ҳисларини жиловлаб олди: — Илтимосим шуки, устозларингни унутманглар, қўлингиздан келганича уларга ёрдам беринглар, дейлик пул ёки кайф қилувчи барглардан юбориб туринглар. Эҳтимол, бизнинг йигирма беш йилдан бери маош олмаслигимиздан хабарингиз бордир, шогирдларим.

— Ҳозир дипломларни тарқатамиз, дея кимдир эълон қилди.

Директор девор тагидан алланарсаларнинг тасвири туширилган бир тўп тош тахталарни олди (унинг нимадигини, аниқ кўролмадим) ва ҳалигиларнинг ёнига қўйиб деди:

— Ҳаммангиз биринчи ўринни эгалладингиз, бунинг учун фахрланишингиз мумкин. Қани, яқинроқ келиб хоҳлаган дипломингизни олинг. Уларнинг ҳаммаси деярли бир хил, чунки ҳаммаларинг биринчи ўринни олгансизлар... Уртоқлар, шундай қилиб тантанали йиғилишни ёпиқ деб эълон қиламиз.

Муаллимлар ўринларидан туриб, директор ортидан судралдилар. Талабалар бўлса дипломга парво қилмай, яна деворга тирмашиб, бақариш-чақаришга берилиб кетдилар.

«Бу қандай аҳмоқгарчилик» ўйладим мен ва бу нарсаларини англаб олиш учун Қичик Чаённиқига жўнадим. Бахтга қарши, уйда йўқ экан, қайтиб келиб кузатишни давом эттирдим.

Мен ҳозиргина шоҳиди бўлганим «институт» рўпара-

сида ўн беш- ўн олти яшар ўсмир йиғилган бошқа бир ўқув юрти ҳам бор экан. Қарасам, йигитлар аллакимни ерга босиб туриб, афтидан операция қилишга уринишар эди. Шунинг ёнгинасида бир тўп бола икки кишини боғлаб ташлашибди. Биология бўйича семинар ўтказаетган бўлишса керак-да. Бундай тажрибалар менга оғир кўринса-да, уни охиригача томоша қилмоқчи бўлдим. Бу орада боғланганларни девор тарафга итариб ташлашди, операция қилаётган кишининг қўлини эса кесиб олиб, осмонга иргитишди.

— Энди кўрамиз, бу ҳаром газанда қандоқ қилиб бизга раҳбарлик қиларкан!— бақиришди улар:— Сен бизни ўқишимизни хоҳлаганмидинг? Қизларга тегмасликни буюрганмидинг? Жамият чириб бўлди, сен бўлсанг бизни ўқишга мажбур қиласан, ҳатто мактабда жуфтлашишимизга гов бўласан. Бу ярамаснинг юрагини суғуриб олиш керак!

Ҳукм ижро этилди. Зум ўтмай, осмонга қип-қизил аллаёрсани отиб юборишди.

— Ҳалиги иккаласини боғладингларми? Буёққа олиб келинглар,— деди раҳбар йигит.

— Директорними ёки тарихчиними?

— Директорни!

Даҳшатдан донг қотиб қолдим. Улар муаллимларини сўйишаётган эди. Эҳтимол, бу муаллимлар ҳурматга арзимасдир, лекин мен ўқувчиларнинг ўз «устоз»ларидан даҳшатли суратда қасос олишганини сира кўрмаган эдим. О, нақадар даҳшат! Бундай беқийёс ўзбошимчаликни кўргач чидаб туролмай тўппончамни чиқардим-да, тепкини босдим, Мушук одамларга биргина бақиришимнинг ўзиям етиб ортар экан. Тумтарақай қоча бошлашди. Емғирдан ивиб қолган деворлар қочаетганлар сиқувига дош беролмай йиқилар ва муаллимлар билан уларнинг қотилларини босиб қоларди. Мен эсанкираб қолдим. Балким директор шундай ўлимга лойиқдир, негаки деворга аллақандай гўнгни суртибди — мактаб қурилишига ажратилган маблағни еб юборган бўлса керак-да. Босиб қолганларни тортиб олишга шошилиш лозим. Мен ахлатни тозалашга киришиб, тезда кўпларни кавлаб олдим. Талабалар мендан ажалдан қочгандай қочиб кетишар, ҳатто устларидаги чангчунгни тозалашга ҳам эринишар эди. Оғир жароҳат олганларни кўрмадим. Мен енгилгина нафас оларканман, бу ғаройиб саргузаштдан ҳамон ўзимга келолмасдим.

Ахийри, директор ва омон қолган бир муаллимни кавлаб топдим, чунки боғлоқлик бўлгани учун қочиб кета олишмабди. Уларни бир чеккага тортиб олиб боргач, яна биронтаси қолганмикан, деб лой-тупроқни оёқларим билан титкилай бошладим. Бошқа ҳеч ким учрамади. Мен боғланганларни ечиш учун ёнларига бордим. Қарангки, ҳеч қандай дори-дармонсиз — барибир, менда улар йўқ эди — ҳушларига келишиб, даҳшатдан кўзлари катталашганча атрофга аланглаб ўтиришибди. Мен илжайиб ўзимни қизиқтирган саволлардан бирини бердим:

— Қайсингиз директорсиз?

Улар ҳадиксираб бир-бирини кўрсатишди. «Эс-ҳушини еб қўйишибди», деб ўйладим ичимда.

Сўнг оҳиста ўринларидан туриб бошларини ирғашди-да, бирдан худди бир-бирини қуваётган иккита ниначидай чопа кетишди. Оёқларини ёзмоқчи бўлишгандир, деб ўйлабман, йўқ аллақачон жуфтакни ростлашибди. Мушук-одамлар билан чопишда баҳслаша кўрманг, бу бемаъниликдир. Мен уф тортиб ерга ўтирдим.

Мана, гап қаёқда экан! Ҳушига келар-келмасданоқ кўрққанидан юраклари дир-дир титрагани ва мени ҳам директорни ўлдирмоқчи бўлганлардан гумон қилганларини кўриб беихтиёр хохоладим. Мен уларга эмас, балки мушук-одамлар яшаётган жамият устидан кулаётган эдим. Ҳар қадамда шубҳа, кўрқув, қабиҳлик ва зулмкорлик ҳукмрон эди. На бир-бирига ишонч, на меҳроқибат бор эди бу одамларда! Модомики, ўқувчилар директорини сўйишаётган экан... Мен уларни ўлимдан сақлаб қолганимни наҳотки кўришмаган. Элчининг беваси ва эрининг канизакларини эсладим. Балким улар ҳозиргача ҳам у ерда чириб ётишгандир? Директор, тарбиячилар, муаллимлар, элчининг беваси, суюқ оёқ канизаклар... Оҳ, бошларим ёрилиб кетай деди. Яхши одамлар қани? Бу жамиятда нималар содир бўляпти ўзи?!

Йиғлаб юборишдан ўзимни зўрға тийдим. Саволларимга жавоб топиш учун яна Кичик Чаённикига югурдим.

Кичик Чаён менга мамлакат тарихини батафсил ҳикоя қилиб берди:

— Мушуклар давлати жуда қадимий. Миррихдаги бошқа давлатларда ёввойи халқлар яшаётган пайтда у маориф соҳасини яхши йўлга қўйган эди. Бугун сен кўрган ўқув муассасаларини биз Ғарб давлатларидан ўрганганмиз. Бу тақлид қилиш зарарли экан, деган гап эмас: аксинча у тараққиётнинг муҳим омилларидандир. У ким олдиндаю, ким орқада қолаётганини белгилаб боради. Бизнинг усулимизни бошқалар ўзига қўлланма қилиб олмади; биз бўлсак икки юз йилдирки тақлид қилиб келамиз. Мабодо биз тўғри тақлид қилганимизда эди, аллақачонлар бошқа давлатлар билан тенглашиб олган бўлардик, бироқ биз тақлид қилишни ҳам жойига қўёлмадик. Шу боисдан биздаги ишларнинг аксари аҳмоқчиликдан иборат. Ўзимизникини йўқотдик, бошқаларникини эса ўрганолмадик... Ҳа, мен ишончсиз одамман ва Ватанимни кучсиз, деб ҳисоблайман. Ҳозирги маорифга умид боғлаш қанчалик бемаъни туюлмасин, уни қайтадан қуриш ҳам шунчалик кулгилидир. Нега болаларимиз институтларда ўқишяпти, деб сўраяпсанми? Сен жуда содда, тўғрироғи узоқни кўролмайдиган одамсан. Бу болалар мутлақо ўқишмаган, балки бугун биринчи марта келишган, холос. Масхарабозлик қилар эканмизми, демак уни охиригача қилиш керак — буни биз боплаймиз. Сўнги икки юз йилдаги маорифимиз тарихи нуқул латифалар тарихидир. Ҳозир биз энг охириги саҳифага етиб келдик ва энди биронта донишманд олдинги латифалардан кулгилироғини топишга қодир эмас. Маорифимизда янги таълим усули эндигина жорий қилинганда, мактабларда турли хил синфлар бўлар, ўқувчиларни билим даражасига қараб баҳолашар эди. Лекин негадир имтиҳонлар аста-секин бекор қилинди (бу қолоқлик белгиси экан) ва ўқувчи энди мактабга қатнамасдан ҳам уни битирадиган бўлди.

Бошланғич мактабни ва дорилфунунни битирувчилар нотенг имтиёзларга эга эканлиги ёш ўқувчилар норозиллигига сабаб бўларди: «Ахир, биз мактабга студентлардан кам қатнамаймиз-ку» дейишарди улар. Шунда тубдан ислоҳот ўтказилиб, мактабга қадам қўйган кун бир вақтнинг ўзида дорилфунунни тугаллаган кун деб ҳисобланадиган бўлди. Кейин эса... Кечиринг, қанақасига «кейин» бўларкан?

Мушуклар давлати учун ислоҳот жуда ажойиб натижалар берди. Ҳисоботларга кўра, мамлакатимиз олий маълумотли кишилар сони бўйича Миррихда дарҳол

биринчи ўринни ишғол этди. Биз гарчи ғурурланиб кетмасак-да, лекин жуда хурсанд бўлдик: мушук-одамлар фақат фактларнигина тан олишади. Олий маълумотлилар ҳаммадан ҳам бизда кўплигидан мамнунона илжайиб кўйдик. Император ислоҳотдан хурсанд эди, бу унинг ўз халқига, таълим соҳасига ҳурмати белгиси эди. Муаллимларнинг ҳам кайфи чоғ эди. Кутилмаганда дорилфунун ўқитувчисига айланишди, барча билим юртлари олий даргоҳ номини олди, барча ўқувчилар илғор бўлишди. Ота-оналарнинг шодлигини кўрмайсизми? Дорилфунунларни тугатган етти ёшли мишиқиларига қараб кўнгли қувончга тўлди, ахир бундай болалар ота-оналарнинг фахри-да. Ўқувчилар ҳақида гапирмай кўяқолай—Мушуклар мамлакатида туғилганлари учун улар беҳад бахтиёр эдилар. Фақат етти ёшга етмай ўлиб-нетиб қолишмаса бўлгани, олий маълумот ўшанда нақд ёзилади.

Маориф ислоҳоти иқтисодий соҳаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Илгари таълим соҳасига император ҳар йили каттагина маблағ ажратар, шундай бўлса-да, илмли олимлар кўп ҳолларда саройга қарши чиқардилар. Энди ишлар бутунлай ўзгача тус олди: император битта танга ҳам сарфламас, олий маълумотли одамлар сони тобора ортиб борар, бироқ уларнинг биронтаси Ҳазрат Олийларига қарши чиқишни ҳаёлларига келтирмас эдилар. Тўғри, муаллимларнинг кўпчилиги очликдан ҳалок бўлишди, бироқ бу арзимаган қонли тўқнашув эди. Илгари ўқитувчилар маош масаласида бир-бирига ғайирлик қилишар, ҳар йили айрим ўртоқларидан ажралишар ва студентларни қўзғолонга даъват этишар эди. Шунда император рақибликка даъвогарлар маошини бердирмай кўйди. Ҳазрати Олийлари норозиликларга парво қилмасдан ҳакамлик қилиш учун аскарларини юборди. Авваллари студентлар ўқитувчиларни ҳимоя қилишса, эндиликда ўқувчилар тўхтовсиз ўзгариб тургани учун ҳеч кимга ёрдам бермас эдилар. Ўқитувчилар учун очликдан ўлишни кутишдан ўзга чора қолмади, бу ўлим олижаноб ўлим бўлиб, унга Император қарши эмас эди.

Маош масаласи ҳам осонликча ҳал бўлди. Энди ота-оналар фарзандларига озгина егулик бериб мактабга юборсалар бўлди. Ўша егулик уйида бўлса яхши, агарда бўлмаса, бола оч қолади. Мактабдами, уйдами — барибир эмасми. Ҳеч бўлмаганда фарзанди олий маъ-



лумотли бўлиб қолади-ку. Китоб ва ёзув-чизув асбоблари учун пул сарфлашга ҳам ҳожат қолмади, чунки мактабга ўқиш учун эмас, диплом олгани боришади. Хўш, ўзинг айт-чи, бу буюк ислоҳот эмасми?

Сен одамлар нима сабабдан директор ёки тарбиячи бўлишга кўнмаяптилар, деб сўраясанми? Бу икки асрлик тарихий эволюция билан боғлиқ. Аввал мактабларда предметлар ҳар хил бўлиб, мактабдан чиққан мутахассислар савияси фарқ қиларди. Кимдир саноатни, кимдир савдо соҳасини, кимдир қишлоқ хўжалигини ўрганар эди. Бироқ ўқиш тугагач нима билан машғул бўлишади? Техникани ўрганганлар учун биз замонавий саноатни ташкил қилолмадик. Савдони битирганлар дўкандорлик қилиши мумкин эди, аммо сал йирикроқ иш бошлаши биланоқ уларни ҳарбийлар хонавайрон қилишди. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари фақат кайф қилувчи наша ўстиришади, холос. Хуллас, мактаб ҳаёт билан мутлақо боғланмаган бўлиб, битирганларга фақат иккита йўл қолди: амалдор ёки ўқитувчи бўлади. Амалдор бўлиш учун пулинг ёки танишларинг бўлиши керак, агар девонхонада бўлса, яна дуруст, шунда сен бир ирғиб юқори поғонага чиқиб кетасан. Кўпчилик ўқитувчиликни танлайди, чунки маълумотли кишилар ҳунарманд ё дўкандор бўлишни хоҳлашмайди.

Шундай қилиб, жамият дипломи борлар ва дипломи йўқлар табақасига бўлинди. Биринчи табақа амалдорликка ёки ўқитувчиликка интилса, иккинчиси оддий, жўнлигича қолаверади. Бунинг сиёсатга қанчалик таъсир қилганини ҳозирча гапириб ўтирмайману, бироқ таълим тизими сеҳрли доирага айланиб қолганди. Масалан, мен мактабни битириб, сенинг болаларингни ўқитаман, сенинг болаларинг эса мактабни тугатиб менинг набираларимни ўқита бошлайди... Ҳамма вақт нуқул бир нарсани ўқитишгани сабаб ўқитувчилар аллақачон мартабаларини эгаллашган, қолган битирувчилар эса... ўқитувчилик қилишаверган. Бунча мактабни қаердан топасизлар дейсанми? Яна латифа-ку! Таълим жараёни бир неча намунали ўқув дарсликларига асослангани сабабли ахлоқий тарбия масалаларига эътибор берилмайди. Олийжаноблик ва ғамхўрлик тушунчаси ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли ўқитувчилик ўрни учун ҳақиқий жанг бўлади: қон тўкилади, одамлар ўлади, аксига олиб буни илм олишга интилиш кучлилигидан, деб тушунтирадилар.

Орадан кўп ўтмай император, сиёсатчилар ва ҳарбийлар ўқитувчиларнинг маошини ўзлаштириб олдилар. Шунда ўқитувчилар оч қолмаслик учун тиланчилик қилишгача бордилар, демакки, ўз ишига қизиқмай қўйдилар. Уқувчилар бу аҳволни ўз фойдаларига дарҳол ҳал этиб, дарсга бормай қўйдилар ва ҳозиргина айтганим— ўқимасдан мактабни тугатиш ҳаракатини бошлаб юбордилар. Император, сиёсатчилар ва ҳарбийлар бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаб, ҳатто таълим-тарбия учун ажратиладиган маблағни бутунлай тўхтатиб қўйдилар. Негаки, улар аллақачон ўқитувчилар мутлақо керак эмас, деган қарорга келган эдилар. Лекин чет элликларнинг масхара қилиб кулишларидан чўчиб, мактабларни бутунлай ёпиб қўймадилар ва дорилфунунни бир кунда тугатиш ҳақида қарор чиқардилар. Шу тариқа, даврий таълим умумжамоат таълимига, тўғрироғи, таълимсизлик ва саводсизликка айланди! Мактаблар бояғидай очиқ эди-ю, лекин юқоридан бир тийин маблағ сарфланмас эди.

Бу ҳаракат авж олган дамларда ўқитувчиларнинг фанга бўлган қизиқишлари сўнмади: улар кечаю кундуз мактаб мулки учун жон олиб, жон бердилар. Масалан, парта, стол-стуллар учун. Мактабни маблағ билан таъминлаш тўхтатиб қўйилгач, директор ва ўқитувчилар бу буюмларни яширинча сотиб юборишга киришдилар.. Яна қонли тўқнашувлар бошланиб кетди. Бироқ император инсонпарвар эди, у ўзи хароб қилган ўқитувчиларга стол-стулларни сотишига тўсқинлик қилмади. Мактаблар секин-аста бозорга, кейинроқ эса деворлар билан ўралган бўш майдонга айланди қолди.

Директор билан ўқитувчиларнинг қаёқдан кўпайиб қолганини энди тушунгандирсан. Ахир, борадиган аниқ жойнинг бўлмагач, хизмат қилмай нима ҳам қилардинг? Бунинг устига, тарбиячилик унвони фахрли: студент ҳаш-паш дегунча ўқитувчига айланади, ўқитувчи эса директорга. Хизмат поғоналаридан кўтарилиш хаёлий имкони яна шундай тахлитда давом этади. Уқитувчиларга маош тўланмайди, лекин баъзида улар амалдор бўлиб қолиши мумкин, бу эса ҳазил гап эмас.

Мактабда ҳеч нарса ўқитилмас экан, унда ўқиш-ёзишни қандай ўрганишади, дейсанми? Бунинг учун эски замонлардаги каби хусусий муаллимни чақиришга тўғри келади. Албата бу бойларнинг қўлидан келади. Бо-

лаъларнинг аскарияти эса мактабларга қатнашга мажбур.

Илгарилар мактаб баъзи нарсаларни ўргатарди. Фан бетўхтов олға силжияпти, бироқ янги фан бизга етиб келгунча қариб, моғор босиб қолмоқда. Биз гўё бошқа гўштдан бир парчасини кесиб олиб, ўзимизга ёпиштириб олганмизу, лекин уни ўсиб, битиб кетишини асло ўйламаймиз. Сон-саноксиз маълумотларни кўр-кўрона ёдласакда мустақил фикрлай олмасдик, худди ана шу нарса таълимнинг даврий бўлишига олиб келди. Бу фаннинг гуркираган даври эди, гўё бошида бундай ишонч ишонч кечирарли эди. Айни кунларда мактаблар фақат директор бўлиб сайланиш, ҳали кўрганинг — ўқитувчиларни савалаш ва шовқин-суронли жанжалгоҳга айланган. Хуллас, фанни олқишлаш ўрнига биз энди уни ерга уришга, камситишга ўтдик.

Янги билимларни уй шароитида олишнинг иложи йўқ; хусусий ўқитувчилар ҳозир ўн баробар қимматлашиб кетган кўҳна тош китобларнигина ёд олишга ўргатадилар. Бир вақтлар бобом миллий руҳ, миллий анъаналаримиз хорижий одатлар ва океан орти фанларини ортда қолдирди, деб боши осмонга етарди. Отам ҳам хурсанд эди, лекин бунинг сабаби бўлакча — у мени чет элдан турли хил янгиликларни ўрганиб, қадимий тош китоб эгаларини алдашда унга ёрдам беришим учун жўрттага юборганди. Айёр одам эмасми, фақат чет эл таълимини олган кишиларгина мамлакат гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшажагини у яхши тушунади. Бироқ кўпгина юртдошларимиз бобомдек ўйлашади, гўёки янги фанлар — шайтон ҳийлалари, улар одамларнинг бошини айлантиради, ёшларни ота-оналарига, ўқитувчиларига қарши қўяди. Аммо мен биламанки, фанни инкор этиш мамлакатни ҳалокатга судрайди.

Сен таълим тизимининг ҳалокати қандай юз берди, деб сўраяпсанми? Аниқ билмайману, лекин бу ахлоқий покликнинг йўқолишидан бўлса ажаб эмас. Бизда янги фанлар пайдо бўлгач, ундан авлодларимизга мерос қолувчи ҳақиқатни билиш учун эмас, балки фойда кўриш, турли қимматбаҳо ўйинчоқлар ясаш учун фойдалана бошладилар. Бу тарбиянинг энг асосий негизини — тарбиячилару шахснинг шаклланишини сусайтирди, мустақил фикрлаш кўникмасини барбод қилди. Янги мактабларда бундай тоифадаги одамлар анқонинг уруғи эди: директор ва муаллимлар бир-бири билан пул устида

жанжаллашар, ўқувчилар ҳам шунга тайёргарлик кўришар, гапнинг қисқаси мактабда ҳамма нарсанинг савдоси бўларди-ю, тарбия билан ҳеч ким шуғулланмас эди. На императорда, на сиёсатчиларда, табиийки, халқда ҳам изчиллик етишмас, мамлакат анча қашшоқлашиб қолган эди. Одамлар тўйиб овқат еяолмайдиган мамлакатнинг инсонийлик қиёфаси йўқолади-да. Бироқ бу тарбиячиларни асло оқламайди. Улар мамлакатни фақат билим ва юқори ахлоқ билангина сақлаб қолиш мумкинлигини англаб етиши, директор ва муаллимликка рози бўлгандан кейин майда-чуйда фойдаларни кўзлашдан воз кечишлари лозим. Эҳтимол, булар жуда ошиқча талаблардир. Аммо очигини айтсам, барча одамлар—фоҳишадан то муаллимгача негадир очликдан ҳалок бўлишдан қўрқишади. Балким уларга таъна қилишга ҳаққим йўқдир. Бироқ шундай аёллар борки, ўлса-ўладики, ўз танасини сотмайди. Унда ватандошларим, тарбия билан шуғулланувчи одамлар нима учун тишини тишига босиб инсоний ғурурини сақлаб қолишини эп кўрмайдилар.

Ҳукумат виждонли одамларни доимо хафа қилади, улар қанчалик виждонли, ҳалол бўлишса, шунчалик кўп қийналишади. Бироқ энг ёмон ҳукумат ҳам халқ билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ. Агар тарбиячилар шундай инсонларни тарбиялашганда эди, жамият эртами-кечми уларнинг меҳнатига тасаннолар айтар, тўғри баҳо берган бўларди. Уша одамлар мамлакатга фойда келтирганида, илмни хўрлаб, унга маблағ бермаётган ҳукумат ҳам бир оз ўйлаб иш қилган бўлармиди?!

Бизда мамлакат зулмат, қоронғулик қўйнида, деб дамба-дам гапиришади. Илм нурини зиёли киши олиб келади-да. Агар улар масъулиятни ҳис қилмаса, қоронғи тун қўйнида порлагувчи юлдузлар бўлишмаса, унда умидимиз кимдан? Нуқтаи-назарим хаёлийроқ, аммо барибир инсон орзу-умидсиз яшай олмайди. Зиёлиларга на ҳукумат, на жамият ёрдам беришни хоҳлайди—буниси аниқ, лекин қора халққа ҳам ҳеч ким ёрдам бераётгани йўқ.

Уқитувчиларни сўйишганини кўрдингми? Ҳайрон бўлишга ҳожат йўқ, бу тарбиянинг аччиқ меваси. Тарбиячи золим бўлса ўқувчилар ҳам золим бўлади, улар айниб, ибтидоий жамоа тузумидаги ҳолатга тушиб қолишади. Инсоният тараққиёти секин кечади, жаҳолат дегани эса бир зумда юз беради. Инсонпарварлигинини

унутдингми, бўлди, сен ваҳшийсан. Билсанг, «янги» мактаблар пайдо бўлганига икки юз йилдан ошди. Ушанда буён кунига директорлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида муштлашиш давом этмоқда. Қалтаклаш ёввойилашишга ёрдам беради, шунинг учун бир неча директор ва тарбиячининг ўлдирилиши оддий воқеага айланиб қолган. Уларга ачинмай кўяқол: ҳадемай ўқувчилар ҳам директор ёки муаллим бўлиб етишадилар, ўшанда уларни ҳам сўйиб ташлашади.

Ўлимга маҳкум бу жамиятда одамлар кўз очиб дунёга келиши биланоқ ваҳшийлаша бошларкан. Улар ёглиқ луқмани истаганидай, бир жойдан озгина бўлса-да, фойда чиқишини кўзлайди, ҳамма ерда изғиб-санқиб юришади. Кўрдинги, тиш-тирноғи билан томоққа ёпишишга шай туришади. Арзимаган битта наша барги учун ҳаммаёқни мурдалар билан тўлдириб юборишга тайёр. Тўполонлар ёшларга хос нарса, лекин улар бизда бошқача ўтади. Дейлик, йўлда кўзга ташланиб турган шiorга ўқувчилар маҳкам ёпишиб, уйларни бузишади, буюмларни синдиришади, баъзида ғиштларни ўғирлашади. Ота-она бундан мамнун, чунки ҳар бир жанжалдан сўнг уйларида ортиқча ғишт парчаси ёки таёқчалар пайдо бўлади. Омон қолган директорлар ва ўқитувчилар бояғи ўғирликларни юмшатиш учун янги баҳона қидиришади. Ишқилиб, уларнинг ҳаммаси бир-бирини ютиб юборишга тайёр турган ярамаслардир! Дўстим, бизнинг тарбия соҳамизда аҳвол шундай. У одамни ваҳший ҳайвонга айлантираётган экан, демак, тарбиявий ишларимизга ҳаракатсиз, деб бўлмайди.

## 19

Кичик Чаённинг гапларига қулоқ солар эканман, унинг ҳар нарсага ишончсизлик билан қарашини эътиборга олмай иложим йўқ эди. Қизиғи шундаки, қотиллик кўз олдимда рўй берганди. Мен, суҳбатдошимнинг тушкун руҳдаги хулосаларига шубҳа қилмасам-да, унга эътироз ҳам билдира олмасдим.

— Сизларда олимлар борми? — деб сўрадим ундан.

— Албатта-да. Улар жуда бисёр! — киноя аралаш жавоб берди Кичик Чаён. — Олимларнинг кўплиги маданиятнинг ё юксаклигидан ёки инқирозидан далолат

беради. Албатта, олим деганда нимани тушунишга ҳам боғлиқ. Мен уларнинг қанақалиги ҳақида гапириб ўтирмақчи эмасман. Агар кўришни истасанг, чақириб беришим мумкин.

— Таклиф қиласанми?

— Йўқ, чақираман! Таклиф қилсанг келишмайди— сен уларни билмайсан. Нашахон, қани дарров буёққа бир неча донишмандларни судраб кел-чи. Қайф қилувчи баргдан бераркан, деб айт. Ситорахон билан Атиргул сенга ёрдам берсин.

Қизлар кула-кула чиқиб кетишди. Олимларни кўргим келганидан Кичик Чаёнга берадиган саволларим бутунлай эсимдан чиқиб кетди.

Қайф қилувчи барглардан чайнаб, жимгина ўтирганимизда Нашахон дугоналари билан кириб келди. Аммо ҳозирча олимлар йўқ эди. Улар ёнимга ўтиришди.

— Эҳтиётроқ бўл, сўроқ бошланади!— ҳазил аралаш мени огоҳлантирди Кичик Чаён.

Қизлар хиринглашди.

— Биз ростдан ҳам баъзи нарсаларни сўрамоқчимиз, майлими?— дея сўз бошлади Нашахон.

— Бемалол,— дедим ихтиёрсиз равишда.

— Айт-чи, сизларнинг хотинларингиз қанақа?— сўрашди қизлар.

Уларга бир оз тушунтиришим зарурлигини англадим.

— Бизнинг аёлларимиз ҳам уна-элик суртишади (шунда улар сал бўлмаса, уҳлаб юборишди), бироқ сочларини жуда антиқа ўрашади, гоҳ қирқишади, гоҳ ўстиришади, гоҳ бир тарафга тарашади, гоҳ тўп-тўп қилиб ўрашади, гоҳ хушбўй ёғлар билан ёғлашади, атир сепишади (суҳбатдошларим ўзларининг калта-калта сочларига қараб ҳафсалалари пир бўлди ва ланг очилган оғизларини юмишди). Қулоғига эса садаф ёки қимматбаҳо тошли сирғалардан тақишади. Улар юрганида қимирлаб ялтир-юлтур товланади-да (қизлар мунчоқдек қулоқларига ёпишишди. Атиргул исмли қизча ҳатто бироз чўзишга уриниб кўрди). Аёлларимиз қўл-оёқ ва бўйинлари очиқ юради, бироқ қолган жойларини бекитишади: бу очиқ юргандан кўра ҳам кўпроқ одамларнинг ҳавасини келтиради,— мен жўртага қизлар устидан кулардим. — Яланғоч одам фақат баданининг гўзаллиги билан бировни ром қилиши мумкин. Устига-устак, баданидаги турфа ранг ажойиб кийимлар унга

алоҳида жозиба касб этади. Ҳатто аёлларимиз ёзда ҳам кийим кийиб юрадилар. Улар онадан қандай туғилган бўлса ўшандай юришни жуда орзу қиладилар-у, афсуски... Яна оёқларига туфли кийиб юрадилар, масалан: чармдан туқилган, баланд пошналар, чиройли... Хўш, ёқадими? (Ҳеч ким жавоб бермади, қизларнинг оғзи «О» ҳарфига ўхшаб қолганди). Уша мен туғилган юртда аёллар бир замонлар оёқларини бинт билан танғиб боғлашарди, улар капалакдай кичкина бўлғучи эди. Энди боғламай қўйишган...

— Нима учун? — бақириб юборишди қизлар гапнинг давомини кутмасдан. — Нодонлар! Ахир, кичкина ихчам оёқ шундай гўзалки!

Қизларнинг ҳаяжонланганини кўриб, бироз орқага чекиндим.

— Ташвиш чекманглар. Гапимни тугатиб олай. Улар оёқларини бинт билан боғламай қўйишса-да, баланд товонли туфли киядиган бўлишди ва баланд, қоматдор, чиройлироқ нусхага айланишди. Тўғри, шундан кейин суяклари қийшайиб қолди, энди баъзида беллари букилганча деворларга суяниб юришади. Улар тез-тез оқсоқлашади, йиқилишади, айниқса, товонлари синиб қолганда...

Қизлар. Ердаги аёлларга ҳурмат-эҳтироми ортганидан жимиб қолиб, оёқларини беркитиб олишди. Мен гап мавзуини ўзгартирмақчи бўлувдим, баланд пошналар туфлиларнинг таъсир кучи сезилибди чоғи, сўраб қолишди:

— Бу пошналарнинг баландлиги қандай?

— Туфлиларга гул солишадими?

— Юрганнингда товонлар тақиллайдими?

— Суяклари қандай қилиб қийшайиб қолади? Ўзлари қийшайдими ёки олдин уни қийшайтириб, кейин оёқ кийими кийишадими?

— Сен чармли туфли дединг. Одам териси ҳам бўлаверадими?

— Гуллари қанақа? Ранги-чи?

Мабодо мен тери ошлаш ёки туфли тикишни билганимда ҳозир жуда бойиб кетишим мумкин эди. Мен хотинларимиз ясан-тусан қилишнинггина билишмайди, бошқа «хислат»лари ҳам бор, деб айтиб турувдим ҳамки, хонага олимлар кириб келишди.

— Нашахон, — деди Кичик Чаён, — барг шарбатидан тайёрлагин. Сизлар бўлса, — мурожаат қилди у қолган

қизларга,— баланд пошнади туфлиларни муҳокама қилиш учун бошқа жой топинглар.

Хузуримизга саккиз олим келган эди. Улар Кичик Чаёнга таъзим қилгач, ерга чўкишди-да, кўзларини осмонга тикишди. Ҳатто менга қараб ҳам қўйишмади.

Нашахон бир пиёлада шарбат узатди. Улар ичишиб, кўзларини маҳкам юмиб олишди. Бу жуда қулай эди, нунки мен уларни бемалол кузата олардим.

Олимлар кийими жуда ночор, кир-чир, озиб-тўзиб кетишган эди. Ҳатто кичкина қулоқлариям кирга тўлиб кетибди. Хатти-ҳаракатлари эски дўстим Катта Чаённиқидан ҳам секинроқ, ўзлари тилёғламалироқ кўринди кўзимга.

Наша таъсир кучини кўрсатди, шекилли, кўзларини очиб, осмонга тикилишди. Ниҳоят, «донишманд»лардан бири сўз қотди:

— Мен бутун Мушуклар мамлакатидаги энг биринчи олимман— у атрофга назар ташлагач, кўз қири билан менга қаради. Қолган олимлар безовталаниб қолишди ва тишларини ғижирлатиб, ғашланиб, хитоб қила кетишди:

— Сен ҳам биринчимисан? Бекоргиналарни айтибсан. Сен ҳам худди бобонг, отангга ўхшаган бир ярамассан-да.

Мен улар бир-бирига ташланиб қолишади, деб ўйлагандим, йўқ, биринчи олим бундай таъналарга ўрганиб қолган эканми, илжайиб қўя қолди.

— Бизнинг уруғимизнинг авлоди астрономияни ўрганиб келади. Астрономия! Сизлар ким бўпсизлар?— дея сўз олди бошқа олим,— Чет эллик олимлар беҳисоб ўлчов асбоблари ва дурбинлардан фойдаланишади, биз эса уч авлоддан буён фақат оддий кўз билан иш кўра-миз. Мана буни ҳақиқий истеъдод деса бўлади! Биз юлдузларнинг инсон тақдирига, бахт ва бахтсизликка таъсирини ўрганамиз. Чет эллик олимлар бундай нарсаларни тушунармиди? Кеча тунда юлдузларни кузатиб ўтирганимда, Миррих юлдузи шундоққина бошим устида турганини кўрдим. Хўш, айтнинг-чи, мамлакатимизнинг биринчи олими деб кимни атаса бўлади?

— Мени,— ҳазиллашди Кичик Чаён,— чунки менга Миррих юлдузи кулиб қарайди.

— Сиз жуда тўғри гапирдингиз, жаноби!— жавоб қилди астроном ва бирдан жимиб қолди. Қолган олим-



лар ҳам Кичик Чаёнинг гаплари жуда тўғрилигини тасдиқлашди, кейин ҳаммалари чуқур сукутга чўмдилар.

— Қани, гапиринглар,— буюрди Кичик Чаён.

— Бутун Мушуклар мамлакатидаги энг биринчи олим менман,— деб қўйди биттаси атрофга ғолибона назар ташлаб қўяркан.— Астрономимиз нима бўпти? Бу гапларнинг бемаънилигини ҳамма биледи. Олимлик ёзув-чизувдан бошланади, ягона қадимий фан шу! Мен ёзув-чизувни ўттиз йил ўргандим. Шундан кейин мени ким биринчи олим атамайди?

— Учир овозингни, итнинг боласи!— чувиллашди олимлар. Бироқ ёзув-чизув бўйича мутахассис астрономга қараганда юраклироқ экан. У касбдошларидан бирига ёпишиб бақира кетди:

— Нима, ҳали тан олмайсанми? Олдин мендан олган нашаларингни қарзини тўлаб қўй, бўлмаса нақ бўйинингни бураб қўяман. Шундай қилмасам, биринчи олим эмасман!

— Мендай жаҳоншумул аллома, сендан кайф қилувчи баргни қарз оламанми? Мени тинч қўй, қўлимни ифлос қилгим келмаяпти.

— Бировнинг кайф қилувчи баргини уриб олиб, яна ноз ҳам қиласанми? Яхши, ҳали қараб тур, ёзувлар тадқиқоти натижаларини эълон қилиб мамлакатимиздаги на эмас, бутун дунёда биринчи олим бўлиб олай, ўшанда кўҳна ёзувлардаги фамилиялар орасида сенинг фамилиянг учрамаслигини исботлайман. Шошмай тур!

Қарзини тан олмаган олим бу гаплардан кейин чўчиб қолди-да, Кичик Чаёнга ялина бошлади:

— Жаноб, тезроқ менга баргларингдан бер, ўша ярамас очкўз билан ҳисоб-китоб қилиб олай. Ахир, ўзинг биласан-ку, мамлакатда биринчи олимман, олимлар эса мирқуруқ бўлишади. Эҳтимол, мен ундан ўша лаънати баргни олгандирман, лекин эслолмаяпман. Яна сенга илтижо қиламанки, отанга айтсанг, олимларга баргдан кўпроқ бериб турсин. Бошқалар бусиз кун кўришлари мумкиндир, бироқ биз (айниқса, мен, биринчи олим) усиз фан билан мутлақо шуғуллана олмаймиз. Аниқлашимча, қадимдаги ўлим ҳукмлари ичида ҳақиқатдан ҳам тирик одамнинг терисини шилиб олиш жазоси қўлланган экан. Яқинда мен бу ҳақда мақола ёзиб, императорга элтиб беришни отангдан илтимос қиламан. Ушанда Ҳазрати Олийларига бу қизиқ ва чуқур тарихий илдизга эга қатл маросимини тиклаши

осонроқ бўлади. Наҳотки, шундай янгликлар ҳам мені биринчи олим бўлишимга ёрдам бермаса? Езувларни ўрганиш эмиш. Фақат тарих — ҳақиқий фандир!

— Нима, тарих қоғозда ёзилмайдими? Менинг кайф қилувчи баргимни тезроқ қайтариб бер!— тилчининг қарори қатъий эди.

Кичик Чаён Нашахонга баргни келтириб, тарихчига беришни буюрди, лекин уни тилчига беришдан олдин, ярмини синдириб олиб қолди.

— Бермасам ҳам бўлаверарди-ю... Ҳа, майли, олақол.

— Ие, ярмини беряпсан-ку?— бақирди тилчи.— Агар шу қилигинг учун хотинингни ўғирлаб кетмасам, бошимга лаънат тошлари ёғилсин!

Шунда барча олимлар безовталаниб Кичик Чаёнга арз қилишди:

— Жаноб, нимага биз олимларнинг фақат биттадан хотинимиз бор? Бошқаларнинг хотинини ўғирлаш тўғрисида ният қилсак бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Биз бутун мамлакат шон-шухратини тиклаш учун меҳнат қиламиз, авлодларимиз, ота-боболаримизнинг илмий-меросини асрлар оша келажакка етказамиз. Нимага энди ҳар биримизга камида учтадан хотин бўлмасин экан?

Кичик Чаён сукут сақлаб тураверди.

— Мисол учун, юлдузлар туркумини олайлик. У ерда катта юлдуз атрофида доимо ғуж кичик юлдузлар бўлади. Илло, осмон шундай тузилган экан, одамларда, жилла бўлмаганда биринчи олимда бир неча хотини бўлиши лозим. Бунинг устига, хотиним қариб, ҳеч нарсага ярамай қолган.

— Қадимдан аёл танаси қисмларини тасвирловчи ёзув белгилари шаклини бир эсланглар. Узимнинг бир илмий ишимда олимнинг хотини кўп бўлиши лозимлигини инкор қилиб бўлмас далиллар асосида исботлаган эдим...

У мужмал, ахлоқсиз далиллар келтирди. Унда олимларга хотинлар нима учун керак бўлиши аниқ кўрсатиб берилган эди. Кичик Чаён ҳамон жим ўтирарди.

— Эҳтимол, сиз чарчагандирсиз, жаноб? Биз баҳс-мунозарани чўзиб...— деди олимлардан бири.

— Нашахон, уларга озроқ баргдан бер, қоралари ўчсин!— деди ниҳоят Кичик Чаён.

— Миннатдормиз сиздан, жаноб. Узр!— чувиллашди олимлар.

Кейин нашаларни чангаллашди-да, Кичик Чаёнга таъзим қилиб, боягидай сўкина-сўкина ташқарига йўрғалашди. Улар ўрнига бир тўп ёш олимлар отилиб киришди. Анчадан бери эшик ташқарисида катта ҳам-касбларидан чўчиганча кутиб туришган экан. Негаки фаннинг катта ва кичик авлодлари дуч келиб қолишса, албатта камида икки-уч киши нобуд бўларди.

Ёш олимларнинг афти-ангори қариларникига нисбатан дуруст: кийимлари озода, кўзлари тўқ ва шўх ўйнарди. Ўтиришдан олдин нафақат Кичик Чаён ва Нашахон, балки мен билан ҳам илиқ саломлашдилар. Мен бундан бошим осмонга етди. Афтидан, Мушуклар мамлакати-нинг келажаги борга ўхшайди.

— Чет элда бир неча йиллаб ўқиб келаётган бу ёшларнинг ҳамма нарсасага фаҳм-фаросати етади,— пичирлади Кичик Чаён. Бироқ бу огоҳлантириш меҳмонлар ўртага қўйилган нашаларга ёпишгандаёқ ҳафсаламни пир қилди.

Ёшлар баргларни чайнаб бўлгач, ўзаро суҳбатни бошладилар. Гарчи мен Кичик Чаёндан анчагина янги сўзларни ўрганган бўлсам-да, ҳеч вақони тушунмадим. Қулоғимда бор-йўғи «варэ», «вский» сўзлари жарангларди, холос. Саросимага тушдим, негаки меҳмонлар шахсан ўзимга мурожаат қилаётган эдилар.

— Устингизга нима кийгансиз, жаноб хорижлик?— деб савол беришди. Бу гапни зўрға англадим.

— Шим,— деб жавоб бердим ўзимни бутунлай нодонликка солиб.

— Уларнинг сизга нима кераги бор?

— Бу қанақа олимлик даражасига киради?

— Жамиятингиз иштондилар ва иштонсизлар гуруҳига бўлинганми?

Мен бу ғалати саволларга илжайиб қўйдим. Ҳафсалалари пир бўлгандай афтларини бужмайтириб, йиртиқ-сиртиқ иштонларимни сийпалаб кўрабошлашди. Кейин яна бидирлаб кетишди. Мен зерика бошладим. Ахийри ёш олимлар чиқиб кетишди. Мен Кичик Чаёндан улар нима тўғрисида гаплашганларини сўрадим.

— Сен мендан сўраяпсанми?— кулиб қўйди Кичик Чаён. — Унда мен кимдан сўрайман? Улар айтарли дуруст фикр билдирганлари йўқ.

— Ие, нега? Ахир, «варэ», «вский» дейишди-ку...

— Булар жуда кенг тарқалган чет эл сўзлари, маъноси «кимнѐ», «роль» дегани, фақат ёшларимиз маъносини тушунмаса ҳам бўлар-бўлмасга ишлатаверадилар. Шундай жумлаларни айтадиган кишиларни янги типдаги илғор олимлар, деб аташади. «Варэ», «вский», яна «изм» сўзлари сўнгги пайтларда жуда урф бўлиб кетди-да. Олдинги икки сўз бир-бирига қўшилиб, нимани хоҳласанг ўшани ифодалайверади: «ота-она боласини калтаклайди», «император кайф қилувчи баргни истемол қилади», «олим ўзини-ўзи ўлдирди»... Шу сўзларни ишлатсанг, сени ҳам олим санашади. Асосийси — отларни қўллаш. Феъл туркумининг кераги йўқ, сифатларни эса отлар воситасида тузишади...

— Нега ёш олимлар мендан шим, қизлар эса баланд пошнали туфли ҳақида кўпроқ сўрашди?

— Ёш олимларимиз худди аёлларга ўхшайди; аёллар ҳам топ-тоза, чиройли кийинишади ва замонавий кишилардай назокатли юришни хоҳлашади. Кекса олимлар аёллардан ўзларига зарур нарсани бемалол сўрайверишади, ёшлар бўлса ром қилиб олишни афзал билишади. Ҳали кўрасан, бир неча кундан кейин уларнинг ҳаммаси иштон кийиб олишади...

Хона жуда дим бўлиб кетган эди. Кичик Чаёндан узр сўраб ташқарига чиқиб кетдим. Исми жисмига монанд Нашахон ва унинг дугоналари товонларига бир парчадан ғишт парчасини боғлаб олганча, деворни ушлаб, мен ҳикоя қилиб берган баланд пошнали туфлида юришни ўрганаётган эдилар.

## 20

Дўстим Кичик Чаёндан баъзи нарсаларни ўрганса бўларди. У аввал ўйлаб кўрар, кейин умидсизликка бериларди. Эҳтимол, у калтаўй ёки қўрқоқдир, бироқ ўйлаш қўлидан келарди. Аммо ҳалиги ёш олимлардан ҳам умидим бор эди. Улар кексалардан ақллироқ бўлмасада, жонлироқ, шод-хуррамроқ эдилар. Кичик Чаёнга ўша ёшларнинг умидворлигидан салгина юққанида, эҳа бир дунѐ фойдали ишларни қилиб ташларди. Менда ёш олимларни қайта кўриш иштиѐқи туғилиб, Нашахондан уларнинг қаерда яшашини сўрадим.

Йўлда мен мактаб, институтлар, оддийроқ айтганда, девор билан ўраб олинган ташландиқ майдон ёнидан ўтиб борардим. Бир кунни кўчада изғиб юрган ўқувчи-

ларни кўриб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Бу болакайлар— айниқса, сал каттароқлари — бениҳоя сурбет кўринди кўзимга. Улар лоқайд, парвойи фалак эди. Катта Чаёнга ўхшаб кетишарди. Булар ўзларини худонинг эрка бандалари, деб керилишар, афсуски, Мушуклар давлати дунёдаги энг қолоқ давлат эканлигини тушунмас эдилар. Эҳ, кўр ва соқов одамлар-а! Болакайларга раҳмим келиб кетди. Йигирма ёшга кирган йигитнинг баъзи бир нарсаларга ақли етсин экан-да. У жаҳаннамда ўзини жаннатда юргандай ҳис қилмаслиги керак! Сал бўлмаса, нечун бунчалик шод-хуррамсизлар деб сўрамоқчи бўлдим, яна ўзимни босдим.

Мен қидириб кетаётган ёш олимлардан бири музей бошлиғи экан. Бу соҳа мени жуда қизиқтирар эди. Музей йигирма-ўттиз хонадан иборат кенг муҳташам бинода жойлашган экан. Кираверишда деворга суянган кўйи қоровул ширин уйқуда ётарди. Бўлак киши бинони кўриқламас, эшиклар ланг очиқ эди. Мен таажжубга тушдим; бунақада мушук одамлар қўлига тушган нарсани ўмариб кетишади-ку.

Мен қоровулни турғизишга журъат қилолмай, музейга кирдим. Иккита бўш хонадан ўтгач ўзимнинг янги танишимга рўбарў келдим. У мени шод-хуррам, хушмуомалалик билан қарши олди. Унинг фамилияси Бароқбоев бўлиб, чет эллик эканлигини ҳис қилдим. Экскурсия пайтида нотаниш сўзлар билан бошини қотирмасам гўргайди, деб хавотирландим. Фақат экспонатларни «варэ», ёки «вский» деб атамаса бўлди.

— Марҳамат, кираверинг,— деб Бароқбоев мамнунона таклиф қилди. — Бу, эрамизгача бўлган саккизинчи минг йилликнинг тош буюмлари зали. Буюмлар энг янги система бўйича жойлаштирилган. Бир кўринг-а!

Мен атрофга алаңладим— ҳеч вақо йўқ эди. Бу қанақаси бўлди. Бироқ Бароқбоев аллақачон деворларга ишора қиларди.

— Олдингизда аллақандай чет эл ёзуви туширилган қадимги тош идиц, баҳоси уч миллион миллий нуфуз туради.

Энди мен ҳақиқатдан ҳам ёзувни кўрдим, бироқ у идишда эмас, деворда эди. Афтидан, у жойда қачонлардир қимматбаҳо бир идиш турган бўлса ажаб эмас.

— Кўз олдингизда ёши ўн минг бир йилга тўлган тош болта, баҳоси икки юз минг миллий нуфуз. Бу тош товоқнинг ёши эса ундан роппа-роса бир йил кат-

та, баҳоси бир ярим миллион миллий нуфуз туради, бу... уч минг нуфуз, бу... тўрт юз минг...

Менга битта нарса ёқди: у экспонатлар баҳосини жуда осон, енгилгина, адашмай айтарди. Биз навбатдаги бўм-бўш хонага ўтдик. Бароқбоев ўшандай хушчақчақ ва ҳурмат-эҳтиром оҳангида ҳикоясида давом этди:

— Залда ўн беш минг йилдан зиёд умр кўрган жаҳоннинг энг кўҳна китоблари сақланади. Энг янги система бўйича жойлаштирилган.

У китобларнинг номи ва баҳосини санашни бошлади, бироқ мен девордаги сувараклардан бўлак ҳеч нарсани кўрмасдим.

Биз ўнинчи бўш залдан чиқаётганимизда тоқатим тугади. Мен эндигина Бароқбоев билан хайрлашиб, уйга жўнаб кетмоқчи бўлиб турувдим ҳамки, бирдан энг охириги залнинг олдида турган йигирматача тўқмоқли аскарларни кўриб қолдим. Афтидан, улар бирон нарсани кўриқлашаётган бўлишса керак. Бу залда ҳақиқатдан ҳам экспонатлар бор эди, мен еру осмонга тасаннолар айта бошладим. Агар ўн битта залнинг ҳеч бўлмаसा биронтасида нимадир бор экан, демак, келганим бекор кетмабди.

— Сиз жуда вақтида келдингиз,— деди Бароқбоев.— Икки кунлардан кейин бу нарсаларни кўролмаган бўлардингиз. Кўз олдингизда эрамиздан олдинги ўнинчи минг йилликнинг лой идишлари турибди, улар энг янги система бўйича жойлаштирилган. Ун икки минг йил олдин бу идишлар жаҳонда энг чиройли идишлар эди, бироқ кейинроқ, яъни эрамиздан олдинги олти мингинчи йилга келиб биз кулолчилик санъатимиз сирини очиб, бу соҳани барбод қилдик. Ўшандан буён уни қайтадан тиклай олмаймиз.

— Нега энди?— сўрадим мен.

— О, вский!— хитоб қилди суҳбатдошим мени бутунлай таажжубга солиб.— Булар Миррихдаги энг қимматбаҳо нарсалардир, лекин улар аллақачон чет элликларга ўзимизнинг пулда уч биллион нуфузга сотилган. Мабодо ҳукумат шошма-шошарлик қилмаганда эди, ҳозир беш биллионга олган бўлишарди. Ҳали ўн минг йил ҳам бўлмаган тош идишларга икки биллион пул олдик. Асосий гап ҳукуматнинг хато қилишида эмас, балки ўртада турганларнинг чўтал пулини ҳам олишимиздир. Биз нима еймиз? Бир неча йилдирки, музей-

дагиларга маош тўлашмайди. Чўталда ҳам яхши топса бўлади, лекин биз янги тоифадаги олимлар кекса олимларга қараганда бирнеча марта кўпроқ топишимиз даркор. Биз фақат чет эл буюмларидан фойдаланамиз, шундай нодир буюмлардан биттасининг пули бир тўда эски олимни боқишга тенгдир.

Бароқбоевнинг хотиржам башараси бирдан бурнишиб кетди.

— Аждодларимиз кулолчилик санъатининг сир-асрорлари йўқолишига қандай қилиб йўл қўйишди экан? О, вский! Нега энди кўҳна буюмлар чет элликларга сотилади? Пул ишлаб қолиш учунми? Янги тоифа олимлардан ҳам кўнглим совиди. Энди қолган-қутган қадимги буюмларни қучоқлаб йиғлашдан ўзга чорам қолмади. Музей буюмларини сотиш давлат кўрадиган фойдалардан бўлиб, олимлар фақат чўтал олишу, харидорларга баҳосини айтиш билангина машғулдирлар.

— Хўш, буюмларни сотиб тугатгач, нима қиласизлар?

— О, вский!

Унинг оғзидан чиққан бу сўз Қичик Чаён айтгандан минг чандон ярамасроқ, қабиҳроқ маънога эга эди. Бароқбоев ўз хитоблари билан мени жиркантирарди, бироқ наша кайфи ортиқча ҳаракат қилишга изн бермайди, шу боис суҳбатдошимнинг башарасига шапалоқ тортиб ўтирмадим. Нега энди мен — хитойлик мушук-одамлар ишига аралашар эканман?

Бароқбоев билан хайрлашмасдан кўчага чопиб чиқиб кетдим. Бўш заллар худди жаҳаннамга ўхшар, ундан ўғирланган нодир буюмларнинг инграши эшитилар эди гўё. Агар ростдан ҳам нариги дунё бўлганида бояги янги олимларнинг аксари у ёқда нодир буюмлар ўрнига ўтажагини жуда истадим.

Кўчага чиққач, ўзимни бироз босиб олдим. Бир жиҳатдан, Мушуклар салтанати ноёб буюмларининг чет элга кетиб қолиши уларнинг бахти, деб ўйладим. Негаки мушук-одамлар ҳамма нарсани ўғирлаб, яксон қилиб ташлашарди, ундан кўра буюмлар чет элликлар қўлида сақлангани маъқул. Албатта, бу Бароқбоевни заррача оқламайди. Улар савдо-сотиқни бошламаган бўлса-да, уятсизларча қўллаб-қувватлашар, уят ва виждонини йўқотган эди. Инсоният ўз ўтмиш тарихини эъзозлайди, бироқ мушук-одамлар ўз юрти тарихини шафқатсизларча пуллаётган эди. Бароқбоев зиёли одам-

га ўхшайди... Олимлар шундай йўл тутгандан кейин саводсиз одамлардан нимани кутиш мумкин?!

Янги тоифа олимлар олдига ўтиб, бошқа маданий муассасаларни кўриш истаги менда буткул йўқолган эди. Олдинда кўринган кутубхона «бўм-бўш қалъадаги айёрлик»ка ўхшаб кетарди. Бинонинг ўзи унча ёмон эмас-у, лекин узоқ йиллар таъмир қилинмаган эди. Шу пайт кутубхонадан бир тўда болалар югуриб чиқишди ва менда уларни томоша қилиш хоҳиши туғилди.

Дарвозадан ичкари киргач, кўзим деворлардаги яқинда ёзилган бирталай ёзувларга тушди: «Кутубхона инқилоби». Қизиқ, у кимларга қарши қаратилган экан? Шуларни ўйлаб борар эканман, ерда ётган одамга қоқилиб кетдим. У дарҳол бақириб юборди: «Ердам беринглар!»

Енида оёқ-қўли боғланган ўнлаб мазлумлар ётарди. Уларни ечар-ечмасимданоқ жуфтакни ростлаб қолишди, фақат биттаси қолди, у ҳам бўлса ўзим танийдиган бир ёш олим эди. Ердамга ўша чақирган экан.

— Бу ерда нима бўляпти ўзи?— таажжубландим мен.

— Яна инқилоб! Бу гал кутубхона инқилоби!

— Кимга қарши?

— Кутубхоналарга қарши-да. Мана, қарагин, жаноб!— ёш олим ўзининг сонларига имо қилди.

У калта шим кийиб олган эди, олдин бунга эътибор бермаган эканман. Бироқ уларнинг кутубхона инқилобига бунинг нима даҳли бор?

Олим ўзича тушунтира кетди:

— Ахир, энди шим кийиб юрамиз. Халқни илғор фан ютуқлари, ахлоқ ва урф-одатларга ўргатувчи биз олимлар ҳам иштон кийиб олдик. Бу ҳақиқий инқилобий жасорат!

«Вой, олифта инқилобчини қаранглар!»— кулдим ичимда.

— Афсуски, жасоратимиз қўшни институт студентлари қулоғига етиб борибди, олдимга келиб, бир жуфтдан иштон сўрашди. Кутубхона мудирини сифатида китоблар билан савдо-сотиқ қилиб юрган пайтларимда фойданинг бир қисмини студентларга улашиб турардим. Гап шундаки, улар «всеизм»га жуда берилишган, «всеизм»— хавфли кимсалардир. Улар ўз фикрларини қайсарлик билан ўтказишади. Менинг шимлардан кўпроқ ғамлаб қўймаганимни кўриб, улар ғалаён кўтаришди.



Фойда чиқмагач, бизни боғлашиб, тўплаган озгина жамгармамни ўмариб кетишди.

— Ҳартугул, китобларни ташиб кетишмабди-ку?!— дедим кутубхоначига.

— Ташиб кетиши ҳам мумкин эмасди. Чунки энг охирги китобнинг сотиб юборилганига ўн беш йилдан ошди. Ҳозир биз қайта рўйхатга олиш ишлари билан бандмиз.

— Китоб бўлмаганидан кейин нимани рўйхатга оласизлар?

— Уйни, деворларни... Бўлажак янги инқилобгача тайёргарлик кўряпмиз. Кутубхонани меҳмонхонага айлантириб, озгина бўлса-да, ижара ҳақи олмоқчимиз. Очигини айтсам, бу ерда кўп марта аскарлар тунашди, бироқ граждон аҳоли бўлганда анча тинчроқ бўларди-да...

Мен мушук-одамларни жуда ҳурмат қилардим, худди шу ҳурматим туфайли гапларини ортиқ эшитиб ўтирмадим, акс ҳолда қўпол саволларим болохонадор сўкишга айланиб кетиши аниқ эди.

## 21

Кечаси шариллаб ёмғир қўйди, бу Мушуклар мамлакатига унчаям хуш келавермас эди. Бирин-кетин гумбурлаб йиқилаётган деворларнинг тасир-тусирини эшитганда ширин хаёлларга берилиб бўларканми? Шаҳар худди бўронда қолган денгиз кемасига ўхшарди: ҳар бир дақиқада у ўз ҳалокатини кутиб титрар, қалтирарди, лекин аслини олганда, бу йўқотиш унча аҳамиятли эмасди. Мен қон тўкилишини хоҳламас, фақат мушук-одамларнинг ёмғирдан енгил ўлим топишларини истардим, холос. Улар нима учун яшаяпти— тушунмасдим. Аммо буларнинг тарихида қандайдир машъум хатолик юз берганини ва бунинг учун энди ҳақ тўлашаётганини англаб етгандим. Хаёлларим менга бекорчи, ўткинчи кўринар эди. Майли, хаёл сурганим яхши— барибир, ухлай олмайман. Масалан, мушук-одамларнинг ўзига катта зиён етказган «всеизм» ёки бошқа чет эл сўзлари нимани билдиради? Мен «всеизм фидокорлари» бўлган студентларни эслаб кетдим. Хитойда студентлар илғор фикрлар ташувчиси, сиёсий иқл-идрок соҳиби бўлишига қарамай, чет эл сўзларини жуда кам билишарди.

Мен Мушуклар мамлакатининг сиёсатдонлари билан

танишишни хоҳлардим. Тун бўйи уйқум келмади. Гарчи Кичик Чаён сиёсат билан шуғулланмаслигини айтган бўлса-да, ҳозирги сиёсий вазиятни тушуниб олиш истаги мени тинч қўймасди.

Эрталаб Кичик Чаёни топганимдан кейин уни саволга кўмиб ташладим.

— Менга айт-чи, «всеизм» нима дегани?

— Бу шундай сиёсий таълимотки, унда одамлар фақат бир-бири учунгина яшашиди,— деб жавоб қилди у нашани чайнаган.— Всеистик тузумда жамият катта бир йўлга қўйилган механизмдир... Ҳар бир одам унда бирор-виртча ёки бўғинча вазифасини ўтайди, бироқ хотиржам, шод-хуррам яшайди ва ишлайди. Асли, бу унча ёмон таълимот эмас.

— Миррихдаги биронта мамлакатда у синаб кўрилганми?

— Ҳа, бу таълимот ишлаётганига икки юз йилдан ошди.

— Сизларнинг мамлакатингизда-чи?

Кичик Чаён хаёл суриб қолди. Менинг юрагим бетоқатликдан қинидан чиқиб кетаёзди. Ниҳоят у деди:

— Биз ҳам ҳаракат қилдик, шовқин-сурон кўтардик. Мен ҳаётга татбиқ этиб кўришга уринган бирон-бир таълимот қолмаганини биламан...

— «Шовқин-сурон кўтардик» деганинг нимаси?

— Фараз қилайлик, сенинг фарзандинг тўполончи, бевош. Сен уни калтакладинг. Буни эшитиб мен ҳам ўғлимни калтакладим, тўполончилиги учун эмас, балки сенга тақлид қилганимдан. Турган гапки, жанжал тўполон кўтарилади. Сиёсатда ҳам худди шунинг ўзи бўлади-да.

— Илтимос, тушунтириб гапирсанг,— ўтиндим мен.— Эҳтимол, шовқин-тўполон унчалик ёмон иш эмасдир: ҳеч бўлмаганда ундан кейин олға силжиш рўй беради-ку... Тўғрими?

— Бироқ ҳар қандай ўзгариш ҳам олға бориш эмас-да...

Мен кулиб қўйдим. Кичик Чаёнинг тили заҳарлигини кўринг! Бир оз жимликдан кейин у гапида давом этди:

— Миррихда йигирмадан зиёд давлатнинг ҳар бири ўз тарихига, ўз йўналишига эга. Мушук-одамлар биронта мамлакат тўғрисида тасодифан билиб қолгач, дарҳол шов-шув кўтарадилар. Кейин эшитсак, бошқа бир мам-

лакатда янгича ислоҳот жорий этилибди— биз ундан ҳам ниманидир илиб олиб, жорий этамиз. Мазкур мамлакатлар бўлса ҳақиқий ислоҳот ўтказиб ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтадилар. Биз ўз билганимиздан қолмаймиз ва бир жойда депсиниб тураверамиз. Мушуклар ислоҳотининг ўзига хос жиҳати шуки, кўп шовқин-сурон соламизу, аҳволимиз ўзгармайди.

— Аниқроқ гапир, дўстим. Бир бошдан бўлмаса ҳам майлийди,— ялиндим мен.

— Яхшиси, жанжалдан бошлай қолай.

— Жанжалдан?

— Буям шим масаласига ўхшайди, яъни бизнинг нарса эмас. Бунақа «инқилоб»лар сизларда — Ерда борми-йўқми, билмайман. Аслини олганда, бу аниқ сиёсий йўналиш ва дастуриламалга эга бўлган одамлар уюшмасидир.

— Фирқами ёки шунга ўхшаган бошқа нарсами, бундан қатъи назар, у бизда жанжал деб аталади. Қадимдан биз императорга сўзсиз бўйсунар, уларга гинг деб оғиз очмас, ахлоқий покизаликни буюк неъмат деб ҳисоблар эдик. Кутилмаганда хорижий элдан халқ ҳам бошқаришда иштирок этиши, иттифоқ ёки фирқалар тузиши мумкинлиги ҳақида хабарлар етиб келди. Кўҳна китобларни варақлаб мушуклар тилида уларга муносиб сўзни топа олмадик. Фақат «жанжал» сўзи, озми-кўпми, мос келарди холос. Одамлар нимага бир жойга тўпланади? Шовқин-сурон, жанжал кўтариш учун-да. Биз гала-говур бошладик. Ушандан буён сиёсатимизда бир қатор ўзгаришлар юз берди. Бирок бари сафсата... Сенга сиёсат билан шуғулланмаслигимни айтувдим, чоғи. Лекин айрим далилларни баён қилиб беришим мумкин.

— Ҳа, ҳа далилларни айтақол,— дедим унинг жим бўлиб қолишидан чўчиб.

— Мамлакатда биринчи сиёсий ислоҳот шундан иборат бўлдики, императордан бошқаришдаги ҳуқуқларини юмшатишни илтимос қилишди. У, албатта, бунга рози бўлмади. Ислоҳотчилар шунда «жанжал»ларни бошлаб юбордилар. Аҳвол мушкуллашгач, император кўзга кўринган ислоҳотчиларга юксак амалларни инъом қилди. Улар хизматга қизиқиб кетиб, ўз гоёларини унутдилар. Шу орада императорликнинг мутлақо кераги йўқ, деган гап тарқалди. Натижада ўз олдига императорни ҳайдаб юборишни мақсад қилиб олган «жанжал»

бошқармасы тузилди. Император буни билиб қолиб, ҳар бир аъзосига ойига минг миллий нуфуз тегадиган хусусий «жанжал» уюшмасини тузди. Шунда халқ бошқармасы тарафдорларининг кўзлари ёниб, оғизларидан сўлақлари оққа бошлади. Энди императорга хушомад қилишга ўтдилар, бироқ император уларга фақат юз нуфузгина таклиф этди. Агар маошни бир юз уч обрўга кўтаришмаганда ҳамма иш барбод бўладигандек эди. Бироқ янгича маош барчага етмади. Одамлар ўн киши, икки киши, ҳатто бир кишидан иборат мухолифотчи гуруҳини туздилар.

— Узр, гапингни бўламан: бу ташкилотларда оддий халқ вакиллари бормиди?

— Мен худди шу нарсани гапирмоқчи эдим. Албатта, йўқ-да! Чунки халқ саводсиз, содда ва ўта ишонувчан ҳолда қолдирилган эди. Ҳар бир жанжал уюшмаси ё сен айтган фирқа халқ ҳақида оғиз кўпиртирса-да, император халқдан ундирган пулларни уялмай-нетмай олишаверади. Уларнинг ўзлари ҳам халқни шилиб олишдан тоймайди: мабодо халқ алдовга кўнмаса, ҳарбийларни ёрдамга чақиришади. Хуллас, жанжал кўпайган сайин халқ қашшоқлаша борди.

— Наҳотки, уюшма ё жанжалларнинг ичида халқ ва мамлакат учун қайғурадиган биронта одам топилмаса?

— Бор эди. Ўзингга маълумки, яхши, мард одамлар ҳам ейиш-ичиши керак, бунинг учун эса пул зарур бўлади. Яхши одамлар пулга еб ичар, хотин олар, сўнг оила қулига айланиб, қад ростлай олмасди. Охир-оқибат, инқилобни ҳам, давлатни ҳам, халқни ҳам бутунлай унутишарди.

— Демак, ўзига тўқ одамлар сиёсий ҳаракатларда мутлақо қатнашмас экан-да?— шубҳаландим мен.

— Ҳа, қатнашмайди, чунки чўчишади. Сал бош кўтаришдими, бўлди, императорнинг ўзи ёки ҳарбийлар, навбатдаги Жанжал қўмитаси буди-шудигача сидириб олишади. Улар тоқат қилишга, ёки биронта амалдорлик курсисини сотиб олишга мажбурдирлар. Бизда сиёсат билан чет элда ўқиган ғам-ташвишсиз безорилар ва ҳарбийларгина шуғулланиши мумкин: жанжалда (сенингча «фирқа») улар озик-овқат олишади, жанжалсиз эса мутлақо оч қолишади. Инқилоб мамлакатимизда ўзига хос ҳунарга айланди, бироқ ҳали бу яхши натижа бергани йўқ. Сиёсат ўзгариб турибди, бироқ ижобий

Ўзгариш бўлгани йўқ. Демократия ҳақида оғиз кўпиртириб гапиряпмизу, лекин халқ тобора қашшоқлашмоқда. Ёшлар борган сари бачканалашиб кетмоқда. Мамлакатни сақлаб қолишга уринаётган кимсалар ҳокимиятни қўлга олгач, кўзлари бақрайиб тураверди. Ҳокимиятдан тўғри фойдаланиш учун уларда на қобилият, на билим етишади. Шунда саводсиз, нодон, лекин муғомбирроқ кексаларни ёрдамга чақиришга мажбур бўламиз. Сиртдан қараганда, ҳокимиятни инқилобчилар бошқараётгандай кўринади, аслида эса уни қари тулкилар бошқаришади. Сиёсат — бир-бирини алдаш, ёлғон гапирришдан иборат. Бошлаб алдадингми — марра сеники, ютинг, мабодо ютқазсанг — расвои жаҳон бўласан. Шу боис ўқувчилар ўқишни тўхтатишди. Улар янгича чет эл сўзларини ёдлагач ўзини истеъдодли сиёсатдонлардай ҳис қилишди. Хуллас, ёшлар айёрликни ўрганиш билан банд.

Мен Кичик Чаёни тўхтатиб, бояғи саволимни такрорладим:

— Сен ҳали «всеизм» ҳақида гапирмадинг-ку?

— Ҳозир гапираман. Шундай қилиб, халқ қашшоқлашди, чунки жанжал-тўполон ва ур-сурлар пайтида хўжаликка ҳеч ким эътибор бермади. Худди шу ерда «всеизм» пайдо бўлди. Иқтисодий муаммолар оқибатида халқ ичидан ўсиб чиқди у. Илгари инқилоблар императорни йиқитишга олиб келмасди: ҳукмдор жанжаллардан бирига тўла-тўкис ишонганини айтар, ҳатто гоҳида унинг доҳийси бўлиб оларди. Бир шоиримиз императорни тантанали равишда «барча жанжалларнинг раҳнамоси» деб атагани эсимда. Всеистчилар биринчи императорни ўлдиришган эди.

— Йўғ-е? Кейин мақсадларига эришишдимиз?

— Асло. Ҳокимият қўлларига ўтгач, беҳисоб одам қирилиб кетди. Негаки улар ҳақиқий деҳқон ва ишчилардан ташқари, ҳаммани ёппасига йўқ қилишга киришдилар. Қўзғолонлар одамларни таажжубга солмади— Мушуклар мамлакатда доимо осонгина ўлдиришаверади. Мабодо «всеист» текинхўрлар ўрнига деҳқонлар ва ишчилар ҳокимиятни бошқарганда унча ёмон бўлмасди...

— Биласанми, тўнтариш вақтида нима қилишди?— деб савол берди Кичик Чаён ва ҳаяжон ила ўзи ҳикоя қилди, — товон тўлаганларни ўлдиришмади — озод қилишди. Шунда текинхўрлар қутулиб, бегуноҳ бечора-

ларнинг кўпчилиги ўлиб кетишди. Омон қолган муттаҳамлар «жанжал»ларга (сенингча, «фирқа»ларга) суқилиб кириб, ифвогарлиқни бошладилар. Шу-шу жазолаш асл моҳиятини йўқотди.

Всеизм қондасига кўра, ҳар бир одам ўзига мос ҳолда иш ва мукофот олиши керак. Бу тамойилни амалга ошириш учун биринчи навбатда хўжалик сиёсатини тубдан ўзгартириш, иккинчидан одамларни бир-бирлари билан яшаш кўникмасига ўргатиш зарур. Аммо ўзаро жанжалларга ўралашиб қолган всеистлар хўжалик, иқтисод, айниқса янгича таълим-тарбия ҳақида зигирча тасаввурга эга эмаслар. Бир-бирини қиришни тамомлагач, кўзлари мошдай очилиб, ишчи-деҳқонларга ёрдам бермоқчи бўлишди, лекин маълум бўлдики, улар на қишлоқ хўжалигида, на саноатда ҳеч балони тушунмас эканлар. Дейлик, деҳқонларга ерни бўлиб беришди-ю, ерга гиёҳванд ўсимликларни ё озиқ-овқат экинларини экишни узоқ ўйлаб охири ўзлари оч қолишди. Ишчилар мутлақо ишсиз қолишди. Нима қилишса экан? Ҳар хил зараркунанда кимсалар халақит беришяпти, деб ўйлашиб, яна илгаригидек отувни бошлаб юборишди. Баъзида шунақа бўлади ўзи, қичиган жойни қашлаш ўрнига терини шилиб олишади.

Всеизм бошига биз олган кўпгина ғояларнинг куни тушди. Бошқа давлатларда жамиятнинг дардига малҳам ажойиб дори топилса, бизда ўзини-ўзи азоблаш авж олади. Биз ҳеч қачон чуқур ўйламаймиз, ҳақиқатга тик боқмаймиз. Инқилоблардан ҳам вайронагарчилик жиҳатини кўчириб оламиз. Бошқалар ундан сабоқ чиқарса, бизда тескариси—шовқин-сурон, гинахонлик... Хуллас, ҳеч вақони билмаймиз ва ҳеч нарса қилмаймиз. Инқилобий иш кишидан Ватанни севишни, юксак ҳистуйғуларни талаб қилади. Биз, мушук-одамлар эса қабих усуллар ёрдамида бир-биримизга ташланамиз, гажишамиз. Биз ўлдир-ўлдирга берилиб, кўзимизни лўқ қилиб тургунча, всеистлар ҳаракати доҳийси император бўлиб олди. Всеизм ва император — бу, қарама-қарши қутблардир. Бироқ бизда бундай ҳолларга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, чунки ҳеч нарсанинг фарқига мутлақо бормаймиз. Всеизм ҳам Ҳазрат Олийларининг подшолигига олиб келди— шу билан ҳаммаси тинчиб қолди. Император даври-даврон суряпти, у илгаригидай «барча жанжалларнинг раҳбари». Всеизм эса шу жанжаллар орасида мудраб ётибди.

Мен биринчи марта Кичик Чаённинг кўзларида ёш кўрдим.

## 22

Кичик Чаён доимо рост гапирса-да, унинг танқидий ҳикояси менда бўлмагур, тушкун таассурот қолдирди. Сокин, бахтли Хитойдан келганим учунми, бояги гапларга ишончсизроқ қарардим. Соғлом одам беморнинг рухий тушкунлигини тушуниши амри маҳолда. Мушук-одамларнинг қўлидан умуман иш келмаслигига ҳеч ишонгим келмасди. Ҳарқалай, улар одам-ку, инсон эса ҳамма нарсани енгиб ўтишга қодир!

Мен Катта Чаён орқали сиёсий арбоблар билан танишиб олишга қарор қилдим. Жилла бўлмаса, биронта эс-ҳушли одамни учратсам, умид учқунлари пайдо бўлармиди. Халқ билан гаплашсам, янаям фойдалироқ бўларди-я, бироқ оддий мушуклар чет элликлардан чўчишади, бунинг устига, сиёсатдан узоқда юрадилар. Бундай халқни бошқариш жуда осон. Гарчи мен қаҳрамонлар олдида эгилиб туришни унчалик хоҳламасам-да, халқ учун жонини фидо қилишга ҳозир қаҳрамонни сиёсатдонлар орасидан излашга тушдим.

Уша кунлари Катта Чаён мени тантанали зиёфатга таклиф қилиб қолди. У донғи кетган эмасми, меҳмонлари орасида сиёсатдонлар бўлиши аниқ. Мен анчадан буён ҳеч қаёққа чиқмагандим, оёқ чигилини бир оз ёзиб келсам зиён қилмасди. Кўча боягидай одамларга тўла, худди чумоли уяси дейсиз. Бу ернинг одамлари меҳнаткашлиги билан эмас, фақат елиб-югуриши жиҳатидан чумолиларга ўхшарди. Мен бу қашшоқ шаҳар нимаси билан ҳаммани ўзига жалб қилишига, барча мушук-одамлар буёққа интилишига асло тушунолмас эдим. Афтидан, қишлоқларда молиявий аҳвол жуда ёмон бўлса керак. Мен сезган ягона ижобий ўзгариш шуки, кўчалардаги сассиқ ҳидлар сал бўлса-да йўқолган — сўнгги кунларда ёмғир роса қуйганидан, кўчаларни «Тозалик учун ҳаракат» йўсинида тозалаб кетганди.

Мен келганимда Катта Чаён уйида йўқ экан. Сайхонликда турганимда менга овқат олиб келган мушук-одам пайдо бўлди. Биз таниш бўлганимиз сабабли у гапга тушиб кетди:

— Мабодо сени тушликка таклиф этишса, кечқурун ёки эртаси кун эрталаб келгин,— деб тушунтирди у.—

Ҳатто икки кундан кейин келсанг ҳам бўлаверади. Одатимиз шунақа.

Бу ўғити учун чин юракдан миннатдорчилик билдириб, зиёфатга яна кимлар таклиф қилинганини сўрадим. Агар меҳмонлар дилимга ўтиришмаса, кетиб қоламан, деган қарорга келиб қўйгандим-да.

— Жуда таниқли одамлар,— деди у.— Акс ҳолда, сендай чет элликни таклиф қилишмаган бўлишарди.

Майли, қолганим бўлсин. Бироқ зиёфатгача нима қиламан? Шунда чўнтагимда ётган бир неча эски миллий нуфузларни олиб хизматкорга узатдим. Барча ишлар ўз-ўзидан юришиб кетди. Тезда мени сўрига таклиф қилиб, ажойиб воқеаларни сўзлаб беришди. Пул мушук-одамларнинг оғзини очиш учун жуда яхши калит, очқич экан.

— Шаҳарликлар тирикчилик учун пулни қандай топдилар?— дея хизматкорни суҳбатга тортдим.

— Буларми?— қайтариб сўради хизматкор, девор ортидаги одамлар оқимига ишора қилиб.— Ҳеч нима билан.

— Ие, қанақасига? Улар нима ейишади?

— Қайф қилувчи нарсаларни.

— Уларни қаердан олишади?

— Бигтаси амалдор курсисига миңса бўлди, кўплагига ўша етади. Амалдор наша экади, уни сотади, бир қисмини эса қариндош-уруғлари ва ёру дўстларига тарқатади... Кичик амалдор эса уни сотиб олади ва шу орқали қариндош-уруғ ва дўстларига ёрдамлашади. Қолганлар эса ўзларига яқин бўлган амалдор пайдо бўлгунча кутиб турадилар.

— Афтидан, амалдорлар жуда кўп бўлса керак-а?

— Ҳа, ишсизлардан бўлак ҳамма амалдор! Мен ҳам амалдорман,— кулиб қўйди хизматкор. Зўрма-зўраки, калондимоғ кулгиси билан у бир вақтлар мен ундан узиб олган бир парча жун учун ўчини олгандай бўлди.

— Амалдорлар ҳақ олишадими?

— Албатта-да. Ҳазрати Олийлари берадилар!

— Агар шунда одам ялқовлик қилиб юриб, ҳеч нарса ишлаб чиқармаса, император бунча пулни қаердан олади?

— Қимматбаҳо буюмлар, ер бойликларини сотишдан келган маблағдан... Ахир, сизлар, чет элликлар жонжон деб сотиб оласизлар-ку! Шулар бор экан, пул ҳақида ғам чекмаса ҳам бўлаверади.



— Музей ва кутубхоналарнинг сизларга зарари тег-маса ҳам сотасизларми? Ахир, китоб ва қадимий ёдгор-ликлардан маҳрум бўлиш тараққиётга халақит бер-майдами?

— Бунинг нима аҳамияти бор? Пул бўлса бўлди-да!

— Бундан чиқдики, сизларда ҳеч қандай иқтисодий муаммолар йўқ экан-да?

Бу савол анча мураккаб бўлганидан хизматкор миқ этмади.

— Илгарилари бўларди, энди бўлса йўқ.

— Авваллари деганинг нимаси? Ҳамма ишлаган вақтдами?

— Худди шундай. Ҳозир қишлоқлар деярли бўм-бўш, шаҳарларда чет элликлар савдо-сотик билан маш-ғул. Ишлашнинг мутлақо иложи қолмаган. Одамлар дам олишяпти.

— Унда амалдорлар қаердан келиб қолишди? Ахир, улар ҳаммавақт ишқамаслик қилишолмайдилар-ку. Шундоқ ҳам кайф қилувчи барглари бериб тургандан кейин амалдор бўлишга ҳожат борми?

— Катта амалдорлар шунчалик кўп топишадими, ҳатто кайф қилувчи нашалардан ташқари чет эл буюм-лари, янги хотин олишга ҳам қурблари етади. Бошқа фуқаролар эса зўрға учма-уч яшайди. Лекин бизда амал-дор бўлиш унчалик қийин иш эмас; чунки ишидан кўра имтиёзи кўп-да. Мен ҳам уриниб кўрдиму, аммо ҳеч нарса чиқмади.

— Марҳамат қилиб айт-чи, элчининг марҳум бева-си нима ҳисобига тирикчилик қиларди? Ахир, у нашани истеъмол қилмасди-ку.

— Бошқа нарса ҳам ейиш мумкин, фақат у анча қимматга тушади. Бизда гўшт, мева-сабзавотнинг ҳам-маси чет элдан келтирилади. Сен қишлоқда нашани истеъмол қилишни хоҳламаганингда, биз сен учун озмун-ча пул сарфладикми? Элчининг беваси ҳам ғалати аёл эди, нашани ёқтирмасди. Унинг инжиқликларини ҳеч ким кўтармасди. Шу сабабдан у эрининг канизаклари бўлган бузуқ қизлар билан бирга ёввойи мева илдизла-рини йиғиштириб юрарди.

— Улар гўшт ейишармиди?

— Гўштни топиш мушкул иш. Биз анча олдин — ҳали нашаларни қабул қилмасдан бурун барча жон-зотларни қириб ташлаганмиз. Сен бу ерда биронта жо-нивор ё қушни учратдингми?

Мен ўйланиб қолдим.

— Ҳайвонлар ростдан ҳам кўринмайди,— дедим бир оз сукутдан сўнг,— қушни эса кўрганман: оқ думли калхатларни.

— Ҳа, ўшаларгина омон қолган, чунки гўшти заҳарли, йўқса, улар ҳам одамзод дастидан омон қолишмасди.

«Жуда чаққон экансизлар!— ўйладим ичимда.— Чумоли ва асаларилар ҳам келажак ҳақида қайғурмайди, бироқ инстинктини сақлаб қолади, сизларда эса ўшаям йўқ. Император ё доҳийларингиз сизларга маърифат, ақл-идрок бериш ўрнига табиий инстинктдан маҳрум қилибди-да. Оломоннинг устидан роса кулибди-ку?! Мактабдагилар саводсиз, сиёсатдонлар қовоқмия одамлар, инсоний ҳис-туйғудан маҳрум, қалби тор, чиркин. Бу тақдирнинг жудаям оғир ҳазили эмасми-кан?»

Шундай бўлса-да, сиёсатдонларни кўришга азм қилдим. Улар бирон-бир ярашадиганроқ нарсани ўйлаб топишгандир. Балким оддийгина усулни қўллаш: нашаларни одамларга тенг тақсимлаш, янгича всеизмни ташкил қилиш имкони бордир. Албатта, бу энг сўнгги чора. Яхшиси, эски омон-омон замонларга қайтиш, кайф қилувчи оғуларни ман этиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини тиклаш лозим. Бироқ буларнинг ҳаммасини ким қилади? Ҳайвонсифат маҳлуқ ёки қурт-қумурсқалардан одамларга айланиш учун жуда кўп куч, қатъийлик ва ирода талаб қилинади.

Мен ҳам худди Кичик Чаёндай шубҳагўйга айланган эдим.

Ниҳоят, Катта Чаён етиб келди. Шаҳарга келгандан бери у жуда озиб кетибди. Бироқ афт-ангоридан яна ҳам айёрроқ, қабиҳроқ кўринди. Қишлоқдаги помешчигим олдида хушмуомала бўлиш ҳеч қўлимдан келмасди.

— Нега чақирдинг?

— Шундай, гаплашгим келди.

Албатта, бирон нарсани ўйлаган бу хумпар! Мен унга нисбатан шундай нафрат сездимки, ҳатто берадиган саволларимдан ҳам воз кечиб юбораёзим.

Меҳмонлар бирин-кетин келабошлади. Бу нотаниш кишилар одатдаги мушук-одамларга сира ўхшамасди. Аммо негадир мени «эски дўстимиз» деб аташди. Мен бирмунча қўполлик билан Ердан учиб келганимни,

улар билан дўст бўлолмаслигимни айтсам ҳам, бу ачиқ сўзни индамай ютиб юборишди.

Меҳмонлар ўндан ортиқ киши эди. Бахтимни қарангки, буларнинг ҳаммаси сиёсатчилар экан. Суҳбат мобайнида уларни уч гуруҳга бўлдим: биринчи, энг катта гуруҳга Катта Чаён кирар эди. Улар мени зўрма-зўраки дўстим деб аташса-да, бунинг зўрга айтишаётганлиги шундоқ билиниб турарди. Кичик Чаёнинг таъбирича, булар эски тулкилар эди. Иккинчи гуруҳ аъзолари сал ёшроқ бўлиб, менга жуда илиқ муносабатда бўлишди. Қалондимоғ, гурурли бу «зот»лар хохолашгани-хохолашган эди. Улар эски тулкиларнинг баъзи усулларини ўрганишгану, бироқ охиригача эплашмас эди. Учинчи, энг кичик гуруҳ «эски дўст» сўзини бутунлай ноқулайлик билан айтар, ҳатто йиманиброқ, тортиниб туришарди. Ушаларни негадир Катта Чаён кўпроқ мақтади:

— Бу дўстларимиз ҳозиргина у ёқдан келишган.

Мен унинг сўзларини дуруст илғамадиму, лекин тезда англашимча «у ёқдан» дегани — мактабдан, институтдан экан. Сиёсатга сал-пал аралашган ёшларнинг қари тулкилар билан қандай муомала қилишларини кузатиб ўтирдим.

Миррихга келиб кўрганим биринчи зиёфат бошланди. Меҳмонлар стол атрофига йиғилиб, нашаларни истеъмол қила бошладилар. Буларни аввалдан сезардим, аммо кейинги ишлар мен учун янгилик эди.

— Биз бугун ҳозиргина у ёқдан келган дўстларимизни қутлаяпмиз, — дея гап бошлади Катта Чаён, — шунинг учун ҳам фоҳишаларни танлаш уларнинг ўзига ҳавола қилинади.

Ёш сиёсатдонлар мағрур илжайиб қўйишди, кўзларини қисиб сал хижолат тортишди-да, всеизм ҳақида яна алланималарни минғирлашди. Энг яқин одамимдан ажралиб қолгандай юрагим сиқилди. Мана, уларнинг всеизми! Куни кеча «мактаб»ларда (бир кунлик мактабда) янги тамойилларни ўрганишди, бу ерда эса всеизм, яъни сиёсатни фоҳишалар билан аралаштириб ўтирибдилар. Йўқ, аччиғланмайман, озгина кузатиб турай-чи.

Аёллар хонага киргач, ҳаммага наша барглари тарқатиб чиқилди. Ёш сиёсатдонлар қизарганча Катта Чаёнга хуфиёна назар ташлаб қўйишди. Бунинг сезган мезбон кулиб юборди:

— Танланглар, жаноблар, тайланглар! Уялманглар!

Ёшлар биттадан фоҳишани танлаб олишди-да, пастки қаватга тушиб кетишди. У ерда Катта Чаён роҳат-фароғат қилмоқ учун барча шароитни муҳайё этган эди.

Ёшлар эшикдан чиқар-чиқмас, Катта Чаён қолган сиёсатдонларга кўз қисиб қўйди.

— Хўш... энди улар йўқ, биз ишлар тўғрисида бемалол гаплашсак бўлаверади.

Мен тўғри тахмин қилган эканман: у ростдан ҳам алланарсани режалаштирган.

— Воқеаларни эшитдингларми?— сўради Катта Чаён.

Кексалар унинг саволига мутлақо эътибор беришмади: гўёки улар чуқур мулоҳазага берилиб кетишган эди. Ёш, сал ёшроғи бош ирғаб қўйди ва хонадагиларга разм солгач, бошини силтади-да, нигоҳини шифтга тикди.

Мен хохолаб юбордим. Барчалари жиддийроқ тусга киришди, бироқ орқадан менга ҳиринглаб қўйишди. Ахир, мен чет эллик эдим-да! Ниҳоят, ўрта авлод вакилларидан бири гап бошлади.

— Ҳа, баъзи нарсаларни эшитдим, бироқ бу гаплар тўғрими-йўқми, билмаймиз. Ҳеч нарса билмаймиз!...

— Албатта, тўғри-да! Менинг аскарларим мағлубиятга учради!— хитоб қилди Катта Чаён.

Лекин бу гал гўё бурунларидаги жунларни ҳам бевозта қилишга чўчишгандай, узоқ жим қолдилар.

— Жаноблар, балки яна бир неча фоҳишани таклиф қилсакмикан-а?— таклиф қилди Катта Чаён.

Сиёсатдонлар жонланиб

— Албатта, албатта! Аёлларсиз ҳеч нарсани ўйлаб бўлмайди. Қани, тезроқ чақиринг!!

Фоҳишалар кириб келгач, эркаклар жонланиб қолишди, қуёш ғарбга оғиб қолган, сиёсат ҳақида эса ҳеч ким оғиз очмасди.

— Зиёфат учун ташаккур! Эртагача!— дейишарди меҳмонлар ўзлари билан фоҳишаларни олиб чиқиб кетишаркан. Қарши эшикдан чоллардай ранги қип-қизил эмас, балки кўк-кулранг тусли ёшлар чиқиб келишарди. Баъзиларнинг «раҳмат» айтишга ҳам ҳоллари қолмаган, фақат всеизм ҳақида минғирлашарди, холос.

«Афтидан, қандайдир ўзаро жанжал бошланган», деган хаёлга бордим. «Катта Чаён мағлубиятга учрагач, ёрдам сўраган, ammo унга ёрдам беришмаган. Мен

ҳамма нарсани тўғри тушунган бўлсам, асли ҳеч қандай фожиа юз бергани йўқ». Катта Чаён афти хавотирли ва ташвишли эди. Хайрлашув олдидан ундан аскарлари мағлубиятга учрагани сабабини сўрадим.

— Чет элликлар бостириб киришди!— жавоб берди у.

## 23

Қуёш ботмаган бўлса-да, аҳоли аллақачон уй-уйларига беркиниб олган эди. Деворларга: «Охиригача курашамиз!», «Давлатимизни омон сақлаш — ўзимизни омон сақлашдир!», «Йўқолсин босқинчилик!» сингари шiorлар ёзиб қўйилган эди.

Бу баландпарвоз сўзларни кўргач, худди бир доирада айлантирилган ҳўкиздай бошим айланиб гангираб қолдим. Кўчада ёлғиз кетар эканман, ҳаво етишмас эди. Қулоғим остида мотам кўнғироқларининг жаранглашидай «Чет элликлар бостириб киришди!» деган сўзлар жаранглар эди. Нимага энди бостириб киришди? Катта Чаён, афтидан жуда қўрқиб кетган, акс ҳолда менга муфассалроқ сўзлаб берган бўларди. Бироқ қўрқув уага зиёфат беришга, фоҳишаларни чақиритишга, сиёсатдонларга эса ўша фоҳишалар билан кўнғилхушлик қилишга имкон яратган эди. Мен уларда ор-номус ва қалбнинг бор-йўқлигига шубҳаландим.

Кичик Чаён олдига бориш керак. У жуда тажанг бўлса-да, салтанатдаги ягона эсли-хушли одам эди. Сиёсатдонларни кўрганимдан кейин уни тажангликда айблашга ҳаққим йўқ эди.

Қуёш ботди. Қип-қизил шафақ тепасидаги енгилгина туман осмон гўзаллигию заминнинг аянчли ҳолатини кўрсатиб турар эди.

Атроф сокин эди. Жимжитлик. Енгил шабада гоҳ елкамга, гоҳ кўз ёшлардан ҳўл бўлган юзимга урилади. Ҳатто қадимги замонларда ҳам саҳро бу ҳайҳотдай шаҳар сингари бўм-бўш бўлмаган бўлса керак.

Кичик Чаёнкига кириб, қоронғида ўтирган аллақандай одамга дуч келдим. У дўстимга қараганда гавдали ва кўримли эди.

— Бу ким?— дея сўради нотаниш киши овозини кўтариб. Дабдурустдан берилган саволданоқ унинг оддий мушук-одамлардан эмаслигини тушундим.

— Чет эллик. Ердан келган.

— Э-э, Ерлик жаноб дегин. Утир!— унинг таклифи

хам буйруққа ўхшарди. Лекин барибир тўғрисиўзлиги билан мени ром қилаётганди.

— Сен ўзинг кимсан?— сўрадим уни яхшироқ кўриб олиш учун ёнига ўтирар эканман.

У кенг елкали бўлиб, қулоқлари, бурни ва оғзи жун ичида билинмас, фақат йирик кўзларигина чарақлаб турарди.

— Мен Катта Шунқорман,— деди у,— Бу асл номим эмас, лақабим. Нега мени шундай аташади—ҳайронман. Қўрқишганидан бўлса керак. Бизнинг юртимизда софдил, кенг феъл, бардошли кишиларни даҳшатли ва жирканч, деб аташга ўрганиб қолишган...

Осмонни қоронғулик чулғаб олди. Катта Шунқорнинг тепасидаги худди баҳайбат гулдай осилиб турган булутга маҳлиё бўлганча тикиларканман, ҳали кўрганним қизил шафақни эсладим.

— Кундузи кўчага чиққани журъат қилолмайман, аммо оқшомлари баъзан Кичик Чаённи кўргани келиб тураман,— дея жимликни бузди суҳбатдошим.

— Нега кундузи чиқишга журъат этолмайсан?

— Кичик Чаёндан бошқа ҳамма менинг душманим. Нега энди кўнгилсизликларга рўпара бўлишим керак экан? Мен тоғда яшайман. Кеча тунбўйи йўл босдим, кундузи эса беркиниб ётдим. Тамадди қилиб олгани тезроқ бирон нарса бер. Бир кеча-кундуздан буён туз тотганим йўқ.

— Мана, наша баргидан ол.

— Буни истеъмол қилгандан кўра оч ўлганим афзал.

Бундай қатъиятли одамни Мушуклар мамлақатида биринчи марта учратишим эди. Мен овқат топиб келсин, деган ниятда Нашахонни чақирдим. Қиз уйда бўлсаям олдимизга чиқмади.

— Уни тинч қўйинг. Аёллар ҳам мендан ҳайиқишади. Барибир, ўлимимиз яқин — оч қолсак ҳам ҳеч нарса қилмайди.

— Чет элликлар бостириб киришдими?— сўрадим мен.

— Шунинг учун ҳам Кичик Чаённинг олдига келдим-да.

— Дўстингиз жудаям тушкун ва енгилтабиат, — дедим унга. Очиқ гапириш айбимни бироз бўлса-да ювиб юборарди.

— Кичик Чаён ақлли бўлгани учун ҳам шундай тушкун ҳолатда юради. Яна нима дединг? Мен бу сўзинг-

ни англаб етмадим. Мабодо бирон-бир жиддийроқ нарса қилгим келса, доимо унинг олдига югураман. Тушкун одамлар ўлимдан эмас, ҳаётдан кўрқишади. Бизнинг юртдошларимиз ҳатто териси танасига ёпишиб кетса, жабр-ситаи тортишса ҳам ҳушчақчақ юришади. Улар туғилгандаёқ ғам-алам нималигини, тўғрироғи, ўй суришни, фикрлашни билмайдилар. Бу фақат Кичик Чаённинггина қўлидан келади, уни мендан кейинги энг софдил одам, деса бўлади.

— Сен ҳам тушкун, умидсиз одаммисан?— дедим суҳбатдошимга, унинг яхши хислатларига шубҳаланмасам-да, такаббурлигини юзига айтишга қийналиб...

— Менми? Асло! Шунинг учун ҳам ҳамма мендан кўрқади. Агар Кичик Чаёндай қайғуга ботганимда мени ҳам тоғларга қувиб юборишар эди. Фарқимиз шуки, у калласиз, золим одамларни кўргани кўзи йўғу, бироқ тегмайди, менда уларга нисбатан нафрат йўқ, уларнинг ақлини киргизиб қўймоқчиман, холос. Одамга ўхшаб яшашга даъват этмоқчиман! Ана шу даъват уларнинг жиғига тегяпти. Аммо хавф-хатар яқинлашгудек бўлса, Кичик Чаён билан якдилмиз—биз кўрқмай-миз.

— Сен сиёсат билан шуғулланганмисан?

— Ҳа. Бир пайтлар мен нашазорларга ва фоҳиша-бозликка, кўпхотинлиликка қарши чиққанман, бошқаларни ҳам қарши чиқишга ундаганман. Шунда кекса арбоблар ҳам, ёш арбоблар ҳам мени ашаддий жиноятчи, деб эълон қилишди. Сен шуни билгинки, бирон нарсани рад этган, ҳақиқатга интилган мард бизда иккиюзламачи саналади. Пиёда юрсанг ҳам атрофингдагилар сени бошқалар боши узра юрмаганингни кўриб, иккиюзламачи деб аташади. Бизнинг давлат арбобларимизу талабаларимиз иқтисод, сиёсат, ҳар хил «изм» ва «акция»лар ҳақида оғиз кўпиртиргани-кўпиртирган. Мабодо масаланинг маъзига етишга уринсанг, тамом, кўзларини бакрайтириб, аччиғлари келади. Оддий фуқаролар-чи! Ёрдам тақлиф қилсанг устингдан кулишади, нашани озроқ тортинглар, деб маслаҳат солсанг, сени риёкорга чиқаришади. Императордан тортиб то оддий фуқарогача барча ёмон қилиқларни табиий ҳол, яхши қилиқларни эса иккиюзламачилик деб билишади. Епирай! Шунинг учун улар «иккиюзламачилик»ни қури-

тиш мақсадида қотиллик билан машғулдирлар. Менимча, ҳар қандай сиёсий нуқтаи назардан қатъи назар, қайта қуришни иқтисоддан бошлаш ва уни тўғри олиб бориш керак. Бизнинг арбобларимиз орасида эса биронта ҳам ростгўй одам йўқ, иқтисодда ҳам ҳеч балони тушунишмайди. Ҳокимият улар учун фақат эзиш ва хўрлаш учун бир восита, холос. Қишлоқ хўжалиги ва саноат жуда хароб аҳволга тушиб қолган. Бордию мендай бир одам сиёсатни инсонпарварлик ғоялари асосида қурмоқчи бўлса, уни дарҳол фирибгарга чиқаришади. Акс ҳолда, раҳбарлар ноҳақликларини тан олишдан бўлак чоралари қолмайди-да.

Бундан кўп йиллар муқаддам иқтисодий номутаносиблик оқибатида сиёсий ўпирилишлар юзага келганди. Ҳозир иқтисод ҳақида гап йўқ. Обрўйимизни тиклаш учун эса соф инсоний нормаларга қайтиш даркор, бироқ бу ўликни тирилтиришдек мушкул иш. Биз сонсаноксиз сиёсий зилзилаларни бошдан кечирдик. Меҳрсаноқибат, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва биродарлик каби инсоний ҳислатлар таг-томирини билан йўқатилди—золимлар мазлумлар устидан тантана қилдилар. Энди улар сўнгги ғалабани кутаётирлар... Инсоний ҳислатлардан гап очсам, бўлди, ўша ондаёқ мени бошдан-оёқ тупурукка белаб ташлайдилар. Бундан ҳам даҳшатлиси, хорижий элларда муваффақиятли қўлланган ислохотлар бизга етиб келгани ҳамон бузилиб, ярамас нарсага айланади. Табиатнинг фойдали неъматлари наша олдида ожизлик қилади чоғи. Бироқ мен ҳеч умидсизликка тушмайман: виждонан, ҳалол яшадим. Шу боисдан жамияттаги ёлғончилик, сотқинлик ва ёвузликка қарши курашдан тўхтамайман. Аммо меҳнатларим мевасини тотимаганимга ачинаман. Майли, дўстларим, яхшилик, виждон узоқ яшайди-ку!

Қатта Шунқор жимиб қолди. У ҳансираб нафас оларди. Мен давр қаҳрамонларига мадҳу сано айтишни ёқтирмасам-да, аммо бу одамга қойил қолдим! Рўпарамда мингларча мартаба хўрланган, нафсонияти ерга урилган, шунга қарамасдан мушук-одамлар фаолиятини ўзгартиришга бел боғлаган буюк қалб эгаси турар эди.

Кичик Чаён қайтиб келди. У ҳеч қачон бунчалик кеч қайтмаган эди. Аллақандай муҳим нарса уни тутиб қолганга ўхшарди.

— Келганинг жуда яхши бўлди-да!— деди у Қатта



Шунқорни бағрига босаркан.

Икки дўстнинг кўзида ёш оқарди. Мен уларнинг ҳаяжонлари сабабини сўрашга ботинолмадим. Кичик Чаён сўзида давом этди:

— Барибир, сенинг келишинг ҳам ёрдам бермайди!

— Биладан. Ёрдам бермайдигина эмас, ҳатто халақит ҳам беради. Бироқ олдинга келмасам бўлмасди. Менга ҳам навбат келди.

— Нима қилмоқчисан!

— Жангда ҳалок бўлиш шарафини сенга қолдираман. Ўзим ими-жимида ўлиб кетаману, лекин бошқаларга фойдам тегади. Қанча одамнинг бор?

— Кўп эмас. Отамнинг аскарлари аллақачон чекиниб бўлишди, бошқалар ҳам шу ниятда. Фақат Катта Пашшанинг одамларигина буйруқларимга бўйсунishi мумкин, бироқ сенинг бу ерда эканлигингни билишса, улар ҳам биздан кетиб қолади.

— Тушундим, — хўмрайди Катта Шунқор, — сен отангнинг аскарларини қайтароласанми?

— Бундан ҳеч нарса чиқмайди, деб қўрқаман.

— Унда тартиб ўрнатиш учун бир-иккита командирни дорга ос!

— Уларнинг бошлиғи тузук одам-да...

— Намуна учун мени олақол. Уларга шундай тушунтирасан: аскарларим ҳам етарлик, буни ватанпарвар деб олд фронтга жўнатгандим, буйруқни бажармади. Бундайларнинг жазоси ўлим!

— Майли, бу фараз бўла қолсин. Гарчи сенинг биронта аскаринг бўлмаса ҳам, юз мингта, деб айтаман. Хўш, кейин-чи?

— Кейин, мени ўлдирасан-да, бошимни кўчага, бир дарахтга осиб қўясан. Шунда аскарлар сенга бўйсунишади...

— Ростдан ҳам бу ягона нажот йўлимикан?.. Уларга қўмондонликни отам менга ишониб топширади, деб ёлгон гапиришим ҳам керак-да...

— Ҳа, фақат тезроқ қимирла, душман яқинлашиб қолди. Қанчалик кўп аскар тўпласанг, шунчалик яхши бўлади. Мен эса, дўстим, жаллодим сен бўлмаслигинг учун ўзимни-ўзим ўлдираман.

— Тўхтанглар! — беихтиёр бақириб юбордим қалтираган овозда. — Тўхтанглар, ахир! Бу режаларинг сизларга нима беради?

— Ҳеч нарса, — деди Катта Шунқор боягидай хўм-

райганича.— Душманнинг аскарлари ҳам, қурол-яроғи ҳам етарли, ҳатто бутун мамлакатни оёққа турғизсак ҳам енгизишимиз амри маҳол. Бироқ, бизнинг мардларча ҳалок бўлганимиз Мушуклар давлати тараққиётини бутунлай бошқа томонга буриб юборади-да. Шунда бошқа мамлакатлар биздан нафратланмаган бўларди. Бизнинг ҳалокатимиз шон-шуҳрат учун эмас, балки тарихий заруратдир. Биз қул бўлишни истамаймиз! Виждон ҳаётдан ҳам узунроқдир. Алвидо, жаноб Ерлик!

— Тўхта!— дея бақирди Кичик Чаён.— Яхшиси қирқта наша баргидан еб олгин, ўлишинг осонроқ бўлади.

— Майли, — деди Катта Шунқор кулимсираб.— Ҳаёт ғаройиб нарсада. Ҳозиргача кайф қилувчи барглари оғзимга олмагандим, шу сабаб мени мунофиқ деб ҳисоблашар эди. Майли, ҳеч бўлмаса энди қўлларида ашёвий далил бўлади. Нашахон, қани барглари келтир. Мен ҳеч қаёққа бормайман, ўлимим олди-дан дўстларим билан бирга бўлишни хоҳлайман...

Қиз бир қучоқ барглари келтириб ўзи чиқиб кетди. Катта Шунқор шаҳд билан уни оғзига солаверди.

— Уғлинг нима бўлади?— сўраб қолди Кичик Чаён афсус оҳангида.— Э-э, буни гапирмаслигим керак эди.

— Ҳечқиси йўқ. Мамлакат хароб бўлмаса, бир кунини кўриб кетар, — жавоб берди Катта Шунқор оҳистагина.

У барглари секин чайнашда давом этди. Бирпасдан кейин наша таъсир қилди шекилли, «Уйқум келяпти» дедию полга чўзилди. Мен қўлларида ушладим, у миннатдорчилик билдирди. Бу Катта Шунқорнинг сўнгги сўзлари эди. Ярим кечага бориб у ҳаёт билан видолашди.

## 24

Катта Шунқорнинг ўлимини ўз-ўзига суиқасд деб қабул қилмадим. Бу жасур кишининг орзулари қачон амалга ошишини билмадим, аммо кесилган боши майдон ўртасидаги устунда осилиб турганини кўрдим. Мен ўша бошни кўргани эмас, балки бундай томошалари жуда хуш кўрадиган Мушуклар шаҳарчаси аҳолиси руҳиятини кўргани келган эдим. Кичик Чаён ғойиб бўлган, ҳатто Нашахонникида ҳам кўринмасди. Мен кўчага чиқишга аҳд қилдим.

Шаҳар ҳамшиша бўлганидек гавжум, ҳатто илгариги-

дан ҳам жонлироқ эди. Ахир, кесилган бошни ким томоша қилгиси келмайди? Йўлда ётган тошдан кўра бу анча қизиқарлироқ-да. Айтишларича, устун олдидаги сурди-сурдида уч чол ва иккита аёлни босиб-янчиб ташлашибди. Лекин бундан ҳеч ким қайғу чекмади, негаки уларда томоша учун ҳалок бўлиш фахр ҳисобланади. Оломон бир-бирини кўпроқ қисар, истаганча ҳақорат қилар, аммо бу кимнинг боши, нима учун ўлди, деб ҳеч ким сўрамасди. Оломон гаплари ғалати эди:

— Ҷ-ў, сочи жуда ўсиб кетган.

— Кўзлари юмуқ экан.

— Афсуски, фақат бошини қўйишибди-да! Танасини ҳам қўйиш керак эди...

Қатта Шунқорнинг қарори тўғри бўлган эди. Ахир, бундай бепарқ ва меҳрсиз одамлар билан яшаш азоб эмасми?

Мен оломон орқасидан амаллаб сирғалиб чиқиб, император саройи томон жўнадим. Юриб бўлмасди. Машшоқлар баралла чолғу асбобларини чалишар, одамлар гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўтиб рақс тушишар эди. Бекорчиларнинг шовқин-суронидан машшоқлар никоҳ куйини чалишаётганини англадим. Одамларнинг кўплигидан келинлар тушган тахти-равонни кўрмадим — уларни қанча мушук-одамлар кўтариб кетаётганини ҳам аниқлай олмадим. Дарвоқе, мени бошқа савол қийнади: нега энди мамлакат бошига оғир кун тушганда никоҳ тўйи ўтказиш зарур бўлиб қолди?

Мушук-одамлар чет эллик билан гаплашишдан ўлардай кўрқишади. Жавоб берадиган мард топилмади. Мен яна Нашахон ёнига қайтдим. У хонасида йиғлаб ўтирарди. Мени кўргач, гўё уни камина хафа қилгандай баттар йиғлай бошлади. Гап бошлашдан олдин уни узоқ юпатдим.

— Кичик Чаён фронтга жўнаб кетди. Нақадар даҳшат!— дея йиғларди у.

— Ҳечқиси йўқ, ҳадемай қайтиб келади,— дедим кўнглини кўтариб.— Кўрасан, йигитинг албатта қайтади.

— Ростдан-а?— кулди у кўз ёшларини артаркан.

— Бўлмасам-чи! Ҳозир эса мен билан юр, айланиб келамиз. Елғиз йиғлаб ўтирганинг етар.

— Ҳеч ҳам йиғлаётганим йўқ-да,— деди Нашахон кўз ёшларини артиб, ўзига оро бера бошларкан:

Биз кўчага чиқдик.

— Нега бунча сизларда никоҳ тўйлари кўп?— сўрадим йўлда борар эканмиз. Бу шунчаки савол эди, мен аёлни сал бўлса-да, оғир хаёллардан алаҳситганим учун хурсанд эдим. Ростини айтсам, ўзимни ҳам алаҳситардим. Кичик Чаённинг ҳалокати муқаррардай эди назаримда.

— Уруш ёки катта жанжал бошланиши олдидан ҳамма тўй қилишга ошиқади. Чунки барча қизларни аскарлар бузиб қўйишидан қўрқишади,— менга тушунтирди Нашахон.

— Тўйларни нега бунчалик дабдабали ўтказишади?

Менинг фикри-зикрим уруш билан банд эди. Лекин мушукларнинг ҳаётга муносабати бу гал одамларни-кидан кўра тузукроқ эди.

— Тўй учун дабдаба жуда зарур. Уруш тезда тугайди, никоҳ эса инсон ҳаётида бир марта бўлади-да.

Кичик Чаён қайтиб келади, деган гапимга ишонган Нашахон хотиржам ўтириб мени қандайдир пьесани томоша қилишга таклиф этди.

— Бугун ташқи ишлар вазири ўғлини уйлантириши муносабати билан кўчада катта томоша уюштирган. Борамизми?

Уруш пайтида бундай бемазагарчилик билан шуғулланаётган вазирни ўлдириш пьеса томоша қилишдан афзалроқ эди. Бироқ қотилликка ярамасдим. Мушуклар театрини эса ҳали кўрмаган эдим. Начора, бориш керак: сўнги вақтларда фикрлашим ҳам сезиларли равишда мушкуллаша бошлаган эди.

Ташқи ишлар вазирининг уйи олди аскарларга тўлган эди. Тўй бошланган, лекин оддий фуқарони у ёққа яқинлаштирмас эдилар. Олдинга интилганлар бошига таёқ тушарди. Мушук аскарлар фуқаролар билан жанг қилиш ҳавосини роса олишган. Мени урушга даъват қилмасликлари тайин эди. Саҳнадаги театр мусиқаси олисданоқ менга тўпоридай туйилди, актёрларнинг шовқин-сурони, қулоқларни қоматга келтирувчи қўшиқларга анчагача қулоқ солиб турсам-да, Мушуклар театри менга ёқмади.

— Нима, бу томошадан тузукроғи йўқми сизларда?— деб сўрадим Нашахондан.

— Бору, чет элники. Мен ёшлигимда эшитганман, жуда ҳам ёққан. Сўнг ўйнамай қўйишди, чунки ҳеч ким тушунмасди. Ташқи ишлар вазири замонавий спектаклларнинг тарафдори эди. Аммо негадир кейинги пайт-

ларда вазиримизга қадимги классик пьесалар ёқиб қолди.

— Мабодо биронтаси чиқиб, яна хорижий театрларни мақтаса-чи?

— Бунинг унча фойдаси йўқ. Чет эл пьесалари яхши ишланган, ҳам чуқур маъноли. Вазир уларнинг маъносини тузук-қуруқ тушунмаганидан эски пьесаларимиз ҳақидаги баъзи мақтов гапларга маҳкам ёпишиб олди. Гарчи классик санъат тарғиботчиси деб ном чиқаришга уринса-да, ўзи театр ҳақида заррача тасаввурга эга эмас. Қадимий театрни тарғиб қилиш осон, унинг шинавандалари кўп-да. Бизда кўпинча шундай бўлади: янгилик пайдо бўлиши ҳамон эскилик томонидан сиқиб чиқарилади. Ҳаётда янгиликни жорий қилиш учун кўп куч ва ғайрат зарур бўлади.

Мен бу фикрлар Нашахонники эмас, Кичик Чаённики эканлигини сезиб турардим, чунки унинг ўзи томошахонага ошиқарди. Қизнинг гаплари ёлғонлигини юзига солиш ноқулай бўлса-да, чидаб туролмадим.

— Бу ердан кетамизми?

Театр ҳақида айтилган гаплардан кейин Нашахоннинг мен билан келишмасликка иложи йўқ эди. Мен уни император саройига боришга таклиф қилганимда осонгина кўнди.

Мушуклар шаҳридаги бу данғиллама сарой ўртамиёна эди. Айниқса, саройнинг бугунги ҳолати ачинарли: девор олдида ва устида аскарлар туришарди. Деворларга ҳар хил ифлосликлар чаплаб ташланган, зовурда сувлар одатдагидек сасиб ётарди.

— Чет элликлар тозаликни яхши кўришади,— тушунтирди Нашахон.— Ифлослик — тозаликдан сақлашнининг энг тўғри усули!

Менинг кулишга ҳам ҳолим қолмаган эди.

Деворга бир неча шарпалар тирмашиб чиқа бошлади. Нашахон ҳаяжонланиб бақирди:

— Ҳозир Фармони олийни эълон қилишади!

— Қани? Қим?— сўрадим мен.

— Қара!

Деворга чиққан аскарлар шунчалик имиллашар эдики, оёқларим зирқираб кетди. Ниҳоят, чопарлар арқонга боғланган оқ тошни пастга туширдилар. Синчков Нашахон оҳ уриб юборди.

— Нима бўлди?— шошиб қолдим мен.

— Пойтахт кўчмоқда. Янги Император келяпти. О,

фалокат! Энди Кичик Чаёнсиз нима қиламан?— йиғлаб юборди Нашахон. Шу пайт девордан яна битта тош қулади.

— «Аскарларга ва халққа мурожаат,— дея ўқий бошлади қиз,— Сизларни ўз жойларингизда қолишга амр этамиз. Фақат амалдорларгина император саройига кўчиб ўтадилар!»

Мен бўлғуси ҳазрати Олийларининг «доно»лигига ҳайронлар қолдим, ҳам унинг жаҳаннамга равона бўлишини тиладим. Нашахон кутилмаганда қувониб кетди.

— Ҳечқиси йўқ, кўплар қолар экан, унча қўрқинчли эмас.

«Қизиқ, амалдорлар кетиб қолишса, кайф қилувчи барглари қаердан олар эканлар?»— дея ўйладим ичимда, бироқ шу онда яна янги тош пайдо бўлди.

— «Бугундан эътиборан бизларни «барча жанжалларнинг раҳбари эмас, битта жанжалнинггина бошлиғи» деб аташлар. Бошимизга оғир синовлар тушганда халқ бирдам бўлиши лозим. Ҳамма душмай билан курашга!»— дея ўқиди Нашахон ва қўшиб қўйди:

— Жанжал тугаганида жуда яхши бўларди...

Биз озгина турдик, лекин янги буйруқлар бўлмади. Жарчилар шу девор орқасига ўтиб кетишди. Нашахон тезда уйга қайтиб Кичик Чаён қайтган-қайтмаганини билишга ошиқди. Мен эса бирон янги бир буйруқ бўлиб қолармикан, деган ўйда давлат маҳкамаси томон жўнадим. Нашахон кетган шарқ тарафда ҳамон мусиқа садолари тинмаган, тўй давом этар, бироқ биз турган жойда жимжитлик ҳукмрон эди.

Қизиқ, ташқи ишлар вазирлиги эшиги олдида ҳеч зор кўринмасди. Э-ҳа, ахир вазир бугун ўғлини уйлантиряпти-ку. Бундан чиқдики, ходимларга жавоб бериб юборган. Айтмоқчи, мушук-одамларга ташқи ишлар вазири зарурмикан ўзи?

Амалдорларнинг йўқлигидан фойдаланиб бинога бе-малол кириб кетдим. Ичкарида одам йўқ. Хоналар очиқ, «Норозилик билдирамиз!» деб ёзилган бир тўп тош плиталар бор эди, холос. Афтидан, келса-келмаса, ўн беш қилиб жўнатаверишади. Дипломатлар норозилик билдириш бўйича мутахассислар-ку. Мен чет элдан юборилган биронта ҳужжатни истаб кўргандим — тополмадим. Ўзларининг ишини оғирлаштирмаслик учун чет эллик дипломатлар мушукларнинг «норозилиги»га деярли жавоб беришмаганга ўхшайди.

Кўшни идораларни кўздан кечиришга зарурат қолмаган эди. Модомики, ташқи ишлар вазирлиги шу аҳволда экан, бошқа ташкилотларда ақалли тош плита ҳам бўлмаса керак.

Йўл устида дам-бадам ташкилотлар учрарди: фоҳишабозлик вазирлиги, наша ўрганиш институти, Мушук муҳожирлар бошқармаси, хорижий товарлар билан курашувчи вазирлик. Гўшт ва сабзавот палатаси, Етимлар билан савдо қилувчи оммавий қўмита... Булар фақат энг қизиқарли идоралар эди. Кўпларини мен унчалик тушунмадим ҳам. Барча амалдорларни имтиёзли хизмат ёки бекорчи иш билан таъминлаш учун кўпроқ ташкилотлар тузилган эди. Бироқ мушук одамларга бу ҳам етарли эмас эди.

Мен тўппа-тўғри шаҳарнинг ғарбий даҳаси— «Чет элликлар» маҳалласига ўтишга қарор қилдим. Йўқ, улгурмайман, яхшиси, уйга борақолай. Кичик Чаён қайтиб келгандир. Мен бошқа кўча орқали ортимга қайтдим. Шунда ҳамшаҳарларига ўхшаб театр ёки кесилган бошларни томоша қилмасдан «Буюк муқаддас Мацуга эслалик» деб ёзилган катта тош олдида тиз чўкиб ўтирган бир тўда талабаларга кўзим тушди. Мени кўриб қолишса, қочиб кетишларини билиб, орқа томондан оҳиста келдим-да, уларга қулоқ солдим.

Олдинда турган талабалардан бири қаддини ростлаб бақирди:

— Яшасин маңизм! Яшасин всеизм! Яшасин пулопулап (пролетариат)! Шон-шарафлар бўлсин!

Ҳамма уни қўллаб-қувватлади. Роса тўйиб бақирришгач, бояги нотик талаба қолганларга ўтиришни буюриб, нутқ бошлади.

— Биз барча худоларни ағдариб, ўрнига Буюк авлиё Мацни қўйишимиз лозим,—эълон қилди у.— Отаоналар, тарбиячиларни йиқитиб, эркинлик ва озодлигимизни қўлга оламиз. Императорни қулатиб, всеизмни тиклаймиз. Биз Ватанимизга ҳужум қилган чет элликларни қутлаймиз, чунки улар пулопулаплардир. Ҳозир биз императорни тутиб оламизда, чет эллик ўртоқларга топширамыз. Бундай зўр имконият бошқа бўлмайди, шунинг учун дарҳол ҳаракат қилайлик. Кейин биз амалдор қариндошларимизни, ўқитувчиларни йўқ қиламыз, қарабсизки, барча нашазорлар, аёллар, халқ ва ҳатто всеизмнинг ўзи ҳам бизники бўлади. Буюк авлиё Мац:

«Пулопулап — бутун ер ва коинот ичидаги юқори ва куйи варварлардир!» деган эди. Саройга олға!

Аммо ҳеч ким жойидан жилмади. Талаба баттарроқ бақирди. Яна ҳеч ким ўрнидан силжимади.

— Балки, аввал уй-уйимизга тарқаб, оталаримизни ўлдирсакмикан? — таклиф қилди биттаси. — Саройда аскар жуда кўп, адабимизни еб олмайлик.

Ҳамма ўрнидан ирғиб турди.

— Шошманглар, ўтиринглар! Демак, оталардан бошлаймизми? — дегинча талабалар узоқ баҳслашиб кетишди. Сўнг иккиланиб қолишди.

— Агар биз оталаримизни қириб ташласак, бизга нашаларни ким беради?

— Тўғри. Олдин барча нашазорларни қўлга олиш керак, кейин уларнинг эгаларини ўлдирамыз.

— Бизда ягона фикр йўқ экан, унда иккига бўлинайлик, — таклиф этди бошқаси. — Императорга қарши гуруҳ саройга боради, оталарга қарши гуруҳ эса уйларга тарқалади.

— Ахир, буюк авлиё Мац оталарни эмас, императорни ўлдириш керак, деб айтган-ку!

— Аксилинқилоб!

— Агар биз оталарни ўлдирсак, буюк авлиёнинг ваъналарини бузган бўламиз.

Мен ёшлар муштлашиб кетишса керак деб ўйлагандим. Йўқ, ундай бўлмади. Бақироқ ёшлар гуруҳларга бўлиниб, авлиё Мацнинг ҳайкалига илтижо қилдилар. Кейин алоҳида гуруҳларга бўлиниб кетдилар, бироқ бир тўдаси ҳайкални ўраб тураверди. Ниҳоят, ҳолдан тойишгач, охириги кучларини йиғиб, «Яшасин мацизм!» дея қичқиришди-да, тарқаб кетишди. Оҳ, қандай иблислик!

## 25

Мен мушук-одамларни ҳадеб танқид қилишни хоҳламасдим, чунки танқид қотган тошдан ажойиб ҳайкал ясолмайди. Кечирим лозим бўлган барча нарсани кечирдим, қолганларини эса давлатнинг табиий шароитига тўнкаб қўяқолдим.

Уларнинг қандай жанг қилаётганини кўриш учун Кичик Чаёни кутдим.

Нашахон ўзини қўярга жой тополмасди. Мушук — амаддорлар жуфтакни ростлаб қолишганидан кўчалар



хувиллаб ётарди. Одамлар Катта Шунқорнинг кесилган бошини баҳузур томоша қилишар эди. Фронтдан хабар олишнинг эса иложи бўлмади. Гарчи «давлат» сўзи кўп ишлатилса ҳам оломон давлат ишлари ҳақида тасаввурга эга эмас эди. Наша — давлат озик-овқати. Катта Шунқор — давлат жиноятчиси...

Янгилекларни билиш учун чет элликлар маҳалласига боришга тараддуд кўрдим. Мабодо Кичик Чаён келиб қолса кўрмай қоламанми, деган хавотирдаман. Нашахон менга тирғалгани-тирғалган: «Ана, Атиргуллар кочиб кетишди, балки биз ҳам қочармиз», — дерди у. Мен жимгина бош ирғаб қўйдим.

Ниҳоят, Кичик Чаён қайтиб келди. Нашахон хурсандлигидан йиғидан ҳўл бўлган тумшукчасини унинг кўкрагига қадаб олганди. Кичик Чаён маҳзун кўринар, юзидан одатдаги кинояли илжайиш ҳам йўқолган эди.

— Хўш, ишлар қалай? — деб сўрадим у ўзига келиб олгач.

— Хароб, — дея уф тортди у.

Нашахон аввал менга, кейин Кичик Чаёнга назар ташлади-да, ўзини қийнаб юрган саволни ийманибгина берди:

— Яна кетасанми?

У қизга қарамай йўқ дегандай бош ирғади. Мен Нашахонни хафа қилиб қўймаслик учун сўраб-суриштирмадим.

У яна озгина дам олгач, отасини кўрмоқчилигини айтди. Нашахон миқ этмаса-да, орқасидан боришга қарор қилди. Ўзининг кичкина ҳийласини сезишганини тушунган Кичик Чаён хонада нари-бери юра бошлади: мен уни қўллаб-қувватлай олмасдим, чунки мени қизнинг назари тўхтатиб турарди. Нашахон чидаб туролмай йиғлаб юборди.

— Қаёққа борсанг, мен ҳам кетингдан бораман.

У бошини қуйи солганча ўйланиб қолди:

— Яхши!

Катта Чаённи кўришга кўзим учиб турмаган бўлса-да, мен ҳам улар билан бирга боришимни айтдим.

Биз кун ботиш томон юридик. Одамлар ва аскарлар қаршимиздан келишарди.

— Душман ғарбда бўлгандан кейин нега улар шарққа қараб кетишяпти? — ихтиёрсиз равишда сўрадим ундан.

— Чунки шарқ бехавотирроқ,— тишларини гижирлатиб жавоб берди Кичик Чаён.

Кўчанинг ҳар томонида шод-хуррам кезиб юрган кекса, ёш олимлар учрар эди.

— Биз император ҳузурига кетяпмиз!— бақришди улар Кичик Чаёнга.— Ҳазрати олийлари илмий конференция чақришга амр этдилар, негаки мамлакат ҳимояси— ҳаммамизнинг умумий ишимиз. Бу ерда биринчилик олимларга тегишлидир. Олдимизда кўп масалалар кўндаланг турибди. Масалан, фронтда аскарлар қанча, душманлар Мушуклар шаҳрини босиб оладими? Ўқми — буни аниқлаш керак. Мабодо ростдан ҳам босиб олишга аҳд қилишган бўлса, Ҳазрати Олийларига яна узоқроққа— шарққа кетишни маслаҳат берамиз. Императоримиз доно, у олимларни унутмайди. Доно олимлар ҳам сўнгги дақиқаларгача императорга садоқатлидирлар!

Ҳазрати Олийларини кўриш умидида ҳовлиқиб кетаётган олимлар ҳатто Кичик Чаённи сезмай қолдилар. Бу қувноқ гуруҳ ўтиб кетар-кетмас, бошқа бир гуруҳ кўринди. Уларнинг бошлари эгилган, юзларида қайғу-ҳасрат зоҳир эди.

— Ёрдам беринг, жаноб! Нега жаноби олийлари бизни илмий конференцияга таклиф қилмайдилар. Ахир, билимимиз ҳам, истеъдодимиз ҳам ўша ярамасларникидан қолишмайди-ку. Агар конференцияда қатнашмасак, бизни умуман олим деб ҳисоблашмайди. Сизнинг танишингиз кўп, жаноб, ёрдам беринг, бизни четлаб ўтишмасин.

Кичик Чаён боягидай жўм турарди, бироқ бу сафар унинг индамаганини бошқача тушунишди.

— Агар сиз бизга ёрдам бермасангиз, ҳукуматни танқид қилишни бошлаймиз, унда ҳаммамизнинг шўримиз қурийд.

Кичик Чаён Нашахоннинг қўлидан маҳкам ушлаганча илдам кета бошлади. Олимлар дод деб юборишди.

Кутилмаганда бўйнига қизил ип осилган махсус аскарлар сафи пайдо бўлди. Мен бунақасини ҳеч кўрмагандим. Олимлар гапидан жаҳли чиққан Кичик Чаёндан сўрашга ботинолмадим. У таажжубдалигимни сезиб, аччиқ кулиб юборди.

— Булар «қизил иплилар» ёки давлат гвардияси. Қизил ип — қўшни мамлакатдаги белги. Бироқ у ёқларда давлатчилик ашаддий ватанпарварлик саналади,

қизил ипли гвардиямиз эса ватанпарварликдан йироқ. Ана, қара, ҳеч ким таҳдид солмайдиган пана жойни қидиришмоқда. Ахир, чет элликлар уларни қириб ташласа, Ватанга бўлган «меҳр-муҳаббати»ни кўрсатолмай аросатда қоладилар-да...

Гвардиячилардан бирининг бўйнида жуда йўғон ип бўлиб, боши устига ўндан ошиқ мушук-одамлар мишишган эди.

— Бу қизил иплилар гвардияси кўмондони, — секингина тушунтирди Кичик Чаён. — У барча давлат ҳокимиятини ўз қўлида жамламоқчи, чунки бошқа давлатлар шу йўсинда кучли давлатга айланган. Ҳозир у ҳаммадан кучли, ҳам айёрроқ. Ишончим комилки, император ҳузурига ўз ниятини амалга ошириш ниятида йўл олган.

— Эҳтимол, қизил иплилар гвардияси шарофати билан давлатингиз жуда кучли бўлиб кетар? — иккила-ниб сўрадим мен.

— Мутлақо. Айёрлик билан ҳокимиятни босиб олиш мумкин, аммо уни мустаҳкамлаб бўлмайди. У шуҳрат-парастлигини қондириш билан овора, давлат ташвишларини эса хаёлига келтирмайди. Ҳақиқий ватанпарварлик — душманга қарши курашмоқдир.

Англашимча, мушук-одамларнинг ўзаро жанжаллари чет элликларнинг мамлакатга бостириб киришига яхши шароит яратган экан. Қизил ипли гвардиячиларнинг ипларидан кўзларим қамашди: кўз олдимда худди қон денгизи ястаниб ётгану, унда гвардиячилар сузиб юргандай туйилди.

Биз аллақачон Мушуклар шаҳри ташқарисига чиқиб кетган эдик. Шунда негадир энди бу шаҳарга қайтиб келмасам керак, деб қувондим. Йўлда бизга яна бир ғалати оломон рўпара келди: чиройли юзли, қўлларига кўкат ушлаган баланд бўйли мушук-одамлар келишарди. Анчадан бери жим келаётган Нашахон бақириб юборди:

— Э-э, авлиёлар келишяпти!

— Нима?? — жаҳл билан ўшқирди Кичик Чаён. — Йўқ, йўқ, мен уларга ишонмайман!

— Қанақа авлиёларни гапиряпсизлар? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

Кичик Чаён узоқ жим қолди, кейин бирдан ўзи менга савол бериб қолди:

— Айт-чи, мушук-одамларнинг асосий камчилиги нимадан иборат?

Бунга жавоб бериш жудаям осон эмас эди. Дўстим алам ила: «Нодонлик!» деганда чин дилдан қувониб кетдим. Албатта, у буни мен тўғримда айтмаётган эди.

— Ҳа, — давом этди Кичик Чаён. — Нодонлик — бизнинг асосий кулфатимиз. Чунки биз одатда бошқаларга тақлид қиламиз, гўё ўзимизни ҳамма нарсани билгандай, тушунгандай тутамиз, аслида эса ҳеч нарсани билмаймиз. Ҳақиқий кулфат келганда дарҳол бақироқ сўзамоллигимизни ирғитиб ташлаймиз-да, худди болалардай онамизни чақириб қоламиз. Қалбларимизнинг бўшлиғи очилиб қолади: оддий нодонлик бу! Кўпгина всеистлар бундай ҳолларда аслида авлиё эмасу буюк инсон бўлиб бидъатларга қарши курашган Мацни ёрдамга чақиршади. Инқилобчиларимиз фақат қўлларидан кўкат ушлаб турадиган шундай авлиёсифат одамларга ҳам сиғинишади... Йўқ, ҳалокатимиз муқаррар! Билгинки, ёмон ташкил қилинган иқтисод, сиёсат, армия ва маориф мамлакатни хароб қилса, оммавий нодонлик бутун-бутун миллатларни хароб қилади. Негаки нодонларни ҳеч ким одам санамайди. Душманлар мамлакатимизни босиб олиб, бизни бутунлай маҳв этадилар, қўшнилардан ҳеч ким ёрдамга келмайди. Ҳайвон пичоқ тиғи остига ётди — хўш, нима бўпти? Одамлар доимо кимдан нафратланса, ўшанга нисбатан бешафқат бўладилар.

Кичик Чаён сўзлари ҳақиқат эди.

Мен мушукларнинг авлиёлари билан танишишни жуда хоҳлаб турсамда, Кичик Чаён ва Нашахонни йўқотиб қўйишдан чўчиб, ўзимни зўрға тийиб олдим. Биз биронта ҳам одами қолмаган, хароба уйлардангина иборат бир қишлоқчада тўхтадик.

— Болалик пайтимда бу қишлоқ анча кўримлироқ эди. Ҳамма нарса жуда тез харобага айланади-я, — деди Кичик Чаён худди ўзига-ўзи гапирётгандай.

Бу қишлоқ нима учун хароб ҳолга келганини билмасдим, лекин уни сўраб-суриштириб ўтирмадим, чунки бир неча ғалати инқилоблар, кейин уруш бўлганини, ғалаба ҳам ҳеч қандай шоду хуррамлик келтирганини эслаб кетдим.

— Ҳамон ўша тўпорлик ва риёкорлик ҳукм сурмоқда — ҳар бир давлат тўнтарилиши армия сонининг ўсишига, очофат амалдорларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Деҳқонлар қора терга ботиб ишлаганига қарамай, ҳамон оч-яланғоч яшайди. Шунинг учун ё қиш-

лоқни ташлаб шаҳарга қочиб кетишади, ёки арзимаган кайф қилувчи барг учун армияга ёлланишади. Ҳа, нодонларнинг инқилоби — жуда хатарли нарса. Токи ўзларини ўз нодонликлари бўғаетганини тушунишмас экан бу мушук-одамларни ҳеч нарса омон сақлаб қолломайди.

Мен шундай хаёллар оғушида ўтирар эканман, Нашахон ирғиб ўрнидан турди-да, бақириб юборди:

— Қаранглар, қаранглар!

Ғарб тарафда каттакон чанг тўзони юқорига ўрларди. Кичик Чаённинг лаблари қалтираб кетди.

— Чекинаётган аскарлар қочиб келишяпти.

## 26

— Яширининглар!— дея хотиржам оҳангда буюрди Кичик Чаён ва менга тушунтирди:— Аскарларимиз ҳужумкорликда унчалик уста бўлмаса-да, чекинишни роса қойил қилишади. Тезроқ яширининглар. Дўстим, Нашахонни сенга топшираман.

У ёниб турган кўзларини ғарб тарафга тикиб турди-да қўлларини силаб-сипамоқчидай Нашахонни бағрига босди, сўнг қизнинг қўлларидан маҳкам сиқди-да титраб-қақшаганча шивирлади:

— Биз бирга ўламиз.

Мен нима қилишимни билмай қолдим: Нашахонни яширайми ёки бирга қолайми? Улимдан қўрқмасдим, фақат уларга фойда келтиришни ўйлардим. Мабодо ақлдан озган юзлаб аскарлар ташланса, ҳатто тўппончам ёрдам беролмайди. Дўстларимнинг қўлидан ушлаганча биронта кулбага кириб яширинмоқчи, аскарлар ўтиб кетгач орқада қолган аскарни ушлаб, воқеа тафсилотларини билиб олмоқчи эдим.

Аммо Кичик Чаён бекинишни хоҳламади, Нашахон ҳам менга қулоқ солмади. Чанг тўзони чақин тезлигида биз тарафга яқинлашиб келмоқда эди.

— Бундай ўлим нодонлик бўлади, мен бунга йўл қўймайман,— дедим.

— Ҳаммаси тамом бўлди, менинг ғамимни емай қўявер,— деди қатъийлик билан Кичик Чаён.

Мен дўстимни маҳкам қучоқлаб олдим-да, куч билан судраб кетдим. Нашахон орқамиздан эргашди. Биз бузилган уйлардан бирига яшириндик. Мен деворга ғиштларни териб қўйиб, қочиб келаётган қўшинни кузата бошладим.

Қўшин тўфондай учиб келиб, бизни чанг-тўзон ва дод-войларга кўмиб ташлади. Мен бир зум кўзларимни юмиб олдим, лекин дарров очдим. Аскарларнинг қўллари бўм-бўш бўлиб, орқа олдига қарамай чекиниб борардилар. Бу вазият менга жасорат бахш этди. Умрим бино бўлиб байроқсиз, қуролсиз, от-уловсиз, формасиз қўшинни кўрмагандим. Дод-вой солганча қайноқ қумда жинниларча чопиб бораётган мушук-одамлар қўшинини билмас эканман. Бутун бошли мушуклар армиясидан чўчимаса ҳам бўларкан.

Ҳаш-паш дегунча қочувчиларнинг асосий гуруҳи ўтиб бўлди. Мен булар Катта Чаённинг аскарлари бўлса керак, деб ўйладим. Негаки улар мағлубият бош айбдорини Катта Чаён деб билишарди. Эҳ, шу сабабдан Кичик Чаён яширинишдан воз кечиб, муқаррар ўлим томон бораётган экан-да. Мен орқароқда қолган биронта аскарни тутмоқчи эдим, бироқ улар тутқич бермай чопиб борардилар. Тўхтатишга умид йўқолгач, отиб олишга қарор қилдим. Мен олдингилар ўқ овозига ҳатто қайрилиб қўймасликларини билардим. Югураётган одамга ўқ текказиб ва енгил жароҳат етказишга кўзим етмас эди.

Аскарлар тобора камайиб борарди. Энг қалтис вазиятда ўқ отишни дилимга жо қилдим-да, беркинган жойимдан ирғиб чиқдим. Бахтимга, улардан бири бошқача йўл тутди: мени кўргани ҳамон илонни кўрган бақадай серрайиб қотиб қолди. Буёғи жуда осон кечди: мен чарчаган ва титраган аскарни елкамга кўтардим, у ҳатто ёнинг демади.

Пана жойимизда у узоқ вақт қимирламай ётди, кейин кўзини очиб, Кичик Чаённи кўрди-ю, худди қорнига биров ўткир найзани санчгандай титраб-тиришиб кетди. Кўзларини ёпиб дўстимга ташланди— мен елкасидан ушлаб қолдим.

Кичик Чаён қочоққа эътибор бермади, демак қочоқни ўзим сўроқ қилишим лозимлигини тушундим. Яхши гап билан жавоб ололмагач, қочоққа пўписа қилиб, чекиниши сабабини сўрадим.

Аскар миқ этмади, кейин нимадир эсига тушиб Кичик Чаённи кўрсатди:

— Ҳаммаси мана шуни деб.

Кичик Чаён илжайиб қўйди.

— Ҳаммасига шу айбдор!— ғазаб билан такрорлади аскар. Мен мушук-одамларнинг баджаҳл ва қизиқ-

қонлигини билганим учун унинг жаҳлидан тушишини кутиб турдим.

— Биз уришишни хоҳламасдик, лекин у бизни алдаб фронтга жўнатди. Бунинг устига, у чет элликлар берган миллий нуфузни олишга рухсат этмади. Қизил ипли гвардия ва бўлак армияларни ҳам шу жўнатди. Улар миллий нуфузларни чўнтакка солиб, ўзлари чекинишди: бизнинг армиямизгина қон тўкди ва бутунлай тор-мор келтирилди. Биз Катта Чаённинг аскарларимиз. Отаси ғамимизни емади, ҳатто жанг майдонини ташлаб кетди... Биронгамиз тирик қолар эканмиз, ўғлининг додини берамиз, деб келишдик. Бошқалар хотиржам чекиндилар, ҳатто бир оз талон-тарож қилиб ўлжалар ҳам олдилар. Ҳамма бизга ўхшаган эмас-да. Энди қандай яшаймиз, ҳолимиз не кечади?!

Кичик Чаён жабрдийдаларни диққат билан тинглади. Менга аскарнинг сўзлари қизиқарли туюлди:

— Сизлар еримиз, уйимиз, оиламиздан маҳрум қилдинглар, Сизларга бугун бир нарса — эртага бошқа нарса керак бўлади!— дея давом этди у.— Амалдорлар кўпайган сайин халқ қашшоқлашяпти. Бизларни таллайсиз, алдайсиз, сизларга лойиқ ўлжа топиб келишимиз учун аскар бўлишга мажбур қиласиз. Бироқ ўлжанинг энг ёғли жойини ўзларинг олиб, бизга урвоқларини берасизлар. Уния армиядан кетиб қолмаслигимиз учун қўрқанларнингдан берасизлар. Сизларнинг молдунёингизни эгаллаш учун чет элликлар ҳужум қилганда яна бизни ўлимга юборасизлар. Бироқ қайси аҳмоқлар сиз учун ўлишга кўзи учиб турибди? Биз шунчаки мажбуриятни бажарамиз, чунки ишлашни билмаймиз. Оталаримиздан тортиб ҳаммани аскарга айлантриб юбордингиз. Болалигимиздан бошлаб тақдиримиз шу— бошқача яшаш қўлимиздан келмайди!

У нафасини ростлаб олиш учун бир зум тўхтади, мен вақти ғаниматда сўрадим:

— Амалдорларнинг ёмон эканлигини билсангиз, нега уларни янчиб ташлаб, бошқаришни қўлларингга олмайсизлар?

Аскарнинг кўзлари олайиб кетди. Мен сўзларимни тушунмаган бўлса керак деб ўйловдим, йўқ, у ўйланиб турган экан.

— Сен биз инқилоб қилмаётганимизни сўраяпсанда, а?

Мен аскардан буларни фаҳмлашини мутлақо кутма-

ган эдим. Мушуклар мамлакатида қанчадан-қанча тўн-  
таришлар бўлиб ўтганини унутган эканман.

— Э-э, жаноб Ерлик, бизда одамлар келажакка  
ишонмай қўйишган. Биз инқилоблардан фақат ютқиза-  
миз, улар ютадилар! Ерларни тақсимлашганда хурсанд  
бўлувдик. Бироқ берилган ер шунчалар оз эдики, унга  
ўнтадан ортиқ кайф қилувчи дарахт ўтқазиб бўлмасди.  
Эксак ҳам оч қоламиз, экмасак ҳам. Бошлиқларимиз  
ҳеч нарса қилишолмади. Ёшроқлари роса уриниб кўрди,  
лекин барибир оч қолавердик. Демак, улар нодонлар  
экан. Гарчи ўзимиз ҳам ҳеч нарса билмасак-да, бош-  
лиқларга ишонмай қўйдик. Биз энди ким кайф қилув-  
чи барг берса, ўшанга хизматкила бошладик. Ҳозир ҳат-  
то аскарликка ҳам ярамаймиз. Йўқ, ҳеч бўлмаганда  
битта амалдорни ўлдириб қасос олишимиз керак. Ахир,  
ҳаммани чет элликлар билан урушга — муқаррар ўлим-  
га жўнатишди-ку! Агар бизларни ўлдиришса, ким улар-  
га хизмат қилади, кайф қилувчи барглари ким ейди?  
Амалдорларда ўша барглардан тоғдай уюлиб ётибди,  
тўда-тўда хотинлари бор. Аммо бизга кемириб ташлан-  
ган баргни ҳам беришмайди, қайтангга чет элликлар  
билан урушга жўнатишади. Бас, етар, пичоқ томоққа  
келиб етди, амалдорлар билан жанг қиламиз.

— Эҳтимол, сен буни назарда тутаётгандирсан? —  
дея кўрсатдим мен Кичик Чаённи.

— Албатта-да. У бизни фронтга жўнатди, чет эл-  
ликлардан миллий нуфузни олишга рухсат бермади!

— Хўш, уни ўлдирганингиздан кейин нима қила-  
сизлар? — сўрадим мен.

Аскар индамади.

Кичик Чаён мулоҳазали, эс-ҳушли мушук-одам эди.  
Уни ўлдириш, ёки нафратланиш нодонлик бўлишини  
аскарга тушунтиришга на вақтим, на хоҳишим бор эди.  
Афтидан, аскар Кичик Чаённи амалдор деб ўйласа ке-  
рак. У бутун амалдорларни йўқ қилолмас, аммо битта-  
сига ўз қаҳрини сочмоқчи эди назаримда. Мен яна бир  
нарсани англадимки, сиёсий ва иқтисодий масалаларни  
ечишга уринган одам ақлли ва тажрибали бўлса-да ҳа-  
ётий маълумотларни билмаса иши ҳеч юришмайди.  
Давлат тўнтаришлари синфий онгни кескинлаштиради,  
биноқ халқни ақллироқ қилолмайди: у фақат ўзини ал-  
данган деб ҳис қилади, лекин нима қилишини билмай-  
ди. Тепадан пастгача ёппасига нодонлик! О, нақадар  
даҳшат!



Бу асирни нима қилсак экан? Мабодо қўйиб юбор- сак у бошқа аскарларни чақириб келиб, Кичик Чаённи ўлдириши мумкин. Ўзимиз билан бирга олиб кетсак, халақит беради. Қоронғу тушиб қолганди, тезроқ ҳара- кат қилиш лозим. Аммо Кичик Чаён ўлимдан бошқа ҳеч нарса уларни фалокатдан қутқара олмаслигини ну- қул гапирарди. Маслаҳатчи Нашахондан эса ҳеч наф чиқмасди. Уйга қайтиб кетиш хавфли, ғарбга бориш эса ўз бошингни ўзинг сиртмоққа тикқандай гап эди. Ягона йўл — Чет элликлар маҳалласига бориш эди, холос. Бироқ Кичик Чаён рози бўлмади.

— Шарманда бўлгандан кўра ўлганим яхши. Сен бу бечора аскарни қўйиб юбор...

Мен айтганини қилдим.

Қош қорая бошлади. Атрофда ғалати, даҳшатли со- кинлик чўкди. Эҳтимол, ҳув олисларда аскарлар қочиб боришаётган бўлса керак. Орқасидан чет элликлар ар- мияси кетаётгандир? Бу ерда худди бўрон олдидан саҳ- рода бўладигандай ҳавотирли сокинлик ҳукмрон. Бош- қа мамлакатга ўтиб кетсаммикан? Мени яқин дўстим Кичик Чаённинг тақдири кўпроқ ўйлантириб қўйган эди. Нашахонни ҳам ташлаб кетишга кўзим қиймайди. Оҳ, хароба уйда ўтириб давлатнинг ҳалокатга учраёт- ганини кутиш нақадар аянчли! Айни шу сонияларда «инсон» ва «фуқаро» деган тушунча ўртасидаги алоқа- ни қаттиқ ҳис этасан. Мен ўзимни эмас, дўстларимни ўйлардим: фақат шу йўл билангина уларнинг юрак-бағ- рига кириб борар, қайғу-ғамининг жилла бўлмаса, бир қисмини ўзимга олишга муваффақ бўлардим. Аммо уларга тасалли бериш бефойда эди. Давлат ўзининг нодонлигидан ҳалок бўлаётган эди. Бу ҳалокат қарама- қаршилиқлар фожиавий ечими эмас, балки тарихий ҳа- қиқат эди. Мен китоб ўқиётганим йўқ, балки ўлим шар- паси босиб келаётганини англардим. Бу ҳалокатга лаъ- натлар ўқишар ёки ўтмиш хотираларга ғарқ бўлишар эди. Мушук-одамларнинг келажаги йўқ, бугуни эса инсониятнинг бутун шармандалиқларини ўзига жамул- жам қилиб олганди.

Зим-зиё осмонда юлдузлар чарақлади. Атрофда чу- қур сукунат, бироқ дўстларимнинг кўзи очиқ эди. Улар менинг ухламаётганимни билишар, лекин ҳеч кимнинг гапиришга хоҳиши йўқ: тақдирнинг оғир юки тиллари- мизни дол қилган эди. Жаҳонда яна битта маданият ўчоғи сўнаётир. Энди у ҳеч қачон қайта тикланмайди.

Унинг сўнги оҳ-войи Озодликнинг кечиккан кўшиғи бўлди. Бу маданиятнинг жони жаҳаннамга тушиши муқаррар, чунки унинг борлигининг ўзи тарих саҳифасидаги қора доғ эди.

## 27

Тонгга яқин кўзим илиниб, мудраб қолибман. Тўсатдан иккита ўқ отилди. Мен ўрнимдан ирғиб турдим, бироқ кеч бўлганди: дўстларим қонларига беланиб ётишарди. Кичик Чаённинг ёнида тўппончани кўрдим.

Ушанда қай аҳволга тушганимни тасвирлашга ожизман. Ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди, фақат юрагимда дард-оғриқ ва ўлик кўзларнинг тикилиши муҳрланиб қолди. Ҳа, улар менга тикилиб туришарди. Гарчи бирор ифодаси бўлмаса-да, нимани ўйлаётганларини топишни менга ҳавола қилганча жим ётишарди.

Қаршимда азалий сир-асрор пайдо бўлди. Мен уларни ҳаётга қайтариш умидида эдим. Ҳаёт мураккаб нозик ва ўжар эканлигини ҳис қилардим. Мен йиғламасдим, худди мушук-одамларга ўхшаб ўлган эдим. Фақат фарқимиз шуки, улар ерда ётишар, мен тик турардим, Мен чўкка тушиб, ушлаб кўрдим; бадани ҳали совиб улгурмаганди, лекин жавоб қайтаришмади. Улардан мен билган озгинагина нарса сақланиб қолди— қолганлари зумда ғойиб бўлди.

Мен дўстларимга жуда ачиндим. Айниқса, қаҳрамонона ҳалок бўлишга ҳали тайёр бўлмаган Нашахонга. Мушук-одамларнинг жинояти ва фожиаси ҳатто буларнинг хотинлари, оналари, опа-сингилларига ҳам таъсир қилаётган эди. Шундай арзимаган давлатга аёлларни инъом этиб нима қилардинг?!

Мен Кичик Чаённинг фожиасини тушунардим. Унинг ўз Ватанида ҳалок бўлиши, кўргиликка чидолмай ўз-ўзини отиб қўйиши сабаблари бор эди. Инсон ўз миллати ва давлатидан айри яшайолмайди: агар ўшалардан ажраса, ҳалок бўлади, мабодо тирик қолса ҳам руҳи ўлади.

Нашахон ва Кичик Чаён менга қимматлироқ, қадрлироқ кишилар эди. Ҳозир уларни уйғотиб, яхши одамлар эканлигини, руҳи ҳали ҳалок бўлмаганини айтгим келарди. Мен билан Ерга учиб кетиб, ҳаёт лаззатларидан тотиб кўришларини истардим. Бироқ самарасиз

хаёлларим фақат соғинч ҳисларини кучайтирди. Дўстларим гўё бир неча кун олдин ҳалок бўлгандай қимир этишмасди. Ҳаёт ва ўлим орасида чек-чегарасиз катта мавҳумлик ётади. Улимнинг сукунати ягона ҳақиқат эди. Дўстларим энди бошқа гапирмайдилар, ўзимнинг ҳам ҳаётга бўлган қизиқишим сўнди.

Мен мурдалар ёнида тонг отгунча ўтириб чиқдим. Уларнинг қиёфаси тобора аниқроқ кўрина бошлади: Қуёшнинг илк нурлари гўзал Нашахон ва деворга суяниб қолган Қичик Чаённинг юзига тушиб турарди. Йигитнинг юзлари ўлимдан сўнг ҳам тушкунлигича қолган эди.

Мабодо бу ерда ўтираверсам, ақлдан озиб қолишим аниқ эди. Дўстларимнинг жасадини маҳкам қучоқлаганча узоқ йиғладим. Алвидо, Қичик Чаён, алвидо, Нашахон.

Аммо уларни кўмиш қўлимдан келмасди. Тишларимни маҳкам қисганча, тўппончамни ердан олдим-да, девордан ошиб ўтдим. Сал нарироқ боргач, орқамга ўгирилиб қарадим. Йўқ, энди улар ёнига қайтмайман. О, қандай зolim одамман: аввалига бирга учиб келган ўртоғимдан айрилдим, энди эса дўстларимдан...

Мен йўлга тушдим. Атрофда ҳеч зоғ йўқ эди. Ҳар қадамда ўлим, ҳалокат даҳшати ҳукм суради. Осмон остидаги кулранг, сариқ йўлларда аскарларнинг ўликлари чўзилиб ётибди. Улар тепасида қаҳрли чинқирганча оқ калхатлар парвоз қилади. Мен шитоб билан юриб борарканман, Нашахоннинг кулгиси, Қичик Чаённинг вазмин сўзлари қулоқларим остидан нари кетмасди. Улар мени таъқиб қилардилар.

Мушуклар шаҳарчасини узоқдан кўргач юракларим дукиллаб ура бошлади. Бу даҳшатли воқеалардан, ё умидли ўйларимдан бўлса ажаб эмас. Кўчалар бўмбўш, фақат зўрланган аёлларнинг мурдаси ётибди. Мен бу ердан аскарлар ўтганини, Нашахоннинг «Атиргул ҳам қочиб кетди!» деган сўзларини эсладим.

Атиргул қочиб кетмаганида ҳозир шу мурдалар орасида ётарди... Ана, калхатлар чўқиб ташлаган Қатта Шунқорнинг боши устунга осилганча турибди, уни ҳеч ким қўриқламас, аксинча унинг ўзи кимсасиз шаҳарни қўриқлаётгандек эди... Қичик Чаённинг уйи бузилиб, вайронага айланибди.

Аскарлар ақалли эсдаликка ҳам бирон буюм қолдиришмабди. Айтгандай, бунинг ҳеч зарурати йўқ, чунки

бу шаҳарнинг девори ҳар бир ғиштини кўрганимда кўзимдан ёш пайдо бўлади.

Одамлар шарқ томонга кетганини эшитиб, ўша ёққа жўнадим. Йўл-йўлакай кулранг ҳавога чулганган ўлик шаҳарга қараб қўйдим. Кейин Катта Чаён нашазорига бурилдим. Бу ерда ҳам аскарлар қўнишгани сабабли қишлоқ ҳувиллаган эди.

Сайхонликда ҳеч кимни учратмадим. Дарахт соясида тўхтадим, бироқ мудҳиш сокинлик мени бу ердан кетишга мажбур қилди... Бекорчиликдан ўзим чўмилиб турадиган кўл бўйига бордим, қумга ётганча атрофни томоша қилдим. Кутилмаганда ғира-шира туман орасидан ғарб томон кетаётган одамларнинг шарпасини кўриб қолдим. Гўё шароит ўзгарган ва одамлар шаҳарга қайтаётган эди. Йўловчилар тобора кўпаяр, баъзилар аскарлар билан бирга боришар, ўзларига номдор мушук-одамларга хос йўл очардилар. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда тўқнашувлар юз берган, бироқ ким ғолиб чиққанини билиб бўлмасди. Негаки аскарлар нуқул қочишар, бир-бирларидан яширинар эдилар. Отрядлардан бири моҳирлик билан чап берганча, олға силжиётган эди. Соҳилга яқин келишганида абжирлиги сабабини тушундим: бу отряднинг бошлиғи Катта Чаён эди.

Бундай қулай фурсатни қўлдан бой беролмасдим. Кенгроқ бўш жойга чиқиб олиб, отряд кетидан югурдим. Мени кўрган Катта Чаён хурсанд бўлди, бироқ гаплашиб ўтиришга фурсати йўқ эди. Мен ундан «Нима қилмоқчисиз» деб сўрагандим, ташвишли оҳангда деди:

— Пойтахтга бирга юринг. Тез бормасак, душманлар у ерга ҳам етиб келишади.

«Ахийри, мушук-одамлар пойтахт шаҳарни ҳимоя қилиш зарурлигини тушунишибди, деб хурсанд бўлдим мен. Лекин нега йўлларда жанг қилиб юришибди».

Катта Чаён синчковлигимни билгани учун ҳақиқатни мендан яшириб ўтирмади.

— Биз таслим бўлгани кетяпмиз,— деди у.— Ким пойтахтни душманга биринчи топширса, у муносиб мартабалар эгаси бўлади.

— Сен таслим бўлишга устаси фарангсан!— шарт кесдим алаимдан титраб.

Катта Чаён орқасидан келаётган саркардалар ҳам таслим бўлишга шошилдилар. Айниқса, қизил ипли-

лар гвардияси қўмондони ғайрат қиларди. Бўйнига ҳамон йўғон қизил ипни осиб олган эди у.

Кутилмаганда тўхтаб қолишди. Душман яқинлашиб келаётган эди. Мен Катта Чаённинг таслим бўлишини кўрмоқчи бўлдим. Лекин қизил иплилар гвардияси қўмондони уни тезда босиб ўтдию худди қушдай учиб, душман ҳузурига югуриб бориб тиз чўкди. Бошқа саркардалар ҳам шундай қилишди. Бу эски Хитойда мўминқобил ўғиллар ота-оналарининг мотам маросимида қатнашишини эслатди менга.

Шу сонияда илм марта Мушуклар мамлакати душманларини кўрдим. Уларнинг кўплари оддий мушукодамларга қараганда паканароқ бўлиб, ақлсиз, қабих ва золимроқ кўринарди. Уларнинг на тарихини, на миллий характерини билмасдим, фақат биринчи олган таассуротимга қараб хулоса чиқариш мумкин эди. Қўлларида темирга ўхшаган калта таёқ ушлашган эди.

Мушук-одамлар тиз чўкишгач, лилипутлардан бири— афтидан, бошлиғи бўлса керак — қарсақ чалиб юборди. Шунда орқада турган аскарлар дарҳол олдинга ташланиб, ҳайрон қоларлик даражада аниқлик билан таслим бўлувчиларнинг бошларига ура бошлашди. Маҳкумлар калтакларда худди электр токи бордай гинг демай ерга қулашарди. Қолган мушук-одамлар эса пичоқ остига тушган хўрозлардай ғовур-ғувур қилиб бақириб боришди-да, шерикларини босиб-янчиб орқага қочишди. Лилипутлар уларни таъқиб қилмадилар, балки мурдаларни оёқлари билан тепганча, олға силжидилар.

Кичик Чаён душман мушук-одамларни битта қолдирмай қириб ташлайди, деб бекорга айтмаган экан. Мен улар қаршилиқ кўрсатишди, деб умид қилардим. Таслим бўлиш ҳалокатдан омон сақлаб қолмади. Эҳтимол, кураш қутқариб қолармиди— ким билади дейсиз. Мен урушни яхши кўрмайман, бироқ гоҳида тарих бунинг зарур бўлиб қолишини, гоҳида у жангга кириб, ўлимга тик боришини эшитганман. Ўз халқи озодлиги учун курашиш — муқаддас вазифа ва бурчдир! Ёлғончи ватанпарварликни кўргани кўзим йўқ. Бундай шармандали мағлубиятдан кейин Мушуклар мамлакати фуқаролари курашни яна бошлаб ғалаба ва саодатига ҳам эришар балким.

Мен ярадорларни калтаклаб ўлдираётган лилипут аскарларидан узоқроқда турардим. Бу аскарларда маданият аломатлари камроқ бўлса-да Ватанларига ҳур-

матлари баландлиги учун мушук-одамларга нисбатан юқори туришарди. Ҳурмат худбинлик ила қўшилган эди. Бироқ тасодифни қарангки, шахсий манфаатини ўйлайдиган Мушуклар мамлакати аҳолисини лилипутлар таслим қилаётган эдилар.

Яхшиямки, фронтга жўнаш олдидан кайф қилувчи барглардан олган экацман. Мен лилипутлардан овқат сўраш уёқда турсин, ҳатто яқинлашишга журъат қилолмасдим. Худо кўрсатмасин, мени жосус-посус деб ўйлаб қолишмасин тагин.

Биз бир вақтлар менинг кемам йиқилиб тушган жойга етиб келдик. Шу дам лилипутлар негадир тўхтаб қолдилар. Кеманинг синиқлари уларнинг диққатини тортган эди. Қелгиндиларнинг синчковлиги оддий мушук-одамларникидан дурустроқ эди, бироқ шу пайт мен бу тўғрида эмас, улар топаётган дўстимнинг хоки ҳақида ўйлардим.

Аскарлар бирпас дам олишгач, ерни қазий бошлашди. Сал бесўнайқайроқ бўлишса-да, чаққон ишлашар—ҳаракатларида дангасалик, иккиланиш аломатлари сезилмас эди. Ҳаш-паш дегунча катта зовур қазишди-да, асир мушук-одамларнинг тўдасини ҳайдаб келиб битта-битта чуқурга итариб юборишди. Бечораларнинг дод-войидан ҳатто темир юраклар ҳам тарс ёрилиб кетай дерди. Лилипутларнинг юраги темирдан қаттиқроқ экан. Устига устак темир таёқлари тинимсиз ишга тушиб кетди. Қурбонлар орасида аёллар кўп эди, қўлида болалари ҳам бор эди. Қутқаришнинг иложини тополмагач, кўзларимни чирт юмиб олдим. Дод-вой, йиғи-сийғилар ҳалигача қулоғим остида жаранглайди. Булар тингандан кейин кўзимни очдим. Шунда пакана ҳайвонлар ерни тепкилаб текислашаётганини кўрдим. Асирларни тириклайин кўмиб ташлашган эди! Қаршилик кўрсатмаган ожизлар учун даҳшатли қасос эди бу. Мен кимдан кўпроқ нафратланишимни билмасдим, бироқ ўзларини ўзлари ҳурмат қилмайдиганлар инсоний муомалага лойиқ эмаслигини ҳис қилиб турардим. Катта Чаёнларнинг қабиҳлиги кўпларни хароб қилиши мумкинлигини англаб етдим.

Мен кўрган-кечирганларимни охирига қадар тушуниб етганимда аламли кўз ёшларимдан кўр бўлиб қолардим. Лилипутлар энг зодим маҳлуқлар эди назаримда. Ростдан ҳам ўша кичик одамчалар Мушуклар давлатини йўқ қилдилар!

Кейинроқ, мушук-одамлар курашишга бел боғлаганларини кўрдим, лекин булар кичик-кичик гуруҳ — тўрт-беш одам талвасаси эди, холос. Аммо иноқлик билан бирлашолмадилар. Мен ўнлаб қочоқ мушукларни тепаликда кўрдим. Душманлар босиб олмаган ягона ер шу эди. Уч кун ўтмаёқ улар бир-бирлари билан жанжаллашиб, муштлашиб кетдилар. Тепаликка лилипутлар чиқиб боришганда у ерда бир-бири билан муштлашиб-юмаллашиб ётган икки одамдан бўлак ҳеч ким қолмаган эди. Афтидан, булар Мушуклар давлатининг энг сўнгги фуқаролари бўлса ажаб эмас. Аскарлар уларни ўлдириб ўтиришмади, балки каттакон ёғоч қафасга солишди. Асирлар қафас ичида ҳам бир-бирини то ражиб ташламагунча олишдилар ва ниҳоят, мушук-одамлар ўз ҳалокатига ўзлари етиб улгурдилар.

Мен Миррихда яна ярим йилча яшадим. Ниҳоят мени озод — Буюк Хитойимга эсон-омон элтиб қўйди.



*Адабий-бадиий нашр*

**ЛАО ШЭ**

**МУШУКЛАР САЛТАНАТИ**

Рўмон

«Наука» нашриётида чоп этилган китобдан таржима, Москва,  
1969 йил.

Мусаввир В. Лисс  
Муҳаррир Ф. Камолова  
Техн. муҳаррир У. Ким  
Мусаҳҳиҳ М. Хўжаева

Босмахонага 1.07.96 й. да берилди. 10.12.96 й. да босишга рухсат  
этилди. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Юқори босма. Шартли босма табо-  
ғи 6,72. Нашр табоғи 7,13. Нусхаси 5000. 4544-буюртма. Баҳоси  
шартнома асосида. Шартнома 108—96.

«Езувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-  
хонасида. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-тор кўча, 2- уй.